$$Y = \frac{1}{k} \left[gt - \left(\frac{g}{k} - V_0 \sin \alpha_0 \right) (1 - e^{-kt}) \right]. \quad (12)$$

2–расмда тасвирланган схема ва (1) ифодага асосан

$$\alpha_{myu} = 90^\circ - \varepsilon; \quad (13)$$

$$\operatorname{tg} \alpha_{kai} = \frac{\operatorname{ctg} \varepsilon}{K_T}. \quad (14)$$

(2), (13) ва (14) ифодаларни ҳисобга олган ҳолда, (11) ва (12) тенгламаларни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$X = \frac{1}{k} V_0 \sqrt{\cos^2 \varepsilon + K_T^2 \sin^2 \varepsilon} (1 - e^{-kt}) \cos(\operatorname{arctg} \frac{\operatorname{ctg} \varepsilon}{K_T} - \varepsilon) \quad (15)$$




ва

$$Y = \frac{1}{k} \left[gt - \left(\frac{g}{k} - V_0 \sqrt{\cos^2 \varepsilon + K_T^2 \sin^2 \varepsilon} \sin(\operatorname{arctg} \frac{\operatorname{ctg} \varepsilon}{K_T} - \varepsilon) \right) (1 - e^{-kt}) \right]. \quad (16)$$

Бу тенгламаларни биргаликда ечиб, қуйидаги тенгламага эга бўламиз

$$Y = \frac{g}{k^2} \ln \frac{V_0 \sqrt{\cos^2 \varepsilon + K_T^2 \sin^2 \varepsilon} \cos(\operatorname{arctg} \frac{\operatorname{ctg} \varepsilon}{K_T} - \varepsilon)}{V_0 \sqrt{\cos^2 \varepsilon + K_T^2 \sin^2 \varepsilon} \cos(\operatorname{arctg} \frac{\operatorname{ctg} \varepsilon}{K_T} - \varepsilon) - kX} - \frac{g - kV_0 \sqrt{\cos^2 \varepsilon + K_T^2 \sin^2 \varepsilon} \sin(\operatorname{arctg} \frac{\operatorname{ctg} \varepsilon}{K_T} - \varepsilon)}{kV_0 \sqrt{\cos^2 \varepsilon + K_T^2 \sin^2 \varepsilon} \cos(\operatorname{arctg} \frac{\operatorname{ctg} \varepsilon}{K_T} - \varepsilon)} X. \quad (17)$$

Бу тенглама ўғит бўлакларини йўналтиргичдан қайтгандан кейинги биринчи сакраши траекториясининг тенграмаси ҳисобланади. $K_T = 0,3$ қабул қилиниб, 3-расмда V_0 тезлик ва ε бурчакнинг турли қийматларида ўғит бўлакларининг биринчи сакрашидаги траекториялари қурилди. Улардан кўриниб турибдики V_0 тезлик ортиши билан ўғит бўлагининг ўғиттаксимлагичдан қайтиш бурчаги, у бўйича сакраш баландлиги ва узунлиги ортиб борган, ε бурчак ортиши билан эса ўғит бўлакларининг қайтиш бурчаги ҳамда сакраш баландлиги ортган, сакраш узунлиги эса камайган.



1,2,3,4-мос равишда $V_0=1,5; 2,0; 2,5$ ва $3,0$ м/с бўлганда;

а, б, в – мос равишда $\varepsilon=45, 60, 75^\circ$ бўлганда

3-расм. V_0 тезлик ва ε бурчакни турли қийматларида ўғит бўлакларининг сакраш траекториялари

Ўғит бўлакларининг кейинги сакрашларини тадқиқ этиш учун уларни биринчи сакрашдан кейин йўналтиргич билан қайта учрашув нуқтасининг координаталарини аниқлаш зарур. Бунга $Y = X \operatorname{ctg} \varepsilon$ ва (17) тенгламаларни биргаликда ечиб эришамиз. Бунда дастлаб ўғит бўлакларини ўғитйўналтиргични ишчи сиртига келиб тушиш нуқтасининг координаталари, кейин эса уларнинг тушиш тезликлари аниқланади. Шундан сўнг юқоридаги тартибда ўғит бўлакларининг кейинги сакрашидаги ҳаракат тенграмалари тузилади ва ечилади. Шунини таъкидлаш лозимки ўғит бўлаклари ўғитйўналтиргичнинг ишчи

сиртида сакраб ҳаракатланганда улар тартибсиз ҳамда узуликли ҳаракатланади ва шу туфайли иш органи ҳосил қилган эгат тубига бир текис тақсимланмайди [4-6]. Бу эса ғўзани нотекис ривожланиши ва ҳосил тўплашига олиб келади.

Ўғитлар ўғитйўналтиргич бўйлаб сирпаниб ҳаракатланганда унга келиб тушган ўғит бўлаклари унинг ишчи сирти бўйлаб $V_0 \cos \varepsilon$ бошланғич тезлик билан сирпана бошлайди.

Ўғитйўналтиргич ишчи сирти бўйлаб X_1 ўқини ўтказамиз (2-расм) ва ўғит бўлагини ушбу ўқ бўйлаб ҳаракатининг дифференциал тенгламасини тузамиз. У қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$\frac{dV_{x_1}}{dt} = g(\cos \varepsilon - f \sin \varepsilon), \quad (18)$$

бунда f – ўғитни ўғитйўналтиргич ишчи сиртига ишқаланиш коэффициентини.

(18) тенгламани $t_1 = 0$ бўлганда $V_{x_1} = V_0 \cos \varepsilon$ ва $X_1 = 0$ шартлар бўйича интегралласак

$$V_{x_1} = V_0 \cos \varepsilon + gt(\cos \varepsilon - f \sin \varepsilon) \quad (19)$$

ва

$$X_1 = V_0 t \cos \varepsilon + g \frac{t^2}{2} (\cos \varepsilon - f \sin \varepsilon) \quad (20)$$

эканлиги келиб чиқади.

(19 ва (20) тенгламалар таҳлилидан кўриниб турибдики, ўғит бўлаклари ўғитйўналтир-гичнинг ишчи сиртида сирпаниб ҳаракатланганда уларнинг ҳаракати тартибли ва узлуксиз равишда бўлади ва ундан тушгандан сўнг иш органи ҳосил қилган эгат тубига бир текис тақсимланади [3-5]. Бунинг натижасида эса ғўзанинг бир текис ривожланиши ва ҳосил тўплаши ҳамда тўпланган ҳосилни бир текис пишиб етилишига эришилинади.

Бажарилган тадқиқотларга [4,5] асосан ўғит бўлаклари иш органи ўғитйўналтиргичининг ишчи сирти бўйлаб сирпаниб ҳаракатланиши ва демак бир текис тақсимланишини таъминлаш учун унинг, яъни ўғитйўналтиргичининг тикка нисбатан ўрнатилиш бурчаги ε кўпи билан 18° бўлиши мумкин.

Адабиётлар

- [1]. Пахтачилик справочниги. –Тошкент: Мехнат, 1989. –500 б.
- [2]. Хаджиев А.Х., Темиров С.У., Йулдашев О.К., Курамбоев Б.Р. Обоснование параметров усовершенствованного сошника для внесения минеральных и органо-минеральных удобрений // *Сельскохозяйственные машины и технологии*. 2019. Т. 13. №4. С. 54-57.
- [3]. Рашидов Т.Р., Шозиётов Ш., Мўминов Қ.Б. Назарий механика асослари -Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 584 б.
- [4]. Хусаинов С. Изучение технологического процесса и параметров рабочего органа чизель-удобрителя для заделки удобрений на засоленных землях: Дис. ... канд. техн. наук. –Янгиюль, 1975. –166 с.
- [5]. Хамидов Ш.А. Обоснование параметров устройства к глубокорыхлителью для глубокого широкополосного внесения органо-минеральных удобрений в зоне хлопководства: Дис. ... канд. техн. наук. –Янгиюль, 1985. – 166 с.
- [6]. Шайхов М.К. Премениение скоростной пространственной фотосъёмки для исследования движения сыпучих материалов // НТБ ВИМ. –Москва, 1969.-Вып.6.- С.8-11.

УДК 631.358

БИР БРУСЛИ ЭКИШ АГРЕГАТИ СЕКЦИЯСИ

Ботиров А.Г., Кенжабоев Ш.Ш., Негматуллаев С.Э., Маматрахимов О.А.

*Наманган муҳандислик -қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)*

The article describes the problems of seeding equipment, analysis of the design of the seeding sections, the shortcomings of the existing section, the optimal design of the improved seeding section, the

improvement of the nesting apparatus, the interaction of the disc with the seeds and the theoretical equation of the complex movement of seeds.

Key words. Seeder, sowing, nesting, punctuation, seed, nesting apparatus, sowing trough, seed, working body, disc sowing apparatus, hairy seed, burial organs, feather, friction force, seed movement, spindle rotation speed.

В статье описаны проблемы посевной техники, анализ конструкции посевной секций, недостатки существующей секции, оптимальная конструкция улучшенной посевной секции, усовершенствование гнездового аппарата, взаимодействие диска с семенами и теоретическое уравнение сложного движения семян.

Ключевые слова. Сеялка, посев, гнездование, пунктуация, посевной материал, гнездовой аппарат, посевной лоток, семя, рабочий орган, дисковый посевной аппарат, ворсистое семя, органы захоронения, перо, сила трения, движение семян, скорость вращения шпинделя.

Мақолада экиш технологиясининг муаммолари, экиш секцияларини конструкцияларини таҳлили, мавжуд секциянинг камчиликлари, такомиллашган экиш секциясини мақбул конструкцияси, ундаги уяловчи аппаратни ўзгартирилганлиги, парракни чигит билан ўзаро таъсири ва чигитни мураккаб ҳаракатининг назарий тенгламаси ёритилган.

Таянч сўзлар. Сеялка, экиш, уялаб экиш, пунктлаб экиш, чигит, уяловчи аппарат, экиш нови, уруғ, ишчи орган, диски экиш аппарати, тукли чигит, кўмувчи органлар, паррак, ишқаланиш кучи, чигитнинг ҳаракатланиши, куракчанинг айланиш тезлиги.

Модулли СМХ-4 чигит сеялкасида экиш секцияси экиш ва уяловчи аппаратлар, ҳамда уруғ экувчи ишчи органлардан ташкил топган.

Биз экиш ва уяловчи аппаратни такомиллаштиришни кўриб чиқамиз. Чигит сеялкасига диски экиш аппаратини ўрнатилиши чигит экишда бир мунча афзалликларни беради (1-расм).


Жумладан: Экиш секцияси бир брусга маҳкамланганлиги, экиш схемасига созлаш қулайлиги, тукли, туксизлантирилган ва бошқа экинларни уруғларини экишга мослаш экиш аппаратини баъзи бир деталларни алмаштириш ҳисобига тезда эришиш имконияти борлиги, дала шароитида созлаш ва ишлатиш қулайлиги ва ҳ.к.

Мавжуд конструкцияда уяловчи аппарат экиш секциясига нисбатан 30° бурчак остида ўрнатилган бўлиб (2-расм, б), фақат тукли чигит экишга мосланган. Туксизлантирилган чигит фақат экиш аппаратидан итаргич ва ёйсимон экиш нови орқали эккич хосил қилган ариқчага тўғридан-тўғри пунктлаб экади. Туксизлантирилган чигитни уяловчи аппарати орқали экилганда, чигит конуссимон уруғ нов ва паррак орқали дастлаб пастга кейин юқорига кўтарилиб, мураккаб ҳаракатланиш содир этган холда эккич хосил қилган ариқчага тушиб экилади. Натижада экиш бир хиллилиги таъминлаш қийинроқ бўлади.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш, яъни СМХ-4 сеялкасида туксизлантирилган чигитни уялаб экиш учун экиш секциясини конструкциясига ўзгартириш киритдик (2-расм а).

Бунинг учун уяловчи аппарат корпусини гардишига экиш дарчасини жойлашишини ўзгартириб, экиш секциясига нисбатан 45° бурчак остида ўрнатилди. Бунда уяловчи аппаратни чигит қабул қилиш дарчаси экиш аппарати қайтаргичи жойлашган дарчага яқин ўрнатилади [1].

Уяловчи аппарат уруғ тушиш дарчаси эса эккичнинг жағи ўртасига ўрнатилади. Экиш жараёни қуйидагича амалга ошрилади: Экиш аппарати бункеридаги туксизлантирилган уруғ итаргич ва қабул қилиш дарчаси орқали паррак уяларига тушади ва уячалар билан





1-расм. СМХ сеялкасининг диски аппарати. 1- конуссимон шестерня; 2- ёйсимон экиш нови; 3-оралик диск; 4- катакчали диск; 5-кўзгалмас диск; 6-вертикал ўқ; 7-тешикча.

биргаликда, уяловчи аппарат корпуси ичида айлана бўйлаб ҳаракатланиб дарча орқали экич ҳосил қилган ариқчага маълум вақт ичида оғирлик кучи таъсирида эркин тушади, экич кўмувчи органлари уни кўмади, натижада экиш жараёни бажарилади.

Уялар орасидаги масофани ўзгартириш ҳаракат узатиш нисбатини ўзгартириш ёки паррак куракчалари сонини ўзгартириш ҳисобига амалга оширилади. Г.М.Рудаков тадқиқотлари ҳулосаси бўйича экиш жараёнида уя ҳосил қилиш характерли 5 вариантда намоён бўлиши аниқланган [2].

Чигитнинг куракча сиртига нисбатан ҳаракатланиши уч босқичдан иборат:

- а) чигит куракча сирти бўйлаб марказдан қочма ҳаракатланади;
- б) куракча билан биргаликда корпус туби ва девори бўйлаб кўчирма ҳаракат қилади;
- в) куракча сиртидан тушиб, экич бўшлиғида эркин ҳаракат қилади. [3].



а) такомиллашган конструкция

б) мавжуд конструкция

2-расм. СМХ-4 сеялкаси экиш ва уяловчи аппаратлари

1-бункер; 2-сақловчи халқа; 3-оралиқ халқа; 4-экиш халқаси; 5-юлдузча; 6 -конуссимон юлдузча; 7-аппарат корпуси; 8-етақловчи юлдузча; 9-вал; 10-оралиқ вал; 11-ўқ; 12-ростловчи винт; 13-тўзиткич; 14-ғалтак; 15-махсус болт; 16-бармоқли тўзиткич; 17-етақланувчи юлдузча; 18-етақланувчи вал; 19- вертикал ўқ; 20-уяловчи аппарат корпуси; 21-экиш куракчалари; 22-қопқоқ.

Ҳар бир босқични алоҳида кўриб чиқиб, чигит ҳаракатини аниқлаймиз.

Қуйидаги белгиланишларни киритамиз.

m -чигит оғирлиги;

r_0 -куракча ички радиуси;

r_1 -куракча ташқи радиуси;

f_1, f_2 ва f_3 -мос равишда чигит билан корпус туби, куракча ва корпус деворлари орасидаги ишқаланиш коэффицентлари;

V_r -чигитнинг куракча сирти бўйлаб ҳаракатланиш тезлиги;


V_n -куракчанинг айланиш тезлиги.

1. босқич. Координаталар системасини қабул қиламиз. Координата боши этиб 0 нуқтани, паррак айланиш марказини қабул қиламиз. Паррак айланиш ўқини Z ўқи деб, X ва Y ўқларни корпус туби текислигидаги ўқлар деб қараймиз. Бу ерда X ўқи паррак радиусига тўғри келади.

Ҳаракат бошланишида чигитга қуйидаги кучлар таъсир этади (3-расм).

mg -оғирлик кучи. Бу кучнинг вертикал куракчага проекцияси нолга тенг. Горизонтал текисликка нисбатан $\alpha=45^\circ$ бурчак ҳосил қилади;

$m\omega^2$ -марказдан қочма куч; r -чигит



3-расм. Уяловчи аппаратдаги чигитга таъсир этувчи кучлар схемаси. 1-аппарат туби; 2-паррак куракчаси; 3-корпус девори.

радиуси, ω -бурчак тезлик.

$f_1 mg$ -корпус туби сирти билан чигит орасидаги ишқаланиш кучи;

$f_1, f_2 mg$ -куракча сирти билан чигит орасидаги ишқаланиш кучи;

$2\omega \mathcal{G}_r m$ -Кориолис кучи;

$2f_2 \omega \mathcal{G}_r m$ -Кориолис кучи таъсирида куракча сирти билан чигит орасида ҳосил бўладиган ишқаланиш кучи.

Якка чигитнинг куракча сирти бўйлаб ҳаракатланиш дифференциал тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$m\ddot{x} = mg \cos \alpha + mr\omega^2 - f_1 mg - f_2 f_1 mg - 2f_1 \omega V_r m, \quad (1)$$

$$\ddot{x} = g \cos \alpha + r\omega^2 - f_1 g - f_2 f_1 g - 2f_1 \omega V_r, \quad (2)$$

$$\text{ёки } V_r = \dot{x}$$

$$\ddot{x} = g \cos \alpha + r\omega^2 - f_1 g - f_2 f_1 g - 2f_1 \omega \dot{x}, \quad (3)$$

$$r=r_0=x, \quad (4)$$

эканлиги схемадан маълум.

бу ерда x -чигитнинг куракча ички четидан босиб ўтган масофаси.

(4) тенгламани (3) тенгламага қўйиб қуйидагиларни ҳосил қиламиз:

$$\ddot{x} + 2f_1 \omega \dot{x} - \omega^2 x = \omega^2 r_0 - f_1 g(1 + f_2) + g \cos \alpha, \quad (5)$$

Бу иккинчи тартибли, бир чизикли, ўзгармас коэффициентли дифференциал тенглама бўлиб, уни қўшимча функция киритиб қуйидаги тартибда ёзамиз:

$$x = u + \mathcal{G}.$$

Ушбу бир жинсли тенгламани характеристик тенглама тузишдан фойдаланиб ёзамиз:

$$K^2 + 2f_1 \omega R - \omega^2 = 0,$$

унинг илдизлари

$$K_1 = -\omega \left(f_1 + \sqrt{1 + f_1^2} \right),$$

$$K_2 = -\omega \left(f_1 - \sqrt{1 + f_1^2} \right).$$

қўшимча функция тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$u = c_1 e^{K_1 t} + c_2 e^{K_2 t} = c_1 e^{-\omega t \left(f_1 + \sqrt{1 + f_1^2} \right)} + c_2 e^{-\omega t \left(f_1 - \sqrt{1 + f_1^2} \right)},$$

бу ерда c_1 ва c_2 -ўзгармас катталиклар.

Бир жинсли тенгламани хусусий ечими:

$$\mathcal{G} = A,$$

каби аниқланади.

Бу ерда A -катталикни қуйидагича аниқлаймиз

$$\mathcal{G} = A \quad \mathcal{G} = 0 \quad \text{ва} \quad \ddot{\mathcal{G}} = 0 \quad \text{каби}$$

Бу қийматларни (2.27) тенгламага қўйиб қуйидагиларни аниқлаймиз:

$$\mathcal{G} = A = - \left(r_0 - \frac{f_1 g (1 + f_2) + g \cos \alpha}{\omega^2} \right),$$

(5) тенгламани умумий ечими

$$x = c_1 e^{K_1 t} + c_2 e^{K_2 t} + c_2 e^{K_2 t} - r_0 + \frac{f_1 g (1 + f_2) + g \cos \alpha}{\omega^2}, \quad (6)$$

$t = 0, \quad x = 0, \quad \dot{x} = 0$ ҳаракатнинг бошланғич шартидан ўзгармас катталикни қийматларини аниқлаймиз:

$$C_1 + C_2 = r_0 - \frac{f_1 g (1 + f_1) + g \cos \alpha}{\omega^2},$$

$$K_1 C_1 + K_2 C_2 = 0.$$

Бу тенгламаларни биргаликда ечиб C_1 ва C_2 қийматларни аниқлаймиз:

$$C_2 = \frac{K_1}{K_1 - K_2} \left[r_0 - \frac{f_1 g (1 + f_1) + g \cos \alpha}{\omega^2} \right],$$

$$C_1 = \frac{K_2}{K_2 - K_1} \left[r_0 - \frac{f_1 g (1 + f_1) + g \cos \alpha}{\omega^2} \right].$$

Бу қийматларни (6) формулага қўйиб қуйидагиларни аниқлаймиз:

$$x = \left[r_0 - \frac{f_1 g (1 + f_1) - g \cos \alpha}{\omega^2} \right] \left[\frac{1}{K_2 - K_1} (K_2 l^{K_1 t} - K_1 l^{K_2 t}) - 1 \right], \quad (7)$$

Чигитнинг нисбий ҳаракат тезлиги қуйидагича ифодаланади:

$$\dot{x} = \dot{\mathcal{G}}_r = \left[r_0 - \frac{f_1 g (1 + f_1) - g \cos \alpha}{\omega^2} \right] \left[\frac{K_1 K_2}{K_2 - K_1} (l^{K_1 t} - l^{K_2 t}) \right], \quad (8)$$

Бу тенгламани бошланғич шартларидан $t = 0$, $x = 0$, $\dot{x} = 0$ бўлганда $r_0 - \frac{g [f_1 (1 + f_2) + \cos \alpha]}{\omega^2} = 0$ формулага эга бўламиз.

Бу формуладан чигитнинг куракча бўйлаб нисбий ҳаракатланиши учун қандай бурчак тезликда айланишини аниқлаш мумкин:

$$\omega = \sqrt{\frac{g [f_1 (1 + f_2) + \cos \alpha]}{r_0}} = \sqrt{\frac{g [0,44(1 + 0,41) + \cos 45]}{6,8}} = 13,8 \text{ рад/сек},$$

формуладан кўриниб турибдики бурчак тезлик қиймати ω ни ўзгартириш учун уяловчи аппарат корпуси, диски материалларни ва диск радиусини r_0 ни қийматини ўзгартириш мумкин.

$f_1 = 0,44$ (чўян учун), $f_2 = 0,41$ (пўлат учун) $r_0 = 6,8$ см (пахта сеялкалари учун) $\alpha = 45^\circ$ ларни эътиборга олиб $\omega_{\min} = 13,8$ 1/сек эканлигини аниқладик.

Чигит ҳаракатининг II ва III босқичлари ҳам шундай аниқланади.

Адабиётлар

- [1]. Ботиров А.Г. Маматрахимов О.А., Новая технология высева семян хлопчатника //Экономика и социум.- 2019.- № 6 с-222-225
- [2]. Рудаков Г.М. Технологические основы механизации сева хлопчатника. -Т., Фан, 1974. -215 с.
- [3]. A.G.Botirov., S.E.Negmatullaev., D.K.Begmatov., N.O.Babaev., O.A.Mamatrahimov. Improvement of Technology of Seeding and Sowing Section. -International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Vol. 6, Issue 12, December 2019.

ШАМОЛ АГРЕГАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Дехқонов У.Ғ., Тиллабоев Ё.К., Исабоев Ш.М.

Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)

In this article was adduction problems connected with using wind aggregate of energy, listed difference between various types of rotors and conclusion using results, which received throughout multiyear

science-investigations and informed about new construction of wind aggregate with vertical rotation axis.

Key words: Wind, rotor, angle of rotation, angle velocity, aggregate, construction, moment of rotation, power, radius, frontal resistance.

В статье приведены проблемы связанные с использованием агрегатов ветровых энергии, обращены различие между роторами разного типа. Даны заключение, используясь результатами полученные от многолетних научно-исследовательских работ. Даны сведение о новом конструкции ветрового агрегата с вертикальной осью вращения.

Ключевые слова: Ветер, ротор, угол поворота, угловая скорость, агрегат, конструкция, крутящий момент, мощность, радиус, лобовая сопротивления.

Ушбу мақолада шамол энергиясидан фойдаланиш агрегатларини қўллаш билан боғлиқ муаммолар келтирилган, уларнинг турлари ўртасидаги фарқларга эътибор қаратилган. Кўп йиллик олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларидан фойдаланиб ҳулосалар келтирилган. Вертикал ўқли роторнинг янги конструкцияси ҳақида маълумотлар берилган.

Таянч сўзлар: Шамол, ротор, бурилиш бурчаги, бурчакли тезлик, агрегат, конструкция, буровчи момент, қувват, радиус, пешона қаришлик.

Шамол энергиясини ўзлаштириш агрегатларининг муҳим муаммоларидан бири уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва ҳосил қилинган энергияни аккумуляция қилишдир. Шамол тезлиги қиймати ва векторининг ҳам оний ҳам даврий ўзгаришлари муаммони келтириб чиқарувчи асосий сабабдир.

Агрегатларнинг юқори миноралар устига ўрнатиш шамол агрегатларидан фойдаланишнинг техник муаммоси ҳисобланади. Ишлаб чиқариш кувватни ошириш мақсадида пропеллер типдаги агрегатлар радиусининг катталаштирилиши ҳам баланд миноралар қурилишини тақозо этади.

Шунга қарамай 2007 йилда Германиянинг “Энеркон” концернига қарашли шамол агрегати 135 метрлик минора устига ўрнатилган, лопастининг максимал вертикал ишчи баландлиги 198 м га етади, оғирлиги 6 кТ бўлган ушбу агрегат бугунги кунга келиб 7,58 МВт қувватга эга [1].

АҚШнинг Гарвард университети ва Массачусет институти битирувчилари тамонидан ташкил этилган Altaeros Energies компанияси шамол агрегатини 300 метр баландликка держабелда кўтариб муаффақиятли синовдан ўтказишди [2].

Шамол тезлиги вектори йўналишининг оний ўзгаришларига пропеллер қанотларининг мақбул ҳолатда сақлаб қолиши амалий мумкин эмас, айниқса катта диаметрли роторлар учун бу яна бир муаммо.

Шамолнинг кучли тезликлари (довуллар) вақтида пропеллер қанотлари катта босимга, шамол тезлигининг оний қийматларининг ўзгариши таъсирида эса катта частотали тебранишларга дуч келади. Амалда уларнинг қанотлари узилиб кетган ҳоллар кўп бўлган.

Санаб ўтилган муаммолар юқорида тилга олинган илмий-технологик янгиликлар билан босқичма босқич ҳал этилиши мумкин. Бугунги кунда дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларида шамол энергиясига энергия таъминотининг бир бўлаги сифатида қаралади. Миллий дастурларига эга.

Ўзбекистонда иқтисодий самара бериши мумкин бўлган 25 дан зиёд йирик ва ўрта катталиқдаги шамол ҳудудлари мавжуд. Улар 10 м баландликдаги йиллик ўртача шамол тезлиги 3 м/с дан юқори бўлган ҳудудлардир. Аммо шамол энергияси баландликка қадар ортиб боради. Уни қуйидаги тенглама асосида назарий ҳисоблаш мумкин:

$$V = V_1 \frac{\ell g \left(\frac{H}{H_0} \right)}{\ell g \left(\frac{H_1}{H_0} \right)} \quad (1)$$

Агар шамол энергиясини

$$dE = d \left(\frac{1}{2} \cdot \rho \cdot \ell \cdot H \cdot V^3 \right) \quad (2)$$

тенглама асосида ифодаланса, ихтиёрий танланган $[H_2, H_3]$ баландлик диапазонида ҳосил қилинувчи энергия миқдори тенгламасини топамиз [3].

$$E = \frac{1}{2} \cdot \rho \cdot L \cdot \left(\frac{V_1}{\ell g \left(\frac{H_1}{H_0} \right)} \right)^3 \cdot \left(3 \cdot \int_{H_2}^{H_3} \left(\ell g \left(\frac{H}{H_0} \right) \right)^2 dH + \int_{H_2}^{H_3} \left(\ell g \left(\frac{H}{H_0} \right) \right)^3 dH \right) \quad (3)$$

бунда, H_0 - шомолнинг тезлиги нолга тенг бўлган баландлик (таҳминан 0,3 м); H_1 - флюгер ўрнатилган баландлик (10 м), $v_1 = V_{\text{йил.ўр.}}$ - шомолнинг йиллик ўртача тезлиги, L - шомол ҳудудининг кенглиги

Хавос шомоли ҳудуди учун характерли бўлган $L = 10\,000$ м, $v_1 = 4,7$ м/с, $H_0 = 0.2$ м, $H_1 = 10$ м қийматларни ва агрегатларнинг ишлаши мумкин бўлган баландлик интервали Республикамиз шароитида $H_2 = 10$ м, $H_3 = 30$ м бўлиши муаммо туғдирмаслигини инобатга олиб, қисқа ҳисоблашлар натижасида (3) - тенгламадан вақт бирлигида оқиб ўтувчи энергия

миқдорининг $[10; 30]$ баландлик оралиғидаги потенциал қиймати $E = 634\,505\,576$ Ж эканини аниқлаймиз.

Бунда йиллик ўртача шомол тезлиги энергияси реал ҳолатда шомол тезлигининг v^3 даражасида юз беришини инобатга олиниб, тажрибаларда белгиланган 1,2 коэффициентга кўпайтирилган.

Энергиянинг баландлик бўйлаб ўзгаришини кўрсатувчи график 1-шаклда келтирилган [4].

Бугунги кунда Ўзбекистон шароитида шомол агрегатларини 60-70 метр баландликларда ўрнатиш технологик мумкин.

Шомол тезлиги қийматининг ва векторининг оний ва даврий ўзгаришлари, қанотнинг кучли шомол тезликларидаги ҳавфли динамик жараёнларини юмшатиш каби муаммолар вертикал ўқли роторлар ёрдамида ечилиши мумкин. Ҳозирда бундай конструкциялар кўплай яратилмоқда.

Агар ишлаб чиқарилувчи қувват қийматининг ифодаси

$$N = M \cdot \omega \quad (4)$$

эканлигини инобатга олсак, ушбу икки компонентнинг ўзаро муносабатида ишлаб чиқарилувчи қувват қийматини сақлаб қолиш мумкин.


Пропеллер роторларнинг ф.и.к. уларнинг тез айланувчанлик қийматига боғлиқ [4]:

$$Z = \frac{\omega \cdot R}{v} \quad (5)$$


Тенгламадан кўриниб турибдики, шомол тезлигининг ўзгаришига мослаб ротор радиусини ўзгартириб бўлмайди. Бу эса ф.и.к. қийматини камайиб кетишига олиб келади (2-шакл). Уларда Z нинг қиймати қанотлар сонига қараб танланади ва 10-12 м/с қийматда максимал қувват ишлаб чиқаришга мослаштирилади [5]. Юқорида тилга олинган чет эл компаниялари келтирган қувват ва ф.и.к. ҳам айнан шу интервалдаги кўрсаткичлардир.

3-шаклда вертикал ўқли роторлар устида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари графиклар кўринишида берилган [6].

Графиклардан қуйидаги ҳулосаларга келишимиз мумкин:




1 - шакл. Юза бирлигидан оқиб ўтувчи шомол энергияси потенциалнинг баландликка боғлиқлиги (Фин кўрфази, $v_{\text{йил.ўр.}} = 8.4$ м/с).




2-шакл. Пропеллер типидagi роторнинг ҳосил қилувчи қувватининг шомол тезлигига кўра ўзгариши.

1. Ротор тинч ҳолатдан ишчи ҳолатга чиқиши вақтида бурчакли тезлик қиймати ортиб, ҳаракатлантирувчи момент минимал қийматгача камаяди (3(а)-шакл).
2. Қувват қийматини максимал қийматда сақлаб туриш учун роторнинг айрим олинган геометрик ўлчамларида шамол тезлигининг ўзгаришларига мос равишда фойдали қаршилик моментини ва бурчак тезликни зарурий қийматларда ўзгартириб туриш зарур (4(б), (в)-шакл).
3. Ротор 6 та қанотли бўлганда максимал қувват ҳосил қила олади, 3 та қанотли бўлганда эса максимал ф.и.к. га эришади [7].


Кўриниб турибдики, вертикал ва горизонтал ўкли роторлардан фойдаланиш ва унда кўндаланг турувчи муаммолар деярли бир ҳил. Фарқли тамони шундаки, пропеллер типидagi роторлар қанотлар текислигида шамолнинг оний ўзгаришларида катта частотада тебраниб ишлайди. Шамолнинг кучли (довулли) тезликларида қанотлар юзаларига тушувчи босимни камайтира олмайди. Қанотларнинг узилиб кетиш ҳолати шу сабаблидир. Пропеллер типидagi роторларнинг устунлиги улар ортиқча звеноларсиз монотон ишлайди ва шу сабаб ф.и.к. юқори.



3(а)-шакл. Ҳаракатлантирувчи момент ва бурчакли тезлик боғлиқлиги




3(б)-шакл. Ишлаб чиарилувчи қувват ва фойдали қаршилик боғлиқлиги



3(в)-шакл. Қувват ва бурчакли тезлик боғлиқлиги

Ушбу муаммоларни ва таҳлилларни жамлаб, мақола муаллифлари томонидан вертикал ўқли роторнинг янги конструкцияси таклиф этилади (4-шакл).


Баландлиги h бўлган роторни баландлиги $h/2$ бўлган икки қисмга ажратилади, иккинчи қисми горизонтал OX ўқи атрофида 180° га ағдарилади ва биринчи қисм устига ўрнатилади. Натижада икки ярусли ротор ҳосил бўлади. Яруслар бир бирларига қарама қарши йўналишда ҳаракат қиладилар. Қанотларнинг марказий қисмлари битта пластинка кенглигида очиқ қолдирилади. Икки яруснинг бири иккинчиси ичидан ўтказилган иккала вал куйи қисмларида ҳаракатни бир томонга йўналтирувчи дифференциал механизм билан таминланган.



4-шакл. Шамол агрегатининг вертикал ўқли ротори –“Самарқанд”
(Ихтиро патенти учун талабнома IAP 2020 0106).

Юқоридаги келтирилган таҳлилларга асосан ушбу конструкциянинг куйидаги афзалликларини эътироф этишимиз мумкин:

1. Ротор оптимал ишчи ҳолати шамол йўналишига боғлиқ эмас.
2. Ротор 6 та қанотлидек максимал энергия ўзлаштира олади ва 3 та қанот каби ф.и.к. га эришади.
3. Кичик тезликларда ва инерцион системалар учун унумли ишлайди – бунда пластинкаларнинг очилиб ёпилиши монотон юз беради.
4. Қанотлар атрофи ва марказий қисмида аэродинамик жараёнлар энг мақбул тарзда юз беради – шамол оқими қанот ортидаги нисбатан статик босим остидаги ҳавони ўзи билан сўрилиб кетишини таминлайди, ишчи қанот бўйлаб нисбатан кўпроқ ҳаво массаси оқиб ўтади, ўз кинетик энергиясини қанотларга ўзатганидан сўнг ундан тез суратда узоқлашади 5-шакл.
5. Қанотларнинг бошланғич моментлари қиймати ишчи ҳолатидаги қийматидан 2 - 2,5 баробар ортиқлигидан агрегат қўшимча двигателларга эҳтиёж сезмайди ва шамолнинг 3 м/с дан бошлаб энергия ўзлаштира бошлайди
6. Вертикал ўқли роторлар учун характерли бўлган томони шундаки, ф.и.к. ни орттириш ишлаб чиқарувчи қийматни камайиши ҳисобига юз бериши мумкин, шунинг учун қувват қийматини максимал сақлаб қолиш ф.и.к. қийматидан муҳимдир [7].
7. Қанотнинг пешона қаршилиги коэффиценти 1,4 га қадар ортади.[8].



5-шакл. Маркази очиқ қанотнинг аэродинамик жараёни.

Ушбу соҳада яна шу тур конструкцияларининг икки янги конструкцияси ва шамол тезлиги ўзгаришида ўз оптимал иш режимини сақлаб қолувчи бошқарув механизми ихтиро янгилиги сифатида тайёрланмоқда.

Адабиётлар

- [1]. <https://pikabu.ru>
- [2]. <https://www.altsun.com/energonovosti>
- [3]. Дехкоонов У.Ф. Шамол худудининг энергетик потенциали. ФарПИ, Илмий-техника журнали, №3(4)-сон. Фарғона, 1998 й.

- [4]. Шефтер Я.И. Ветроэнергетические агрегаты. Москва.:1982.-285 стр.
- [5]. Шефтер Я. И. Использование энергии ветра. Москва.: 1985.-168 стр.
- [6]. Жўраев А., Дехконов У.Ғ., Шамол қурилмасининг ҳаракатлантирувчи моменти ва қувватининг ҳисоби, Механика муаммолари. Тошкент, №3-сон, 1997 й, ЎзФА «ФАН» нашриёти.
- [7]. Дехконов У.Ғ, Ибрагимжонов Б. Х., Таджибаев А., Азимов М.М. Шамол агрегати вертикал ўқли роторининг фойдали иш коэффициенти, Наманган муҳандислик-технология институти илмий-техника журнали, Наманган, №2-сон, 2020 й., 114 б.
- [8]. <https://mirenergii.ru/energiyavetra/moshhnye-vetrogeneratoriy>.

УЎТ 631.531.17

ЭҒРИ ЧИЗИҚЛИ СИРТГА ЭҒА БЎЛГАН МОСЛАМАНИ БАРАБАНГА ЎРНАТИШ БУРЧАГИНИ АСОСЛАШ

Имомқулов У.Б., Хайдаров К., Акбаралиев Х.

*Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12. 2020 й.)*

In article are brought results of theoretical researches on substantiation of angle incidence of the device with a changing curvilinear surface of the disk-shaped drum of improved mobile pelleting device, depending on separation angle of agricultural crops seeds from it. It has been proved that the separation angle of uncovered cotton seeds from drum at a turning angle $\alpha=118^\circ$, the device with a changeable curvilinear surface must be set relative to the vertical at an angle $\gamma=108^\circ$ in direction of their movement, and at an angle of separation woolly cottonseed equal to $\alpha=175^\circ 14'$, the device must be installed relative to vertical at an angle of $\gamma=165^\circ 14'$ in direction of their movement.

Keywords: mobile pelleting device, agricultural seeds, protective and nutritious component, disc drum, changing curved surface, angle of break, angle of inclination.

В статье приведены результаты теоретических исследований по обоснованию угла установки приспособления с изменяющейся криволинейной поверхностью тарельчатого барабана, усовершенствованного мобильного дражирующего устройства в зависимости от угла отрыва семян сельскохозяйственных культур от него. Доказано, что угол отрыва оголенных семян хлопчатника от барабана при угле поворота $\alpha=118^\circ$ приспособление с изменяющейся криволинейной поверхностью необходимо установить относительно вертикали под углом $\gamma=108^\circ$ по направлению их движения, а при угле отрыва опушенных семян хлопчатника равным $\alpha=175^\circ 14'$ приспособление необходимо установить относительно вертикали под углом $\gamma=165^\circ 14'$ по направлению их движения.

Ключевые слова: мобильного дражирующего устройства, семян сельскохозяйственных культур, защитно-питательный компонент, тарельчатого барабан, изменяющейся криволинейной поверхность, угол обрыва, угол наклона.

Мақолада тақомиллаштирилган кўчма қобиқлаш қурилмасининг тарелкасимон барабани ичида ҳаракатланаётган қишлоқ хўжалик экинлари уругини узилиш бурчакларига боғлиқ равишда, эгри чизиқли сиртга эга бўлган мосламани унга ўрнатиш бурчакларини асослаш бўйича назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Туксиз чигитлар барабандан $\alpha=118^\circ$ бурчакка бурилганда узилса, эгри чизиқли сиртга эга бўлган мосламани уларни ҳаракат йўналишида вертикалга нисбатан $\gamma=108^\circ$ бурчак остида, тукли чигитлар $\alpha=175^\circ 14'$ бурчакка бурилганда узилса, уларни ҳаракат йўналишида мосламани вертикалга нисбатан $\gamma=165^\circ 14'$ бурчак остида ўрнатиш кераклиги исботланган.


Таянч сўзлар: кўчма қобиқлаш қурилмаси, қишлоқ хўжалик экинлари уруги, ҳимояловчи-озиқлантирувчи бирикма, тарелкасимон барабан, эгри чизиқли сиртга эга бўлган мослама, ишқаланиш бурчаги, узилиш бурчаги, қиялик бурчаги.

Маълумки, ерга бўлган мулкчилик ўзгариб, деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этилиши муносабати билан қишлоқ хўжалик экинлари уругига кимёвий дорилар билан ишлов бериш ҳамда уларни ҳимояловчи-озиқлантирувчи бирикмалар билан қобиқлаш

технологиясини амалга ошириш учун, тузилиши жиҳатдан содда, энергия ва ресурстежамкор курилмаларни ишлаб чиқишга эҳтиёж пайдо бўлди.

Шуларни ҳисобга олиб, ҚХМЭИ олимлари томонидан Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида, қишлоқ хўжалик экинлари уруғига кимёвий дорилар билан ишлов бериш ҳамда уларни химояловчи-озиклантирувчи бирикмалар билан қобиқлаб, сочилувчанлигини ошириш учун, такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш курилмаси ишлаб чиқилган [1]. Илмий манбалардан маълумки, қишлоқ хўжалик экинлари уруғининг тарелкасимон барабандаги тартибли ҳаракатини даврий равишда бузиб туриш, технологик жараёнига ижобий таъсир кўрсатиб, уруғлар юзасида бир текис қобиқ қатлами ҳосил бўлишини таъминлайди[2]. Бунга сабаб, қишлоқ хўжалик экинлари уруғининг тартибли ҳаракати бузилса, улар барабанда илгариланма ҳаракат қилишдан ташқари, ўз ўқи атрофида айланма ҳаракат ҳам қилади. Натижада, кимёвий дорилар ҳамда химояловчи-озиклантирувчи бирикмалар қишлоқ хўжалик экинлари уруғининг юзасида бир хил тақсимланиб, қобиқлаш технологик жараёнининг сифат кўрсаткичлари яхшиланади. Шунинг учун кўчма қобиқлаш курилмасининг технологик иш жараёнининг самарадорлигини ошириш учун тарелкасимон барабан ичига эгри чизикли сиртга эга бўлган мослама ўрнатиш тавсия этилди[3]. Барабан ичига эгри чизикли сиртга эга бўлган мосламани вертикалга нисбатан ўрнатиш бурчагини тўғри танлаш, қишлоқ хўжалик экинлари уруғига кимёвий дорилар билан ишлов бериш ҳамда уларни химояловчи-озиклантирувчи бирикмалар билан қобиқлаш технологик жараёнига ижобий таъсир кўрсатади[4].

Такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш курилмасининг барабани ичига эгри чизикли сиртга эга бўлган мосламани вертикалга нисбатан ўрнатиш бурчагини асослаш учун қишлоқ



1-расм. Барабанда ҳаракатланаётган уруғларга таъсир этадиган кучлар схемаси (а) ва горизонтга нисбатан қиялик бурчаги(б): 1 – тарелкасимон барабан; б) 2 – қишлоқ хўжалик экинининг уруғлари.

горизонтга нисбатан қиялик бурчаклари тасвирланган.

1-расмда тасвирланган схемадан кўриниб турибдики, такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш курилмасининг барабанида ҳаракатланаётган уруғларга марказдан қочма куч F_m , оғирлик кучи G , инерция кучи F_{in} , реакция кучи N ва ишқаланиш кучи F_{ish} лари таъсир этади. Ушбу таъсир этадиган кучларни уринма ва нормал бўйича проекциялаб ҳамда уруғларни ишқаланиш коэффициентини ҳисобга олиб, қуйидаги ҳаракат дифференциал тенгламасини оламир

$$\frac{mRd\omega}{dt} = fN - mg \sin \alpha \cdot \cos \beta, \quad (1)$$

$$m\omega^2 R = mR \left(\frac{d\alpha}{dt} \right)^2 = N - mg \cos \alpha \cdot \sin \beta, \quad (2)$$

хўжалик экинлари уруғининг ундан узилиш бурчакларини билиш зарур[5]. Уруғларни кўчма қобиқлаш курилмасининг барабанидан узилиш бурчакларини уларга таъсир этадиган кучлар ҳамда уларнинг ҳаракатини тадқиқ этиш орқали топиш мумкин.

1-расмда

такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш курилмасининг барабанида ҳаракатланаётган қишлоқ хўжалик экинлари уруғиларга таъсир этадиган кучлар схемаси ва барабанни

бунда m – барабанга юкланган уруғлар массаси, кг; R – барабан радиуси, м; ω – уруғларни бурчак тезлиги, с^{-1} ; f – уруғларни ишқаланиш коэффиценти; g – эркин тушиш тезланиши, $\text{м}/\text{с}^2$; α – уруғларни барабан ичидаги бурилиш бурчаги, градус; β – барабанни горизонтга нисбатан қиялик бурчаги, градус.

(1) ифодадаги N ўрнига (2) ифодадаги қийматини қўйиб ҳамда баъзи бир ўзгартиришлардан кейин, қишлоқ хўжалик экинлари уруғини такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш қурилмасининг барабани ичидаги ҳаракатининг дифференциал тенгламасини қуйидаги кўринишга келтирамиз

$$mRd\omega^2 = [2fm\omega^2 R + 2fmg \cos \alpha \cdot \sin \beta - mg \sin \alpha \cdot \cos \beta] d\alpha. \quad (3)$$

(3) дифференциал тенгламани ечиб [6], қишлоқ хўжалик экинлари уруғини такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш қурилмасининг барабани ичидаги ҳаракатининг бурчак тезлигини топиш учун қуйидаги ифодани оламиз

$$\omega^2 = \frac{2g}{R(4f^2 + 1)} [(2f \sin \alpha + \cos \alpha) \cdot \cos \beta + (f \sin \alpha - 2f^2 \cos \alpha) \times \sin \beta] - Ce^{2f\alpha}, \quad (4)$$

бунда C – интеграллаш доимийси.

$\alpha=0$ ва $\omega=0$ хусусий ҳолатда, яъни уруғлар такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш қурилмасининг барабанига юкланиб, у ҳаракатга келмаганда, интеграллаш доимийси қуйидагига тенг

$$C = \frac{2g(\cos \beta - 2f^2 \sin \beta)}{R(4f^2 + 1)}. \quad (5)$$

(5) ифодани (4) ифодага қўйиб, уруғларни такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш қурилмасининг тарелкасимон барабандаги ҳаракатининг бурчак тезлигини топиш учун, ушбу кўринишдаги ифодага эга бўламиз

$$\omega^2 = \frac{2g}{R(4f^2 + 1)} [(2f \sin \alpha + \cos \alpha) \cdot \cos \beta + (f \sin \alpha - 2f^2 \cos \alpha) \times \sin \beta] - \frac{2g(\cos \beta - 2f^2 \sin \beta)}{R(4f^2 + 1)} \cdot e^{2f\alpha}. \quad (6)$$

(6) ифодадан кўриниб турибдики, такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш қурилмасининг барабанида ҳаракатланаётган қишлоқ хўжалик экинлари уруғининг бурчак тезлиги унинг радиуси R , уруғларни ишқаланиш коэффиценти f , бурилиш бурчаги α ҳамда барабаннинг горизонтга нисбатан қиялик бурчаги β га боғлиқ бўлиб, барабан радиуси, уруғларни ишқаланиш коэффиценти ҳамда горизонтга нисбатан қиялик бурчагининг қиймати маълум бўлса, уруғларни такомиллаштирилган қобиқлаш қурилмасининг барабандаги ҳар қандай узилиш бурчагидаги тезлигини топиш мумкин.

(2) ифодага асосан, қишлоқ хўжалик экинлари уруғлари такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш қурилмасининг барабанидан узилиши учун $N=0$ шарт, яъни

$$m\omega^2 R + mg \cos \alpha \cdot \sin \beta = 0$$

бажарилиши керак.

Охирги ифодадан

$$\omega^2 = -\frac{g \cos \alpha \cdot \sin \beta}{R} \quad (7)$$

келиб чиқади.

ω^2 нинг (7) ифодадаги қийматини (6) ифодага қўйиб ҳамда баъзи бир ўзгартиришлар киритиб, уруғларни такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш қурилмасининг

барабанидан узилиш бурчакларини топиш учун қуйидаги ифодани оламиз

$$\cos \alpha (2 \cos \beta + \sin \beta) + 2 f \sin \beta (2 \cos \beta + \sin \beta) - 2 (\cos \beta - 2 \sin \beta) \cdot e^{2f\alpha} = 0$$

ёки

$$\left. \begin{aligned} y_1 &= \cos \alpha (2 \cos \beta + \sin \beta) + 2 f \sin \beta (2 \cos \beta + \sin \beta) \\ y_2 &= 2 (\cos \beta - 2 \sin \beta) \cdot e^{2f\alpha} \end{aligned} \right\}; \quad (8)$$

$$\left. \begin{aligned} y_3 &= 2 f \sin \alpha (2 \cos \beta + \sin \beta) - \cos \alpha (2 \cos \beta + \sin \beta) \\ y_4 &= 2 (\cos \beta - 2 f^2 \sin \beta) \cdot e^{2f\alpha} \end{aligned} \right\}. \quad (9)$$

(8) ифода билан қурилган эгри чизикларнинг кесишган нуқтаси қишлоқ хўжалик экинлари уруғини такомиллаштирилаган кўчма қобиқлаш қурилмасининг барабанини биринчи чорагида, (9) ифода билан қурилган эгри чизикларнинг кесишган нуқтаси иккинчи чорагида узилиш бурчакларини топиш имконини беради.


Қишлоқ хўжалик экинлари уруғини такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш қурилмасининг барабанидан узилиш бурчакларини назарий тадқиқотларда топиш қийматларини экспериментал кузатиш натижалари билан солиштириш шуни кўрсатдики, улар ўзгариш қонуниятини бўйича бир-бирга мос келсада, сон жиҳатдан бир-биридан анча фарқ қилди. Бунга сабаб, қишлоқ хўжалик экинлари уруғи кўчма қобиқлаш қурилмасининг барабанида ҳаракатланиш жараёнида, уларга юқорида қайд этилган кучлардан ташқари, уларни бир-бирини юқорига кўтарадиган куч ҳам таъсир этар экан. Бу кучни “ k ” коэффициент киритиш орқали ҳисобга олиб, тадқиқотлар ўтказилганда, унинг қиймати 1,8-2,2 оралиғида ўзгариши маълум бўлди.

2-расмда “ k ” коэффициент ҳисобга олинганда, такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш қурилмасининг барабанини горизонтга нисбатан ҳар хил қиялик бурчагида қишлоқ хўжалик экинлари уруғининг узилиш бурчакларини уларнинг ишқаланиш бурчакларига боғлиқ равишда, ўзгариш графиклари тасвирланган.

2-расмда тасвирланган эгри чизиклардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик экинлари уруғининг ишқаланиш бурчагини ўзгариши, уларни барабандан узилиш бурчакларини ўзгаришига олиб келаяпти. Жумладан, агар ишқаланиш бурчаги $\varphi=15^\circ$ га тенг бўлган уруғлар барабандан $\alpha=102^\circ$ бурчакка бурилганда узилса, ишқаланиш бурчаги $\varphi=35^\circ$ га тенг бўлган уруғлар ундан $\alpha=183^\circ$ бурчакка бурилганда узилаяпти (2-расм, 2-эгри чизик). Ёки бошқача айтганда, уруғларнинг ишқаланиш бурчагини ошириш, уларни такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш қурилмасининг барабанидан узилиш бурчакларини оширишга олиб келаяпти.

2-расмдан яна шу нарса кўринадики, барабанини горизонтга нисбатан қиялик бурчагини ўзгариши, ишқаланиш бурчаги бир хил бўлган уруғларни ундан узилиш бурчакларини ўзгаришига ҳам олиб келаяпти. Масалан, барабанини горизонтга нисбатан қиялик бурчаги $\beta=30^\circ$ га тенг бўлганда ишқаланиш бурчаги $\varphi=25^\circ$ га тенг бўлган уруғлар ундан $\alpha=165^\circ$ бурчакка бурилганда узилса, $\beta=50^\circ$ га тенг бўлганда ишқаланиш бурчаги $\varphi=25^\circ$ га тенг бўлган уруғлар ундан $\alpha=102^\circ$ бурчакка бурилганда узилаяпти (2-расм 1 ва 3-эгри чизик). Демак, барабанини горизонтга нисбатан қиялик бурчаги ҳам қишлоқ хўжалик экинлари уруғини ундан узилиш бурчагига ўзининг таъсирини кўрсатар экан.

Расмда тасвирланган эгри чизикларнинг таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш қурилмасининг барабанини горизонтга нисбатан



2-расм. Барабани горизонтга нисбатан ҳар хил қиялик бурчаги(β)да қишлоқ хўжалик экинлари уруғининг узилиш бурчаклари(α)ни уларнинг ишқаланиш бурчаклари(φ)га боғлиқ равишда ўзгариши.

киялик бурчаги $\beta=40^\circ$ га тенг бўлганда, кишлок хўжалик экинлари уруғига кимёвий дорилар билан ишлов бериш ҳамда уларни химояловчи-озиклантирувчи бирикмалар билан қобиқлаш технологик жараёни сифатли ва тўлиқ бажарилади.

Шундай қилиб, ҳар қандай кишлок хўжалик экинлари уруғининг ишқаланиш бурчагини билган ҳолда, 2-расм 2-эгри изик ёрдамида, уларнинг такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш қурилмасининг барабанидан узилиш бурчакларини топиш мумкин. Уруғларнинг узилиш бурчаклари маълум бўлса, барабан ичига эгри чизикли сиртга эга бўлган мосламани уруғларнинг ҳаракат йўналишида вертикалга нисбатан ўрнатиш бурчагини асослаш имконияти мавжуд. Чунки, кузатишлар шуни кўрсатдики, уруғларни ҳаракат йўналишини ўзгартириш учун эгри чизикли сиртга эга бўлган мосламани уларни барабандан узилиш бурчагидан $10-15^\circ$ олдин ўрнатиш керак. Масалан, туксиз чигитларни ишқаланиш бурчаги $22^\circ 46'$ га тенг эканлигини билган ҳолда, 2-расм 2-эгри чизикдан уларнинг барабандан узилиш бурчаги $\alpha=118^\circ$ градусни ташкил этишини топамиз. Демак, туксиз чигитларни тарелкасимон барабандаги ҳаракат йўналишини ўзгартириш учун эгри чизикли сиртга эга бўлган мосламани, уларни ҳаракат йўналишида вертикалга нисбатан $\gamma=108^\circ$ бурчак остида ўрнатиш керак. Худди шундай, тукли чигитларни ишқаланиш коэффиценти $33^\circ 28'$, барабандан узилиш бурчаги $\alpha=175^\circ 14'$ га тенглигини билган ҳолда, эгри чизикли сиртга бўлган мосламани уларни ҳаракат йўналишида вертикалга нисбатан $\gamma=165^\circ 14'$ бурчак остида ўрнатиш тавсия қилинади.

Назарий тадқиқотлар асосида такомиллаштирилган кўчма қобиқлаш қурилмасининг барабани ичига эгри чизикли сиртга эга бўлган мослама ўрнатилиб, экспериментал тадқиқотлар ўтказилганда, илгари сурган илмий ғоямизнинг тўғрилиги тасдиқланди. Яъни кишлок хўжалик экинлари уруғига кимёвий дорилар билан сифатли ишлов берилиб, юзаси бир текис қобиқланган, юқори сочилувчанликка эга бўлган уруғликлар олинди.

Адабиётлар

- [1]. Росабоев А., Имомқулов У.Б. Такмиллаштирилган кўчма қобиқлаш қурилмаси// Журнал Агро Илм. – Ташкент, 2016. – №3 (41). – Б. 80-81.
- [2]. Есиркепов Б. Уточнение технологии и обоснование параметров дражирователя опушенных семян хлопчатника лигнином: Дис. ... канд. техн. наук. Янгиюль, 1994. – 159 с.
- [3]. Имомқулов У.Б. Эгри сиртли куракчанинг ўртача эгрилиги ва радиусини асослаш// ТошДТУ хабарлари. – Тошкент, 2016. – №4. – Б. 22-27
- [4]. Росабоев А., Йулдошев О.К., Имомқулов У.Б. Обоснование некоторых параметров дражирующего устройства // Механизация и электрификация сельского хозяйства. – Москва, 2016. – №2. – С. 11-13.
- [5]. Rosaboyev A.T., Imomqulov U.B. Substantiating theoretically the parameters of the blade in-built in the drum group of shelling installation // European Science Review. – Austria, Vienna, 2016. – №3. – P. 193-195.
- [6]. Пискунов Н.С. Дифференциальное и интегральное исчисления. В 2-х т. – М.: Наука, 1985. – Т.2. С. 560 с.

УДК 631.344

ҚУРИЛМАНИНГ ЛЕМЕХЛАРИ ОРАСИДАГИ КЎНДАЛАНГ МАСОФАНИ УНИНГ ИШ КЎРСАТКИЧИГА ТАЪСИРИ

Имомқулов Қ.Б.¹, Кўчқоров С.К.², Тўраев Н.С.²

¹Кишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти,

²Наманган муҳандислик-қурилиш институти

(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)

The article presents the results of experimental studies to study the effect of the lateral distance between the plowshares of a device for half-opening of pomegranate bushes covered with a soil shaft on the degree of opening of pomegranate bushes, the height of irregularities in their row spacings, the quality of soil crumbling, as well as on the traction resistance of the device. According to the results of experiments, for the reliable performance of a given technological process at the level of agrotechnical requirements, the transverse distance between the shares of the device should be 100 cm.

Keywords: pomegranate, pomegranate bushes, device for half-opening of pomegranate bushes,

lateral distance between plowshares of the device, degree of opening of pomegranate bushes, height of irregularities between rows, quality of soil crumbling, traction resistance of the device.

В статье приведены результаты экспериментальных исследований по изучению влияния поперечного расстояния между лемехами устройства для полукрытия укрытых почвенным валом кустов граната на степень открытия кустов граната, высоту неровностей на их междурядья, качество крошения почвы, а также на тяговое сопротивление устройства. По результатам экспериментов для надежного выполнения заданного технологического процесса на уровне агротехнических требований поперечное расстояние между лемехами устройства должно быть 100 см.

Ключевые слова: гранат, кусты граната, устройство для полукрытия кустов граната, поперечное расстояние между лемехами устройства, степень открытия кустов граната, высота неровностей междурядий, качество крошения почвы, тяговое сопротивление устройства.

Мақолада кўмилган анор тупларини ярим очадиган қурилманинг лемехлари орасидаги кўндаланг масофани анор тупларини очилиш даражаси, улар қаторлари ораларидаги нотекисликларнинг баландлиги, тупроқнинг уваланиш сифати ҳамда қурилманинг тортишга қаршилигига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Экспериментларнинг натижалари бўйича белгиланган технологик жараёни агротехник талаблар даражасида ишончли бажарилиши учун қурилма лемехлари орасидаги кўндаланг масофа 100 см бўлиши лозим.


Таянч сўзлар: анор, унинг туплари, уларни ярим очадиган қурилма, қурилма лемехлари орасидаги кўндаланг масофа, анор тупларини очилиш даражаси, қатор ораларидаги нотекисликларнинг баландлиги, тупроқнинг уваланиш даражаси ҳамда қурилманинг тортишга қаршилиги.

Кейинги йилларда республикамизда анор етиштиришнинг кўпайтириш ва бу соҳани ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилнинг 20 январиди ва 2018 йилнинг 4 октябрида қабул қилинган 25 ва 791-сон қарорларида республикамизда “Анор етиштирувчилар” уюшмасини ташкил этиш, 2021 йилгача қўшимча 24000 га майдонда анорзорлар барпо этиш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, уни қайта ишлаш ва экспорт қилиш ишларини босқичма-босқич амалга ошириш назарда тутилган [1,2].

Маълумки, республикамиз шароитида анор тупларини совуқ уриб кетишининг олдини олиш мақсадида кеч кузда ҳашак ёки тупроқ билан кўмилиб, баҳорда очилади. Аммо махсус техника воситалари ишлаб чиқарилмаганлиги сабабли анор тупларини кўмиш ва очиш ишлари механизациялашмаган ва ҳозирги кунга қадар қўл кучи билан амалга оширилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида меҳнат, иш вақти ва бошқа сарф-харажатларни ортишига олиб келмоқда ҳамда анор етиштиришни кўпайтириш, катта майдонларда анор плантацияларини ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, анор туплари кеч куз ойларида кўмилишини ҳисобга оладиган бўлсак, қиш эрта келган йиллари қўл кучи билан барча майдонлардаги анор тупларини тўлиқ кўмилишига эришилмайди ва бунинг натижасида уларни совуқ уриб кетиш ҳоллари кўплаб кузатилади. Бу ҳам соҳани ривожлантириш ва юқорида келтирилган вазифаларни амалга оширишни қийинлаштиради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҚХМИТИ да И-КХ-2019-11 “Анор тупларини кўмадиган ва очадиган машиналар ишлаб чиқишнинг илмий-техник ечимлари” инновация лойиҳаси [3] доирасида анор тупларини ярим очадиган қурилма конструкцияси ва дала қурилмаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Кўмилган анор тупларини ярим очадиган қурилманинг лемехлари орасидаги кўндаланг масофаларни анор тупларини ярим очилишини таъминловчи қийматлари, қатор ораларининг юзасидаги нотекисликларнинг баландлиги ва тупроқнинг уваланиш сифати агротехник талаблар даражасида бўлишини таъминлайдиган ҳамда тортишга кам қаршилиқ кўрсатадиган қийматларини аниқлаш мақсадида тажрибалар ўтказилди. Бунда корпуслар орасидаги кўндаланг масофа 10 см интервал билан 90 см дан 120 см гача ўзгартириб тажрибалар ўтказилди. Бунда корпуслар орасидаги масофа 70 см, лемех узунлиги 44 см, тупроқ йўналтиргич учунлиги 27 см га тенг ва ўзгармас этиб қабул қилинди. Тажрибаларни ўтказишда агрегатнинг ҳаракат тезлиги 6 ва 7 км/соат этиб белгиланди.



1-расм. Анор тупларини ярим очадиган қурилманинг конструктив схемаси (а) ва тажриба нусхаси (б). 1-рама; 2-осиш қурилмаси; 3-корпус; 4-лемех; 5-тупрок йўналтиргич; 6-ҳаракатланувчи лемех; 7, 8-пружиналар.

Тажрибаларда олинган натижалар 1-жадвал ҳамда 2-расмда келтирилган.


1-жадвал.

Лемехлар орасидаги қўндаланг масофани агрегат иш кўрсаткичига таъсири

Т/ р	Кўрсаткичларнинг номи	Лемехлар орасидаги кўндаланг масофа, см							
		90		100		110		120	
		Кўрсаткичларнинг қиймати							
1	Агрегат ҳаракат тезлиги, км/соат	5,5	6,8	5,5	6,8	5,5	6,8	5,5	6,8
2	Тупрокнинг увалаш сифати (қуйидаги ўлчамдаги фракциялар миқдори)								
	>100 мм	13,5	10	23,1	15,1	22,1	18,3	21,3	17,1
	100-50 мм	10,3	9,8	11,2	12,8	15,5	12,6	9,4	11,7
	<50 мм	76,2	80,2	65,7	72,1	62,4	69,1	69,3	71,2
3	Анор тупларини очилиш даражаси, %	70	73	68	72	63	69	56	62
4	Қатор оралари юзасидаги нотекисликлар баландлиги, см	19,7	18,1	14,6	13,1	12,9	10,3	11,5	9,7
5	Тортишга қаршилиги, кН	15,9	16,8	14,3	15,3	13,9	14,9	13,8	14,6

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, лемехлар орасидаги қўндаланг масофа 90 см бўлганда тупроқнинг уваланиш ҳамда анор тупларининг очилиш даражаси талаблар даражасида бўлиб, қурилманинг технологик жараёнини бузилиши кузатилмади. Аммо, анор

тупларига шикаст етказилиши кузатилди. Натижасида анор тупларини шикастламасдан ярим очиш ва қатор оралари юзасидаги нотекисликларнинг баландлиги талаб даражасида бўлиши таъминланмади ҳамда қурилмага қўйилган агротехник талаблар



1-5,5 км/соат; 2-6,8 км/соат

2-расм. Тупроқнинг уваланиш даражаси ($\Phi_{>50}$), анор тупларини очилиш даражаси (δ), анор қатор оралари юзасидаги нотекисликлар баландлиги (h_d) ҳамда қурилманинг тортишга қаршилиги (R) ни лемехлар орасидаги кўндаланг масофа (b_n) га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари.

бажарилмади. Кейинчалик лемехлар орасидаги кўндаланг масофа 100 см бўлганда ҳам юқоридаги кўрсаткичлар деярли ўзгармади ва камчиликларсиз равон ишлади. Бундан ташқари, анор тупларига шикаст етказмасдан ва уларнинг очилиш ҳамда тупроқнинг уваланиш даражалари ҳам агротехник талаблар даражасида бўлди. Бундан ташқари анор қатор оралари юзасидаги нотекисликларнинг баландлиги ҳам 15 см (агротехник талаб) дан кам бўлди. Корпуслар орасидаги кўндаланг масофа 110 ва 120 см бўлганда эса тупроқнинг уваланиш ва анор тупларининг очилиш даражаси ҳамда улар қатор оралари юзасидаги нотекисликларнинг баландлиги камайди. Бунда анор қатор оралари юзасидаги нотекисликларнинг баландлиги агротехник талаблар даражасида бўлди, лекин асосий иш кўрсаткичлари, яъни тупроқнинг уваланиш ва анор тупларининг очилиш даражаси талаблар даражасида бўлмади. Буни лемехлар орасидаги кўндаланг масофанинг ортиши билан уларнинг кўмилган анор қатор орасидан узоқлашиши ҳисобига тупроқни кам олганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Лемехлар орасидаги кўндаланг масофа ортиши билан қурилманинг тортишга қаршилиги ҳар иккала ҳаракат тезлигида ҳам камайиб борган. Минимал тортишга қаршилик бу масофа 120 см бўлганда кузатилган. Буни лемехлар орасидаги кўндаланг масофа катталашган сари уларни тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш вақти камайиши билан изоҳлаш мумкин.

Агрегат ҳаракат тезлиги 5,5 км/соат дан 6,8 км/соат гача ортиши билан барча масофаларда анор тупларининг очилиш даражаси ва тупроқнинг уваланиш даражалари ортган, қатор оралари юзасидаги нотекисликларнинг баландлиги эса аксинча камайдиган.

2-расмда келтирилган график боғланишларни энг кичик квадратлар усули [4,5,6]

билан аниқланган қуйидаги эмпирик формулалар билан ифодалаш мумкин:

а) агрегат ҳаракат тезлиги 5,5 км/соат бўлган ҳол учун

$$\Phi_{<50} = 567,7 - 9,375b_{\text{л}} + 0,043b_{\text{л}}^2 \quad (R^2 = 0,995), \% \quad (1)$$

$$\delta = 22,65 + 2,155b_{\text{л}} - 0,012b_{\text{л}}^2 \quad (R^2 = 0,999), \% \quad (2)$$

$$h_{\text{д}} = 143,12 - 2,20b_{\text{л}} + 0,00925b_{\text{л}}^2 \quad (R^2 = 0,987), \% \quad (3)$$

$$R = 62,38 - 0,854b_{\text{л}} + 0,00375b_{\text{л}}^2 \quad (R^2 = 0,986), \text{кН} \quad ; \quad (4)$$

б) агрегат ҳаракат тезлиги 6,8 км/соат бўлган ҳол учун

$$\Phi_{<50} = 444,3 - 6,832b_{\text{л}} + 0,031b_{\text{л}}^2 \quad (R^2 = 0,976), \% \quad (5)$$

$$\delta = 56,7 + 2,79b_{\text{л}} - 0,015b_{\text{л}}^2 \quad (R^2 = 0,997), \% \quad (6)$$

$$h_{\text{д}} = 162,1 - 2,5900b_{\text{л}} + 0,011b_{\text{л}}^2 \quad (R^2 = 0,987), \% \quad (7)$$

$$R = 55,45 - 0,70b_{\text{л}} + 0,003b_{\text{л}}^2 \quad (R^2 = 0,982), \text{кН} \quad ; \quad (8)$$

Ушбу таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда кўмилган анор тупларини ярим очадиған қурилма тўлиқ агротехник талабларни бажарған ҳолда кам энергия сарфлаган ҳолда юқори иш сифатини таъминлаши учун унинг лемехлари орасидаги кўндаланг масофа 100 см бўлиши лозим.

Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 20 январидagi 25-сон «Сирдарё вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ги Қарори.
- [2]. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 4 октябридаги 791-сон «Фарғона вилоятида анор етиштиришни кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори.
- [3]. “Анор тупларини кўмадиган ва очадиған машиналар ишлаб чиқишнинг илмий-техник ечимлари” инновация лойиҳаси бўйича оралиқ ҳисобот. – Гулбаҳор, 2020. – 183 б.
- [4]. Кобзарь А.И., Прикладная математическая статистика. Для инженеров и научных работников. – Москва: Физматлит, 2006. – 816 с.
- [5]. Джонсон Н., Лион Ф. Статистика и планирование эксперимента в технике и науке. Методы обработки данных. – Москва: Мир, 1990. – 610 с.
- [6]. Imamkulov Q., Abdunazarov E., Kochkarov S., Khalilov M. BURYING MACHINE TO POMEGRANATE BUSHES. journal of critical reviews VOL 7, ISSUE 13, 2020.

УДК.631.312.633

ҒЎЗАЛАРНИ СУНЪИЙ ҚУВУРЛАР ОРҚАЛИ СУҒОРИШДАН КЕЙИНГИ ТУПРОҚ НАМЛИГИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

Исоқова З.Х., Хатамов Б.А.

Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)

In article contains the results of experimental studies of soil moisture after irrigation of cotton through artificial pipes. In this, the soil moisture in the 0-10 cm layer increased by 20.9-23.9%, the moisture in the 10-20 cm layer increased to 21.4-28.7%, and the humidity in the 20-30 cm layer increased to 23 - 29.8%.The moisture content of the soil in the lower layer, that is, in the 30-40 cm layer, was 24.4-29.3%.

Keywords. Watering cotton, watering technology, saving irrigation water, underground irrigation, soil layer, working body, artificial mole, soil moisture, wastewater, experimental results.

В статье приведены результаты экспериментальных исследований влажности почвы после орошения хлопка через искусственные кротовины. В этом влажность почвы в слое 0-10 см увеличилась на 20,9-23,9%, влажность в слое 10-20 см увеличилась до 21,4-28,7%, а влажность в слое 20-30 см увеличилась до 23-29,8%. Влажность почвы в нижнем слое, то есть в слое 30-40 см, составляла 24,4-29,3%.

Ключевые слова. Полив хлопчатника, технология полива, экономия оросительных вод, подземное орошение, слой почвы, рабочая часть, искусственные кротовины, влажность почвы, сточные воды, результаты экспериментальных исследований.

Мақолада ғўзани сунъий қувурлар орқали суғоришдан кейинги тупроқ намлигини ўрганиш бўйича тажриба натижалари келтирилган. Бунда 0-10 см қатламдаги тупроқнинг намлиги 20,9-23,9% ни, 10-20 см қатламдаги намлик ўрганилганда 21,4-28,7 % гачани, 20-30 см қатламда эса намлик 23-29,8 % гача ошган. Қўйи қатламда яъни 30-40 см қатламда тупроқ намлиги 24,4-29,3 % ни ташиқил этди.

Таянч сўзлар. *Ғўзани суғориш, суғориш технологияси, суғориш сувини тежаш, тупроқ остидан суғориш, тупроқ қатлами, ишчи қисми, сунъий қувур, тупроқ намлиги, оқава суви, тажриба натижалари.*

Ҳозирги кунда Республикамиз қишлоқ хўжалигида 3,2 млн гектар суғориладиган экин ер майдонларидан фойдаланиб аҳолини эҳтиёжи учун керакли озиқ-овқат махсулотлари ва хом ашё махсулотлари етиштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон Фармонида мувофиқ 2019-2022 йиллар давомида 253381 минг гектар экин майдонида сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланганлиги шундан 24859 минг гектар – пахта экин майдонларига тўғри келади[1]. Республикамизда сувдан самарали ва мақсадли фойдаланиш бўйича кейинги йилларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, суғориш тизимида сув тежамкор технологияларни жорий этиш, беҳуда сув исроф бўлишини камайтириш ва олдини олиш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувдан оқилонга фойдаланиш, суғоришдаги сув тежалиши, ғўза парваришида агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни тизимли ташкил этиш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олиш, кўп жиҳатдан сув билан етарли даражада таъминланишига боғлиқ. Пахта етиштиришда асосий агротехник тадбирлардан бири уни ўз вақтида суғориш ҳисобланиб, такрорланаётган сув танқислиги пахта ҳосилини пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги асосий майдонларида ғўза асосан анъанавий усулда, яъни эгатлар орқали суғорилади. Ушбу суғориш усулидан фойдаланиб суғоришда нишабликка мойил бўлган ерларда сув оқавага чиқиб кетади. Бу эса ўз навбатида, оқава сувлари билан бирга тупроқнинг унумдор ҳайдов қатлами ва унинг таркибидаги озиқа моддалар, берилган минерал ўғитлар ҳам ювилиб кетади.

Сув тежамкор технологияларидан яна бири тупроқ остидан сунъий қувур ҳосил қилиб суғориш технологияси бўлиб, бунда эгатлар ўртасида тупроқ остидан ғўза илдизи ривожланадиган зонада суғориш учун сунъий қувур ҳосил қилинади ва ушбу қувурлар орқали ғўза суғорилади. Ушбу суғориш технологиясида сув ғўза илдиз тизимида тез етиб бориши натижасида ғўзанинг сувга бўлган талаби тез қонади, оқар сув билан келаётган бегона ўтларнинг униб чиқиши камайиб, тупроқда намлик узок сақланиб суғоришлар сони бир мартага камаяди.

Юқорида келтирилган маълумотларни инобатга олиб, ғўза ўсимлигини тупроқ остидан ҳосил қилинган сунъий қувурлар орқали суғоришда суғориш учун сарфланадиган сувни тежаш ҳамда суғоришдан кейин ҳосил бўлган қувурдан намликни ғўза илдизи тизими ривожланадиган зонага тарқалишини ўрганиш бўйича тажрибалар “Шарқзамин Неъмат” ва “Бахтиёр, Неъматжон, Шавкатжон” фермер хўжаликлари далаларида ўтказилди.

Тадқиқотларда тупроқнинг физик-механик хоссаларини ГОСТ 20915-2011. “Сельскохозяйственная техника. Методы определения условий испытаний”, Тst 63.04.2001 «Испытания сельскохозяйственной техники. Машины и орудия для обработки пропашных

культур. Программа и методы испытаний» меъёрий методик қўлланмалари [2-4] ва хусусий усуллар асосида аниқланди.

Тажриба ўтказишдан аввал тажриба даласи тупроғининг намлиги Пахтачилик илмий-тадқиқот институти (ҳозирги ПСУЕАИТИ) Наманган вилояти филиали ҳодимлари билан биргаликда ўрганилди. Тажриба ўтказилган далалар тупроғи бўз тупроқ бўлиб, ер ости сувлари 10-12 м қатламда жойлашган. Тажрибаларни ўтказишдан олдин 0-10, 10-20, 20-30 см қатламлардаги тупроқ намлиги, қаттиқлиги ва зичлиги ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал.

Тажриба ўтказилган майдон тупроғининг намлиги, қаттиқлиги ва зичлиги

Қатлам, см	Намлиги, %	Қаттиқлиги, МПа	Зичлиги, г/см ³
0-10	7,1	1,28	1,23
10-20	15,8	1,35	1,3
20-30	17,9	1,7	1,34

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики ғўза қатор оралари тупроғининг намлиги юқори, яъни 0-10 см қатламда 7,1 %, қаттиқлиги 1,28 МПа, зичлиги эса



1-расм. Ғўза қатор орасидаги тупроқ остида ҳосил бўлган сунъий қувурнинг кўриниши.

1,23 г/см³ ни ташкил этган бўлса ўрта, яъни 10-20 см қатламда намлиги 15,8 %, қаттиқлиги 1,35 МПа, зичлиги эса 1,3 г/см³, қуйи қатламда эса мос равишда намлиги 17,9 %, қаттиқлиги 1,7 МПа зичлиги эса 1,34 г/см³ ни ташкил этган.

Қатор орасига ишлов бериш даврида қатор оралатиб 20-22 см қатламда ғўзани суғориш учун эгатлар ўртасида тупроқ остида сунъий қувурлар ҳосил қилинди. Ана шу қувурлар орқали ғўза суғорилди ҳосил бўлган қувур 1-расмда кўрсатилган.

Қувурнинг ҳосил бўлиш чуқурлиги ўлчанганда у ўртача 20,4-22,6 см ни ташкил этди. 2 кундан сўнг ҳосил бўлган қувурдан 2-3 соат мобайнида сув оқизилди, яъни ғўза суғорилди. Суғориш вақтида эгат бошини ва ҳосил бўлган қувур тупроғини сув ювиб кетмаслиги ҳамда суғориш сувини бир меъёردа оқиши учун эгат бошига диаметри 20 мм бўлган махсус полиэтилен трубка ўрнатилиб, сув, у орқали оқизилди ва ғўза суғорилди. Ҳосил бўлган




2-расм. Ҳосил бўлган қувурдан сувнинг оқиши.



3-расм. Сунъий қувур орқали суғоришдан кейинги тупроқда намликни ўрганиш жараёни.

кувурдан сувнинг оқиш жараёни 2-расмда кўрсатилган.



4-расм. Сунъий кувур орқали суғоришдан кейинги тупроқ намлиги.

Сунъий кувурдан сув 2-3 соат мобайнида оқкандан сўнг суғориш жараёни тўхтатилиб, кейин бир кун ўтиб сунъий кувур орқали суғоришдан кейинги намликнинг тарқалишини ўрганиш мақсадида тупроқ намуналари олинди. Тажрибаларда ғўза қатор орасининг кўндаланг кесимига ҳар 10 см га қозиқчалар қоқилиб, 0-40 см қатламдаги тупроқнинг намлик миқдори ўрганилди (3-расм).

0-40 см қатламдан олинган тупроқ стаканчаларга солиниб намуналар 105° - 107° ҳароратда 6 соат ичида термостатик қурилди ва вариантлар бўйича ҳисоб-китоб қилиниб фоизлар чиқарилди. Ўтказилган тажриба натижалари 4-расмда келтирилган.

Юқоридаги 4-расмдан кўриниб турибдики, сунъий кувур орқали суғоришдан кейин

тупроқнинг намлиги ўрганилганда 0-10 см қатламдаги тупроқнинг намлиги 20,9-23,9% ни ташкил этган. Буни эса ўз навбатида сувнинг эгат юзасига чиқмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. 10-20 см қатламдаги намлик ўрганилганда 21,4-28,7 % гачани ташкил этди. Ушбу қатламда кувур ўсимлик илдизига яқинроқ жойлашганлиги сабабли сув ўсимлик илдизи томон тарқалиши кузатилди. 20-30 см қатламда эса намлик 23-29,8 % гача ошган ва ғўза илдизига тез етиб борган. Қуйи қатламда яъни 30-40 см қатламда тупроқ намлиги 24,4-29,3 % ни ташкил этди. Бунга асосий сабаб намлик кувур ҳосил бўлган жойда юқори бўлиши кузатилди.

Ўтказилган тажрибалар таҳлили шуни кўрсатдики, қатор ораси кенглиги 60 см бўлган ғўзалар тупроқ остида ҳосил қилинган сунъий кувурлар орқали суғорилганда сунъий кувур ўсимлик илдиз тизимида яқин жоллашгани учун намлик ўсимлик илдизи томонга тез тарқалиши натижасида суғориш учун кетган вақт ҳамда сув сарфи тежалиши аниқланди.

Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
- [2]. ГОСТ 20915-2011. Сельскохозяйственная техника. Методы определения условий испытаний. М.: Стандартинформ, 2013. – 23 с.
- [3]. Испытания сельскохозяйственной техники. Машины и орудия для поверхностной обработки пропашных культур. Программа и методы испытаний. ТSt 63.04:2001 // Издание официальное. – Ташкент, 2001. 54 с.
- [4]. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Колос, 1979. – 416 с.

УДК: 531.8; 621.01.

Г-24 МАРКАЛИ МАСЛОПРЕССНИНГ АЙЛАНМА КИНЕМАТИК ЖУФТЛИ ИШЧИ ОРГАНИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ

Кенжабоев Ш.Ш., Акбаров А.Н., Муйдинова Н.Қ.

Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)

The work is devoted to improving the design of the G-24 oil press by changing the support of the working shaft.

In the rotating support of the auger shaft, the bronze bushing is replaced by a steel bushing and in the flange there are slotted grooves where the lubricant is located.

Keyword. Design, kinematic pair, flange, bushing, friction, housing, lubrication, wear.

Работа посвящена усовершенствованию конструкции масло пресса марки Г-24 путем изменения опоры рабочего вала.

В вращающейся опоре шнекового вала бронзовая втулка заменен стальной втулкой и во фланце выполнены шлице видные пазы, где размещен смазочный материал.

Ключевое слово. конструкция, кинематическая пара, фланец, втулка, трение, корпус, смазка, износ.

Мақолада Г-24 маркали маслопресснинг ишчи органи ҳисобланган шнекли валнинг таркибидаги бронза втулкани пўлат втулкага алмаштириш ҳамда фланец конструкциясини такомиллаштириш ҳисобида ишқаланиш ва ейилишни камайтириш усули келтириб ўтилган.

Таянч сўзлар. конструкция, кинематик жуфт, фланец, втулка, ишқаланиш, корпус, мойлаш материали, ейилиш.

Бугунги кунда республикамизда машинасозликни ривожлантириш, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарининг технологик машиналари ҳамда жиҳозларнинг энергия ва ресурстежамкорлигини ошириш, юқори тезликда ишлайдиган техника ва технологияларни ишлаб чиқаришда қўллаш, машиналарнинг эксплуатацион ишончилигини такомиллаштириш ва рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга ресурстежамкор машина деталлари ва механизмларни янги конструкцияларини яратиш, ишчи органларини мустаҳкамлигини таъминлаш ва ҳисоблаш методларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Машина ва механизмлар умумий назариясида кинематик жуфт деб, иккита бир-бирига тегиб турувчи бўғинларни ҳаракатланувчи бирикмасига айтилади[1]. Кинематик жуфт ҳар бир бўғинининг нисбий ҳаракатига, жуфт бўғинларининг бирикиш усулига боғлиқ. Бу чекланишлар кинематик жуфтлардаги боғланиш шартлари деб аталади.

Ҳозирги вақтда ёғ-мой ишлаб чиқариш заводларида анъанавий тарзда ишлатилиб келинаётган Г-24 маркали маслопресс технологик машинасида бешинчи синф айланма кинематик жуфтли конструкция мавжуд бўлиб, ушбу конструкциядаги бронза втулка ҳамда фланецга маҳкамланган шнекли валлар ишчи камера марказидан ўтишини ҳамда айланишини таъминлаш мақсадида ишлатиладиган бронзали втулка ҳамда фланец бир бирига теккан ҳолда фланецнинг втулка юзаси бўйлаб айланиши ҳисобида доимий равишда ишқаланиш мавжуд бўлади.

Бу турдаги бешинчи синф айланма кинематик жуфтли конструкциянинг камчилиги, кинематик жуфт элементларининг қаттиқ ишқаланиши ва емирилиши туфайли ишлаш ресурсини пасайиши, айниқса, юқори куч билан ҳамда максимал тезликдаги иш режимларида бу ҳолат жуда юқори кўрсаткичларга кўтарилиши, шунингдек, ҳаракат аниқлиги пасайиши ҳисобида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатининг ёмонлашиши ҳамда ушбу жиҳозда шовқин ҳосил бўлишини айтиб ўтиш мумкин.

Ҳозирги вақтда саноатда ишлатиладиган технологик машиналарда 85-90 % деталларни ейилиши туфайли ишга яроқсиз ҳолга келмоқда [2]. Ишлатиш жараёнида машиналарнинг тез-тез таъмирлаб турилиши чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини оширади. Демак, машинасозликда ишлаб чиқарилаётган машина ва унинг механизмларини иш жараёнида имкон қадар таъмирлаш оралиқ вақтини узайтириш билан мақсадга эришиш мумкинлиги бизга маълум. Шунингдек, деталларни ейилиш сабабларини, яъни ишлаш шароити, мойланиш даражаси, контакт кучланишининг қийматларини ошиб кетиши ва бошқа омиллар яхши ўрганилиши зарурдир.

Ишқаланувчи жуфтликнинг ейилиши, бу ўзаро бириккан иккита детал юзалари ҳисобланади. Детал юзалари билан таъсирлашувчи юзалар ишқаланиш жуфтини ҳосил қилади.

Машиналар ишлаётганда туташ деталлар ўртасида рухсат этилмаган катталиқдаги тирқишлар пайдо бўлиб, улар машиналарнинг меъёрида ишлашини бузади. Бундай ходисанинг асосий сабаби туташ юзаларнинг ейилишидир.

Кинематик жуфтнинг ишчи органларининг ейилиши, бу қаттиқ жисм юзасининг бузилиши натижасида унинг ўлчами ёки бир бирига тегиб турган контакт нуқталари ўзаро бир бирига нисбатан ҳаракатланиши ейилишга олиб келади.

Олиб борилган тадқиқотлар орқали икки бир бирига тегиб турувчи ва бир бирига нисбатан ҳаракатга эга бўлган механизмларнинг ейилиш коэффициентлари албатта унинг материали ҳамда бевосита ишқаланиш турига ҳам боғлиқлиги бугунги кунда исботланган. Қуйидаги 1-жадвалда ушбу ишқаланиш натижасида содир бўлган ейилиш коэффициенти миқдорлари келтириб ўтилган [3].

1-жадвал

Тинч ҳолатдаги ва сирпанишдаги ишқаланиш коэффициентлари

Ишқаланадиган материаллар	Ишқаланиш коэффициенти			
	Тинч ҳолатда		Сирпанишда	
	Мойлаш материалсиз	Мойлаш материали билан	Мойлаш материалсиз	Мойлаш материали билан
Пўлат-пўлат	0,15	0,1-0,12	0,15	0,05-0,1
Пўлат-чўян	0,3	-	0,18	0,05-0,15
Пўлат-бронза	0,12	0,08-0,12	0,10	0,07-0,1
Чўян-бронза	-	-	0,15-0,2	0,07-0,15
Бронза-бронза	-	0,1	0,2	0,07-0,1

Илашиш натижасида ейилиш, ишқаланаётган сиртларда мой ва ҳимояловчи оксид пардалари бўлмаганда кузатилади. Бундай емирилиш металлнинг сирт қатламларини кучли қайишқоқ деформацияланиши ва туташган қисмлар ўртасида металл боғланишлар ҳосил бўлиши натижасида юз беради. Айланма кинематик жуфтликдаги ейилиш, айнан илашишдаги ейилиш турига киради [4].

Юқорида айтиб ўтилган омиллар билан бир қаторда ейилиш тезлигига абразив заррачаларнинг шакли, динамик мустаҳкамлиги ва материалнинг физик – механик хусусиятлари ҳам таъсир этади. Анъанавий тарзда ишлатилиб келинаётган айланма кинематик жуфт конструкциясида ишқаланиш таъсирида қуйидаги камчиликлар юзага келади.

1. Деталь (корпус) юзаси қатламининг пухталиги пасаяди.
2. Деталь материали абразив заррачалар таъсирида кесилади, тирналади ва қиркилади.
3. Абразив заррачани корпус деталига доимий (кетма-кет) таъсири натижасида туташувдан чарчаш юз беради.
4. Абразив заррачаларнинг сони, концентрацияси, ўлчами, шаклининг ошиши, ўзгариши билан ейилиш ошиши мумкин.
5. Конструкцияга таъсир этаётган юклама ошиши билан ейилиш интенсивлиги ошади.
6. Корпус детали юзасининг ғадир – будурлиги юзаларнинг абразив заррачалар билан ишқаланиши натижасида юзалар аввал текисланади ва кейинчалик мувозанатли ғадир – будурлик ҳосил бўлади.

Бизга маълумки ишқаланувчи деталларни тез-тез мойлаб туриш, термик қайта ишлаш, ейилишга чидамли материалларни ишлатиш ейилишни камайтириш чоратadbирларидан ҳисобланади [5].

Бугунги кунда анъанавий тарзда ишлатилиб келинаётган бронзали втулка иш

жараёнидаги ейилиши натижасида ишга яроқсиз холга келади ва у қайта тикланмайди. Бунинг натижасида корхонага маълум бир микдорда иқтисодий зарар келтиради. Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда олиб бораётган тадқиқотимизда ушбу втулка


материалини пўлат втулкага алмаштириш таклиф
этноқдамиз. Бизга
юқоридаги жадвалдан
маълумки пўлат билан
бронза ишқаланиши
коэффициенти пўлат ва
пўлат ишқаланиш
коэффициентидан кўра
камроқлиги кўрсатилмоқда,
аммо пўлат ва пўлат
ишқаланиши
коэффициентини мойлаш
материали билан қўллаб
ушбу ишқаланиш
натижасида содир бўладиган

Анъанавий тарзда ишлатилаётган
фланец конструкцияси



а)

Анъанавий тарзда ишлатилаётган
фланец конструкцияси




б)

1-расм. Фланец.

ейилиш коэффициентни пўлат ва бронза ишқаланиши коэффициентига яқин холга келтириш мумкин. Шундай экан тавсия этаётган тадқиқотимизда втулка ёки фланец деталларини мойлаш учун ушбу конструкцияни такомиллаштиришимиз талаб этилади. Биз бу мақсадга конструкцияни қуйидагича такомиллаштириш орқали эришишимиз мумкин (1-расм).

1-расмдан кўриниб турибдики, бу янги такомиллашган конструкцияда маълум қадам ва чуқурликдаги бўйлама ариқчалар мавжуд. Ишлаш жараёнида маслопресс нинг қабул қилувчи камераси корпусига ўрнатилган втулкага нисбатан шнекли валл билан маҳкамланган фланец детали айланма ҳаракат қилади (2-расм).

Мойловчи материал втулкадаги мавжуд тешик орқали кинематик жуфт элементларига узатилади. Фланецга очилган бўйлама ариқчалар ва втулка тешиги бир бирига паралел ҳолатга келганда ушбу тешик орқали юборилган мойлаш материали фланецга очилган бўйлама ариқчаларга тушади ва шу ариқчаларда захира мойлари пайдо бўлади. Мойловчи материалнинг ортиқчаси ариқчада тўпланиб туради ва бу мойлар айланма ҳаракат ҳисобига икки детални ҳам узлуксиз равишда мойлаб туради [6]. Бунда мойловчи материал ишқаланишни ва шу билан втулка ва фланец емирилишини камайтиради. Фланецдаги ариқчалар мавжудлиги сабабли фланец ва втулканинг контакт юзаси камаяди, шунинг учун ҳам бу икки деталда ишқаланиши ва емирилиш камаяди.



2-расм.Такомиллашган
айланма кинематик жуфт

Янги такомиллашган айланма кинематик жуфт конструкциясининг мавжуд анъанавий айланма кинематик жуфт конструкциясидан афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- такомиллашган айланма кинематик жуфтнинг ички ҳаракатланувчи цилиндрида ариқчалар йўниш орқали массаси ва ишқаланиш юзаси камайганлиги;
- айланма кинематик жуфтни такомиллаштириш натижасида кинематик жуфтда ишқаланишни камайиши ҳисобига маслопрессни ишлаш муддати ортиши;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг ортишини мисол қилиб келтириш мумкин. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, машина деталларининг бешинчи синф айланма кинематик жуфтида доимий равишда бир-бирига тегиб турадиган ва фақат бир-бирига нисбатан айланишга имкон берувчи иккита цилиндрдан иборатлиги натижасида ички цилиндр муайян қадам ва чуқурликдаги бўйлама ариқчалар очиш ҳисобига ундаги

арикчалари юзасига захира мойлар тўпланади ва бу юзаларни бир текис мойланишига имкон беради. Бундан ташқари, цилиндрсимон юзаларнинг ўзаро тегиб турган умумий майдони кичраяди, уларнинг ишқаланиши ва ейилиши камаяди. Айнан ишқаланиш ва ейилишнинг пасайиш ҳисобига кинематик жуфтнинг иш ресурси ортади.

Адабиётлар

- [1]. Артоболовский И.И. Теория механизмов и машин. Изд. Наука, М.: 1988. – С. 21-26.
- [2]. Костецкий Б.И. Трение, смазка и износ в машинах. – Киев: «Техника», 1970. – 396 стр.
- [3]. <https://tsvetmet.wordpress.com/2019/03/13/коэффициенты-трения-для-разных-матер>
- [4]. Kenjaboyev Sh., Djuraev A. The study of the effect of the parameters of elastic coupling on the hacker of motion of the rocker arm of the crank and beam mechanism. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. India, 2018. -№5. –р. 6309-6313.
- [5]. Kenjaboyev Sh., Djuraev A. Kinematic analysis of the crank-beam mechanism with compound hinges with fixed changes in the length of the links. European science review, Vienna, 2017. -№9-10. –р. 96-101.
- [6]. Кенжабоев Ш.Ш. Эгилувчан бўғинли ва қайишқоқ элементли ричагли механизмларнинг конструктив схемаларини ва ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш: Техн. фан. док. дисс. автореф. Тошкент, 2019. 64 б.

УДК 361.314

КОМБИНИРОВАННЫЙ АГРЕГАТ ДЛЯ ОБРАБОТКИ ПОЧВЫ

Киргизов Х.Т.

Наманганский инженерно-строительный институт
(Получена 15.12.2020 г.)

Based on the test results, a section of working bodies was selected for strip tillage, the height, the length of the soil-shifting plate of its flat-cutting paw and the angle of attack of the disks were determined experimentally. As well as the test results showed that the most acceptable for strip tillage is a combination of working bodies, consisting of a one-sided flat-cutting paws with a soil-shifting plate, a pointed arm and a pair of disk working bodies, providing high rates of soil crumbling quality and leveling of the surface of the treated strips, as well as cleansing them of stubble and roots.

Keywords: cultivator section, the length of the soil-shifting plate, flat-cutting legs, working bodies, lancet paw, flat-cutting paw, cultivated strip, strip tillage, soil crumbling, disk attack angle.

По результатам испытаний выбрано комбинированный агрегат для полосной обработки почвы, экспериментальным путем определены параметры высота, длина почвосдвигающей пластинки ее плоскорежущей лапы и угол атаки дисков. А также результаты испытаний показали, что наиболее приемлемым для полосной обработки почвы является сочетание рабочих органов, состоящее из односторонней плоскорежущей лапы с почвосдвигающей пластинкой, стрелчатой лапы и пары дисковых рабочих органов, обеспечивающих высокие показатели по качеству крошения почвы и выравниванию поверхности обрабатываемых полос, а также очищению их от стерни и корней.

Ключевые слова: секция культиватора, [длина почвосдвигающей пластинки](#), [плоскорежущей лапы](#), рабочие органы, стрелчатая лапа, плоскорежущая лапа, обрабатываемой полосы, [полосной обработки почвы](#), крошения почвы, [угол атаки дисков](#).

Мақолада тадқиқот натижаларига асосан тупроққа йўл-йўл ишлов берувчи комбинацияланган агрегат ишчи органлари танланган ҳамда тажриба йўли билан ясси кесувчи панжа тупроқ сурувчи пластинкасининг баландлиги, узунлиги ва дискларнинг йўналишига нисбатан бурчаги аниқланган. Бундан ташқари тупроққа йўл-йўл ишлов бериш учун энг мақбул вариант қўйидаги ишчи органлардан тузилганлиги: ясси кесувчи панжа, стрелкасимон панжа ва диски ишчи органлар жуфтлигидан иборатлиги аниқланган, чунки тупроқнинг майдаланиши даражаси, ишлов берилган юзанинг текислиги ҳамда ўсимлик қолдиқларидан тозаллиги энг юқори бўлганлиги ўтказилган тажриба натижалари орқали асослаб берилган.

Таянч сўзлар: культиватор секцияси, ишчи органлар, стрелкасимон панжа, тупроқнинг майдаланиши, стрелкасимон панжа, ясси кесувчи панжа, тупроқ сурувчи пластинка узунлиги, йўл-йўл ишлов бериш, секция ишчи органлари, ишлов бериш йўли, диск бурчаги.

Исследования, проведенные в УзМЭИ, УзПИТИ, а также других научных учреждений

показали [1], что для выращивания кормовых культур после зерновых наиболее перспективной является полосная обработка почвы с одновременным севом. При этом за один проход агрегата осуществляется рыхление почвы в зоне прохода заделывающих рабочих органов сеялки и высев семян возделываемой культуры. Это обеспечивает резкое снижение (по сравнению со сплошной обработкой плугом, чизелем- культиватором или дисковой бороной) затрат труда, средств и расхода ГСМ, а самое главное посевы повторных культур удастся осуществлять в самые кратчайшие сроки.

На основании проведенных обзоров и исследований [2,3] для осуществления полосной обработки почвы с одновременным севом нами выбран агрегат, состоящий из пропашного трактора, передних секций хлопкового культиватора и сеялки, навешиваемой на навесную систему трактора.

При движении агрегата по полю рабочие органы, установленные на грядилях передних секций культиватора, очищают обрабатываемые полосы (в основном вершины сохранившихся от предыдущего года гребней междурядий хлопчатника и других культур) от после уборочных остатков и рыхлят их верхний слой, а сеялка осуществляет высев и заделку семян в эти обработанные полосы.

Результаты испытаний показали, что наиболее приемлемым для полосной обработки почвы является сочетание рабочих органов, состоящее из односторонней




Рис. 1. Секция рабочих органов для полосной обработки почвы: 1-механизм навески; 2-грядил; 3- плоскорежущая лапа; 4-почвосдвигающая пластинка; 5-стрельчатая лапа; 6-дисковый рыхлитель.

плоскорежущей лапы с почвосдвигающей пластинкой (рис 1.), стрельчатой лапы и пары дисковых рабочих органов, обеспечивающих высокие показатели по качеству крошения почвы и выравненности поверхности обрабатываемых полос, а также очищению их от стерни и корней [4].

Технологический процесс работы рабочих органов протекает следующим образом: при движении агрегата односторонняя плоскорежущая лапа подрезает корни стерни обрабатываемой полосы. Подрезанная стерня с почвой перемещается в сторону от полосы

обработки почвосдвигающей пластинкой, затем очищенная полоса рыхлится стрельчатой лапой. Образованные стрельчатой лапой неровности выравниваются дисками.

Основными параметрами рабочих органов, оказывающими влияние на их качественные и энергетические показатели работы являются: высота (H) и длина (l), почвосдвигающую пластинку, угол (α) атаки дисков. С целью определения их рациональных значений были проведены специальные опыты.

Опыты проводились на полях экспериментального хозяйства УзМЭИ в период подготовки полей, освободившихся от озимых зерновых под повторные посевы.

По механическому составу почва полей, где проводились опыты, относится к средне-тяжелосуглинистым сероземам давнего орошения с глубоким (5...10 м) залеганием грунтовых вод.

В опытах изучали агротехнические качество крошения почвы, степень очищения обработанной полосы от стерни, степень выровненности ее поверхности и энергетические (тяговое сопротивление)показатели работы рабочих органов для полосной обработки почвы в зависимости от высоты и длины почвосдвигающей пластинки, угла установки дисковых рыхлителей к направлению движения, поперечного расстояния между ними и скорости движения агрегата.

Перед проведением опытов определили влажность и твердость почвы, количество стерни и засоренность поля сорняками.

Количество стерни и засоренность полей в период опыта определяли методом наложения рамки длиной 1 м и шириной, равной ширине зоны обработки. В каждой обработанной полосе учитывалось количество сорняков и стерни. Повторность опыта 5-кратная.

Качество крошения почвы определяли путём просеивания разрыхленной почвы через сита с диаметрами отверстий 50 и 25 мм, а тяговое сопротивление рабочих органов – тензометрированием.

Степень очищения обрабатываемой полосы от стерни и корней определяли количественным подсчетом их до и после прохода рабочих органов в 5-ти кратной повторности.

Выровненность поверхности обработанной полосы определялся с использованием координатной рейки. Горизонтальность рейки проверяли по уровню. Расстояние от поверхности поля до нижней стороны рейки измеряли с точностью до 0,5 см по всей ширине обрабатываемой полосы с интервалом в 1 см. Повторность измерений 5-кратная.

Данные опытов обработаны методом математической статистики на ЭВМ с определением среднего значения, средне квадратического отклонения и коэффициента вариации.

Влияние длины и высоты почвосдвигающей пластинки на показатели работы секции рабочих органов. В опытах было изучено влияние этих параметров на качество крошения почвы, степень очищения обработанной полосы от стерни и тяговое сопротивление плоскорежущей лапы.

Результаты опытов представлены в табл. 1-2.

Таблица 1. Изменение качества крошения почвы и степени очищения обработанной полосы от стерни в зависимости от длины и высоты почвосдвигающей пластинки

Таблица 2. Изменение тягового сопротивления плоскорежущей лапы в зависимости от длины и высоты почвосдвигающей пластинки

Таблица 1

Длина/ высоты пластинки, мм	Содержание фракций почвы (%) размерами, мм			Степень очищения обработанной полосы от стерни, %
	>50	50...25	<25	
250/30	12,42/13,62	13,93/12,43	73,65/73,95	83,10/77,45
280/40	10,04/9,36	10,33/11,40	79,63/79,24	88,24/88,24
310/50	10,03/3,44	8,28/10,25	81,70/86,31	88,64/88,00
340/60	7,32/4,82	9,27/5,13	83,11/90,05	87,98/88,31

Таблица 2

Длина пластинки, мм	Тяговое сопротивление, Н		Высота пластин- ки, мм	Тяговое сопротивление, Н	
	М _{ср}	±Δ		М _{ср}	± a
250	178,2	4,37	30	159,6	4,10
280	190,4	2,15	40	175,2	4,01
310	198,5	3,12	50	186,4	2,11
340	211,6	4,13	60	195,2	1,49

Из данных таблиц 1 следует, что с увеличением длины (с 250 до 340 мм) и высоты (с 30 до 60 мм) почвосдвигающей пластинки качество крошения почвы улучшается. Это можно объяснить увеличением пути протаскивания частиц почвы вперед пластинкой и в результате происходит дополнительное их крошение от комков почвы между собой и с поверхностью почвы.

Степень очищения обработанной полосы от стерни с увеличением длины пластинки до 280 мм и ее высоты до 40 мм возрастает, а в дальнейшем остается постоянной, т.е. увеличение длины пластинки более 280 мм и ее высоты более 40 мм на степень очищения почвы от стерни существенного влияния не оказывает.

Из данных табл. 2 следует, что с увеличением как длины, так и высоты пластинки тяговое сопротивление плоскорежущей лапы возрастает, что объясняется увеличением объема почвы и растительных остатков, перемещаемых впереди рабочего органа. Увеличение длины почвосдвигающей пластинки на 30 и ее высоты на 10 мм приводило к возрастанию тягового сопротивления плоскорежущей лапы соответственно на 4,25...6,84 и 4,72...9,77 %.

Таким образом, на основании проведенных исследований можно утверждать, что длина почвосдвигающей пластинки должна быть не менее 280 мм, а высота не менее 40 мм.

Влияние угла установки дисковых рыхлителей к направлению движения на показатели работы секций рабочих органов. В экспериментальных исследованиях было изучено влияние угла установки дисковых рыхлителей к направлению движения на их тяговое сопротивление, качество крошения почвы, а также степень выровненности поверхности обрабатываемой полосы. Результаты опытов представлены в таблице 3.

С увеличением угла установки дисков с 10° до 20° тяговое сопротивление диска возрастало с 138,4 до 180,8 Н, содержание агрономических ценных фракций (фракции, размерами менее 25 мм) с 68,84 до 78,66 %. Это объясняется тем, что с увеличением угла установки диска интенсивность его воздействия на почву возрастает.

Основным показателем работы дисковых рыхлителей является степень выровненности поверхности почвы обрабатываемой полосы. Из данных табл. 3 следует, что с увеличением угла установки дисков с 10° до 20° степень выровненности поверхности почвы повышается с 44,6 до 83,2 %.

На рис. 2 представлены профили поверхности почвы после прохода дисковых рыхлителей с углами установки 10° , 15° и 20° . Из данных следует, что полное закрытие борозды, образованной стрельчатой лапой, обеспечивается при углах установки дисков 15° и 20° , при угле установки дисков 10° она закрывается частично.

Таблица 3. Изменение показателей работы секции рабочих органов в зависимости от угла установки дисковых рыхлителей к направлению движения.




Рис. 2. Профили поверхности почвы обработанной полосы при углах установки дисков:

10° (1), 15° (2), 20° (3).

Таблица 3

Угол установки град.	Содержание фракций (%) размерами, мм			Степень выровненности, %	Тяговое сопротивление, Н	
	>50	50...25	<25		M_{cp}	$\pm A$
10°	16,2	14,96	68,84	44,6	138,4	3,07
15°	12,0	13,97	73,98	66,7	168,9	3,38
20°	9,96	11,39	78,66	83,2	180,8	2,43

Таким образом, на основании выше изложенного угол установки дисковых рыхлителей можно рекомендовать в пределах $15^\circ \dots 20^\circ$.

Список литературы

- [1]. Корахонов А., Тухтакузиев А. Кузги бошокли экинлардан бушаган далаларни такрорий экинлар экиш учун тайёрлаш буйича тавсиялар. Гулбахор, ТошДАУ. 2005. 6 б.

- [2]. Насритдинов А, Киргизов Х. Кузги бошокли экинлардан бушаган далаларга йул-йул ишлов берадиган ишчи аъзолар турини асослаш. //Пахта мажмуидаги зироатлар етиштириш жараёнларини механизациялашга доир илмий тадқиқотлар натижалари. Гулбаҳор. 1997. 87-93 б.
- [3]. Насритдинов А.А., Киргизов Х.Т. Агрегат для полосной обработки почвы// Современные научные исследования и инновация. -2015. -№12. Москва. –С. 61-69.
- [4]. Киргизов Х., Отаханов Б., Акбаров А. Комбинированный агрегат для полосовой обработки почвы и посева семян промежуточных кормовых культур. // Официальный бюллетень. -2020. -№8. с. 5...6.
- [5]. Отаханов Б.С., Киргизов Х.Т., Хидиров А.Р. Определение диаметра поперечного сечения синусоидально-логарифмического рабочего органа ротационной почвообрабатывающей машины // Современные научные исследования и инновации. 2015. № 11. Москва. –С. 73-82.

УДК 631.311:631.3.072.3

ТРАКТОРНИНГ ОЛДИ ВА ОРҚАСИГА ОСИЛАДИГАН ИШЧИ ҚИСМЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ МАШИНАЛАРИ БИЛАН ИШЛАЁТГАН ТРАКТОРНИНГ ТЎҒРИ ЧИЗИҚЛИ ҲАРАКАТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

Мансуров М.Т.

*Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)*

In article of the studies are brought results on provision of stability of the rectilinear moving the tractor, hang up with tillage machine on system "push-pull". On got result of the studies is noted that stability of the rectilinear moving the tractor, hang up with tillage machine on system "push-pull", depends on schemes and parameter relationship with him (the tractor) front and back worker of a parts of the machines, as well as for ensuring straightforwardness moving the tractor in process of the work corners slopping to longitudinal axis of the tractor of resultant power, acting on front and back worker of a part of machines, in horizontal plane must be possible minimum, but lateral forming their must be made for opposite sides.

Key words: *the tillage machines on system "push-pull", their worker of a part, hung frontal and behind tractor, stability of the tractor against snowdrift and on support directions of the rectilinear motion.*

В статье приведены результаты исследований по обеспечению устойчивости прямолинейного движения трактора, агрегатируемого с почвообрабатывающими машинами по системе "push-pull". По полученным результатам исследований отмечается, что устойчивость прямолинейного движения трактора, агрегатируемого с почвообрабатывающими машинами по системе "push-pull", зависит от схемы и параметров связи с ним (трактором) передней и задней рабочих частей машин, а также для обеспечения прямолинейности движения трактора в процессе работы углы наклона к продольной оси трактора равнодействующих сил, действующих на переднюю и заднюю рабочие части машин, в горизонтальной плоскости должны быть возможно минимальным, а боковые составляющих их должны быть направлены в противоположные стороны.

Ключевые слова: *почвообрабатывающие машины по системе "push-pull", их рабочие части, навешиваемые спереди и сзади трактора, устойчивость трактора против заноса и на сохранение направления прямолинейного движения.*

Мақолада тракторнинг олди ва орқасига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган (кейинги ўринларда "push-pull" системасидаги) тупроққа ишлов бериш машиналари билан ишлаётган трактор тўғри чизиқли ҳаракатининг турғунлигини таъминлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Олинган натижалар бўйича "push-pull" системасидаги тупроққа ишлов бериш машиналари билан ишлаётган трактор тўғри чизиқли ҳаракатининг турғунлиги у билан машиналар олдинги ва орқанги ишчи қисмларининг боғланиш схема ва параметрларига боғлиқ эканлиги ҳамда иш жараёнида трактор тўғри чизиқли ҳаракат қилиши учун машиналар олдинги ва орқанги ишчи қисмларига горизонтал текисликда таъсир этувчи реакция кучлари тенг таъсир этувчиларини тракторнинг бўйлама ўқига нисбатан оғиш бурчаклари мумкин қадар кичик, улардан ҳосил бўладиган ёнбош кучлар қарама-қарши томонга йўналган бўлиши лозимлиги таъкидланган.

Таянч сўзлар: *"push-pull" системасидаги тупроққа ишлов бериш машиналари, уларнинг тракторни олди ва орқасига осиладиган ишчи қисмлари, тракторни ёнбош сурилишга ва тўғри чизиқли*

ҳаракат йўналишини сақлашга турғунликлари.

Адабиётлар таҳлили ҳамда олиб борган изланишларимизни кўрсатишича ерларга ишлов беришда энергия-ресурслар сарфини камайтириш ва иш унумини оширишнинг муҳим йўлларида бири тракторнинг олди ва орқасига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган, яъни “push-pull” системасидаги тупроққа ишлов бериш машиналарини қўллашдан иборат. Бунда тракторлар юриш қисмларига тушадиган юкланишларни мақбул тақсимланиши ҳамда ортиши туфайли уларнинг тупроқ билан тортиш-илашиш хоссалари яхшиланади ва бунинг натижасида иш унумини ошириш ва ёнилғи сарфини камайтиришга эришилинади [1-5].

“Push-pull” системасидаги тупроққа ишлов бериш машиналарини яратишда ечилиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири улар қўшиб ишлатиладиган тракторларнинг тўғри чизикли ҳаракатини таъминлаш ҳисобланади [6-10]. Чунки акс ҳолда, уларни бошқариш қийинлашиб, машиналарнинг иш кўрсаткичлари пасаяди, агротехник тадбирларни бажаришга энергия сарфи ортади.

Маълумки [11, 12], иш жараёнида трактор тўғри чизикли ҳаракат қилиши учун унинг ёнбош томонга сурилиш ва белгиланган тўғри чизикли ҳаракат йўналишини сақлаш бўйича турғунликлари таъминланган бўлиши лозим. Ушбу масалаларни “push-pull” системасидаги тупроққа ишлов бериш машинаси билан ишлаётган ғилдиракли трактор мисолида кўриб чиқамиз. Бунда адабиётлардан маълум бўлганидек [7-9] машина ишчи қисмларининг тракторга таъсирини R_1^{xy} ва R_2^{xy} кучлари (бунда R_1^{xy}, R_2^{xy} – мос равишда машинанинг тракторни олди ва орқасига осилган қисмларига горизонтал текисликда таъсир этувчи реакция кучларининг тенг таъсир этувчилари) орқали ҳисобга оламиз ва улар трактор ғилдиракларининг босим маркази “ C^m ” га қўйилган деб қараймиз (расмга қаралсин).

Расмда келтирилган схемалар бўйича R_1^{xy} ва R_2^{xy} кучларнинг таъсири остида тракторнинг олдинги ва орқанги ғилдиракларида ҳосил бўладиган ёнбош T_A ва T_B кучларни аниқлаймиз

$$T_A = \frac{(R_2^{xy} \sin \alpha_2^\circ \pm R_1^{xy} \sin \alpha_1^\circ) a}{L} \quad (1)$$

ва

$$T_B = \frac{(R_2^{xy} \sin \alpha_2^\circ \pm R_1^{xy} \sin \alpha_1^\circ) b}{L}, \quad (2)$$

бунда a, b – мос равишда трактор ғилдиракларининг босим марказидан унинг орқанги ва олдинги кўприқларига бўлган масофалар;

$\alpha_1^\circ, \alpha_2^\circ$ – мос равишда R_1^{xy} ва R_2^{xy} қаршилик кучларининг тракторни бўйлама ўқиға нисбатан оғиш бурчаклари;

L – тракторнинг базаси.

(1) ва (4) ифодадарда “+” ишораси машинанинг олдинги ва орқанги ишчи қисмлари томонидан тракторга таъсир этувчи кучларнинг ёнбош ташкил этувчилари бир томонга йўналган ҳол учун (расмдаги a схема), “–” ишораси эса бу кучлар қарама-қарши томонга йўналган ҳол учун (расмдаги b схема).

Тракторнинг ёнбош томонга сурилишга турғунлиги таъминланиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим [13]

$$T_A = \frac{(R_2^{xy} \sin \alpha_2^\circ \pm R_1^{xy} \sin \alpha_1^\circ) a}{L} < \sqrt{(\varphi_u G_A)^2 - (F_A)^2} \quad (3)$$

ва

$$T_B = \frac{(R_2^{xy} \sin \alpha_2^\circ \pm R_1^{xy} \sin \alpha_1^\circ) b}{L} < \sqrt{(\varphi_u G_B)^2 - (F_B)^2}, \quad (4)$$


бунда φ_u – трактор ғилдиракларини тупроқ билан илашиш коэффициенти;

G_A, G_B – тракторнинг олдинги ва орқанги ғилдиракларига таъсир этувчи тик кучлар;

F_A, F_B – трактор олдинги ва орқанги ғилдиракларининг ҳаракатлантирувчи кучлари.

Энди тракторнинг белгиланган тўғри чизиқли ҳаракат йўналишини сақлай олиши бўйича турғунлигини тадқиқ этамиз. Маълумки [13, 14], бунинг учун тракторнинг горизонтал текисликдаги ёнбош ва бурчак оғишлари бўйича қўзғалган ҳаракатининг дифференциал тенгламалари тузилиб, уларнинг характеристик тенгламаси турғунликка тадқиқ этилади.

Расмда келтирилган схемаларга биноан тракторнинг горизонтал текисликдаги ёнбош ва бурчак оғишлари бўйича қўзғалган ҳаракатининг дифференциал тенгламалари чизиклаштирилган шаклда қуйидаги кўринишга эга бўлади [13]



“Push-pull” системасидаги тупроққа ишлов бериш машинаси билан ишлаётган тракторнинг ёнбош томонга сурилишга турғунлигини тадқиқ этишга доир схемалар.

$$m\ddot{y}_c + \frac{K_{t1} + K_{t2}}{V} \dot{y}_c + \frac{bK_{t1} - aK_{t2}}{V} \dot{\beta} - [F_A + F_B + R_1^{xy} \cos \alpha_1 - R_2^{xy} \cos \alpha_2 + K_{t1} + K_{t2}] \beta = 0 \quad (5)$$

ва

$$\frac{bK_{t1} - aK_{t2}}{V} \dot{y}_c + J_z \ddot{\beta} + \frac{b^2 K_{t1} + a^2 K_{t2}}{V} \dot{\beta} - (bK_{t1} - aK_{t2}) \beta = 0, \quad (6)$$

бунда m – тракторнинг массаси;

y_c – трактор босим маркази Π^m ни белгиланган ҳаракат йўналишидан ёнбошга оғиши;

K_{t1} ва K_{t2} – мос равишда трактор олдинги ва орқанги қўприкларининг ёнбош томонга тойишга қаршилик коэффициентлари;

V – тракторнинг ҳаракат тезлиги;

β – трактор бўйлама ўқини OX ўқига нисбатан оғиш бурчаги;

J_z – тракторнинг инерция моменти (y ғилдиракларининг горизонтал текисликдаги босим марказига нисбатан).

(5) ва (6) тенгламаларнинг характеристик тенгламасини тузамиз. У қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$(mVJ_z) \lambda^3 + [(J_z + mb^2)K_{t1} + (J_z + ma^2)K_{t2}] \lambda^2 + \left[\frac{1}{V} L^2 K_{t1} \cdot K_{t2} - mV(bK_{t1} - aK_{t2}) \right] \lambda + (bK_{t1} - aK_{t2})(F_A + F_B \mp R_1^{xy} \cos \alpha_1 - R_2^{xy} \cos \alpha_2) = 0. \quad (7)$$

Турғунлик назариясидан маълумки [14, 15], трактор белгиланган йўналиш бўйича тўғри чизиқли ҳаракат қилиши учун (7) характеристик тенгламанинг барча илдизлари

манфий ишорали бўлиши, бунинг учун эса қуйидаги шартлар бажарилиши лозим

$$(J_z + mb^2)K_{t1} + (J_z + ma^2)K_{t2} > 0; \quad (8)$$

$$L^2 K_{t1} \cdot K_{t2} - mV^2(bK_{t1} - aK_{t2}) > 0; \quad (9)$$

$$(bK_{t1} - aK_{t2})(F_A + F_B \mp R_1^{xy} \cos \alpha_1^c - R_2^{xy} \cos \alpha_2^c) > 0; \quad (10)$$

ва

$$\begin{aligned} & \left[(J_z + mb^2)K_{t1} + (J_z + ma^2)K_{t2} \right] \times \\ & \times \left[\frac{1}{V} L^2 K_{t1} \cdot K_{t2} - mV(bK_{t1} - aK_{t2}) \right] - \\ & - mVJ(bK_{t1} - aK_{t2})(F_A + F_B \mp R_1^{xy} \cos \alpha_1^c - R_2^{xy} \cos \alpha_2^c) > 0. \end{aligned} \quad (11)$$

(3) ва (4) ҳамда (8)-(11) ифодалар таҳлилидан кўриниб турибдики, “push-pull” системасидаги тупрокқа ишлов бериш машиналари билан ишлаётган трактор тўғри чизиqli ҳаракатининг турғунлиги унинг массаси (m), у босим марказининг жойлашган ўрни (a , b), ушбу марказга нисбатан инерция моменти (J_z), базаси (L), олдинги ва орқанги кўприкларининг ёнбош томонга тойишга қаршилиқ коэффицентлари (K_{t1} , K_{t2}), ҳаракат тезлиги (V), агрегатланаётган машина олдинги ва орқанги қисмларининг қаршиликлари (R_1^{xy} , R_2^{xy}) ва уларни йўналишлари, яъни тракторнинг бўйлама ўқиға нисбатан оғиш бурчаклари (α_1^c , α_2^c)ға боғлиқ экан. Аммо m , L , a , b , J_z , K_{t1} , K_{t2} лар берилган ва маълум бўлганлиги сабабли тракторнинг ҳаракати турғун бўлишлиғига асосан R_1^{xy} ва R_2^{xy} кучларнинг йўналишларини ва демак машина ишчи қисмларини трактор билан боғланиш схема ва параметрларини тўғри танлаш ҳисобига эришилинади. Жумладан R_1^{xy} ва R_2^{xy} кучларнинг тракторнинг бўйлама ўқиға нисбатан оғиш бурчаклари мумкин қадар кичик, улардан ҳосил бўладиган ёнбош кучлар қарама-қарши томонга йўналган бўлиши лозим.

Адабиётлар

- [1]. Юрин А.Н., Китун А.В. Обоснование конструкторско-компоновочной схемы почвообрабатывающе-посевных агрегатов // Материалы Международной научно-практической конференции молодых ученых “Энергоресурсосберегающие технологии и технические средства для их обеспечения в сельскохозяйственном производстве”. – Минск, 2010. – С. 31-36.
- [2]. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш жараёнларини 2020 йилгача комплекс ривожлантиришнинг умумий концепциялари. – Тошкент, 2011. – 72 б.
- [3]. Тўхтақўзиев А. Тупрокқа ишлов бериш машиналарининг ривожланиш йўналиш-лари // “Ресурстежамкор қишлоқ хўжалиқ машиналарини яратиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Гулбаҳор, 2014. – Б. 69-72.
- [4]. Tukhtakuziev A., Mansurov M. T. Research of resistance on the tractor equipped with implements at front and backside lift hitch contrarily the sidewise skidding // EUROPEAN APPLIED SCIENCES – 2015. – №6. – Б. 76-77.
- [5]. Тўхтақўзиев А., Мансуров М.Т., Тошпўлатов Б.У. Ерларға экиш олдида ишлов беришда қўлланиладиган “push-pull” системасидаги комбинациялашган машина текислагич зичлагичининг параметрларини асослаш // ТошДТУ хабарлари. – Тошкент, 2015. – №4. – Б.70-74.
- [6]. Касымов А.Ш., Золотарев В.В. Установившиеся прямолинейное движение пахотного агрегата с передней и задней навеской // Тракторы и сельхозмашины. – 1988. – №1, – С. 34-37.
- [7]. Панов А. И., Донцов И.Е. Устойчивость движения гусеничного трактора с плугом передней и задней навески // Сборник научных трудов научно-производственное объединение по сельскохозяйственному машиностроению НПО ВИСХОМ: Исследование и разработка почвообрабатывающих и посевных машин. – Москва, 1988. – С. 24-43.
- [8]. Донцов И.Е. Устойчивость движения МТА с орудиями фронтальной и задней навески // Тракторы и сельскохозяйственные машины. – 2008. – № 9. – С. 31-34.
- [9]. Донцов И.Е. Устойчивость движения комбинированных МТА с фронтальными и задними навесными орудиями // Тракторы и сельскохозяйственные машины. – 2009. – № 12. – С. 20-22.

- [10]. Донцов И.Е., Бартенев И.М. Оптимизация параметров навесных орудий по критерию «Степень устойчивости» // Электронный журнал научные труды Московского Государственного университета леса. – 2010. – №8. – С. 1-7.
- [11]. Синеоков Г.Н., Панов И.М. Теория и расчет почвообрабатывающих машин. – Москва: Машиностроение, 1977. – 328 с.
- [12]. Думай Л.Б., Мигаль А.Н. Агрегатирование плуга с трактором в горизонтальной плоскости // Тракторы и сельскохозяйственные машины. – 1990. – №1 – С. 21-23.
- [13]. Гуськов В.В. и др. Тракторы. Теория. – Москва: Машиностроение, 1988. – 376 с.
- [14]. Гячев Л.В. Устойчивость движения сельскохозяйственных машин и агрегатов. – Москва: Машиностроение, 1981. – 207 с.
- [15]. Малкин И.Г. Теория устойчивости движения. – 2-е изд., испр. – Москва: Наука, 1976. – 530 с.

УДК.631.24.071.

ТРАКТОР ПНЕВМАТИК ШИНАЛАРИДАГИ ҲАВО БОСИМИНИ АНИҚЛАШ ҚУРИЛМАСИ

Мелибаев М., Йигиталаев Ж.А.

Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)

The regulatory documents adopted by the President and the Government of the Republic of Uzbekistan on the efficient use of alternative energy sources in the country are considered the basis for the development of the energy industry, including in the sector of alternative energy sources.

To ensure the implementation of the adopted documents, we have developed a low-power wind generator (wind turbine) with a vertical axis (VAWT) with a permanent magnet and the method of magnetic

levitation is used to increase the efficiency of this type of wind turbine. Magnetic levitation is introduced using permanent magnets, the repulsive force of the magnets is used to suspend the rotating part of the turbine.

Keywords: energy efficiency, alternative energy, wind generator, magnetic levitation, wind wheel, repulsive force, wind turbine, aerodynamics, torque.

Нормативно-правовые документы, принятые Президентом и Правительством Республики Узбекистан, об эффективном использовании альтернативных источников энергии в стране считается основой развития энергетической отрасли, в том числе в секторе альтернативных источников энергии. Для обеспечения выполнения принятых документов нами был разработан малоомощный ветрогенератор (ветротурбина) с вертикальной осью (ВТВО) с постоянным магнитом и метод магнитной левитации. Магнитная левитация вводится с помощью постоянных магнитов, сила отталкивания магнитов используется для подвешивания вращающейся части турбины.

Ключевые слова: энергоэффективность, альтернативная энергетика, ветрогенератор, магнитная левитация, ветроколесо, сила отталкивания, ветротурбина, аэродинамика, крутящий момент.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti va hukumati tomonidan mamlakatda muqobil energiya manbalaridan samarali foydalanish to'g'risida qabul qilingan me'yoriy-huquqiy hujjatlar energetika sohasini, shu jumladan muqobil energiya manbalari sektorini rivojlantirish uchun asos hisoblanadi. Qabul qilingan hujjatlarning bajarilishini ta'minlash uchun biz kichik quvvatli doimiy magnit bilan jihozlangan vertikal o'qli shamol turbinasi (VO`ShT) ishlab chiqildi va ushbu turdagi shamol turbinasining samaradorligini oshirish uchun magnit levitatsiya usuli qo'llanildi. Magnit levitatsiya doimiy magnitlardan foydalangan holda amalga oshiriladi, magnitlarning itarish kuchi turbinaning aylanadigan qismlarini ishqalanishsiz muallaq harakatini ta'minlaydi.

Kalit so'zlar: energiya samaradorligi, muqobil energiya, shamol generatori, magnit levitatsiya, shamol g'ildiragi, itarish kuchi, shamol turbinasi, aerodinamika, aylantiruvchi moment.

Среди различных видов возобновляемых ресурсов ветряные турбины способны производить большую мощность в меньшем месте, когда ветряные турбины запускаются с номинальной скоростью [1]. Несмотря на то, что ветротурбины с горизонтальной осью (ВТГО) используются в коммерческих целях для более высокой мощности, интерес к разработке новых технологий для ВТВО малого и среднего размера растет.

Мелкомасштабные ВТВО нуждаются в большей разработке для эффективного использования на бытовом уровне [2]. Использование зубчатых механизмов является основным недостатком ветротурбин, что приводит к потерям, а также увеличивает стоимость ветротурбины [3].

Доступная энергия ветра - это энергия, содержащаяся в движущихся частицах воздуха, таких как кислород, азот и водород. Эта энергия более известна как кинетическая энергия. Кинетическая энергия в движущейся системе может быть рассчитана по следующей формуле;

$$E = \frac{mv^2}{2} \quad (1)$$

где E – кинетическая энергия (Дж), m – масса системы (кг), а v – скорость движущейся системы (м/с). Мощность – это мера энергии, произведенной или использованной в течение определенного периода времени. Расстояние, достигаемое частицами воздуха, является произведением их скорости и времени, которое им требуется для достижения этого конкретного расстояния. Уравнение (1) может быть дополнительно развито, чтобы получить выражение мощности (P) для расчета ветротурбины;

$$P = \frac{1}{2} \rho A V^3 C_P \quad (2)$$

– ρ массовая плотность воздуха на поверхности моря (кг/м³), которая составляет 1,225 кг/м³, A – площадь, ометаемая ветроколесом (м²), V – скорость движущейся системы (м/с) и C_P – коэффициент мощности. Величина мощности сильно зависит от скорости ветра. Небольшая ветряная турбина нуждается в сильном ветре, чтобы произвести большое количество

энергии. Коэффициент мощности (CP) используется для расчета количества энергии, потребляемой турбиной, которая была доступна на ветру, как в (3)

$$C_P = \frac{\text{Захваченная механическая сила лезвиями}}{\text{Доступная сила ветра}} \quad (3)$$

Длина лопастей ротора и радиус ротора прямо пропорциональны выходной мощности турбины. Размер ветровой турбины также известен как площадь развертки этой частичной турбины. Площадь развертки турбины различается в зависимости от формы конфигурации ротора. Поскольку в ВТГО вал вращается вокруг горизонтальной оси, таким образом, площадь захвата рассчитывается по другой формуле относительно ВТВО [5]. Площадь развертки этой турбины рассчитывается по следующей формуле;

$$A = 2RH \quad (4)$$

где, A – площадь турбины (ветроколеса) (m^2), R – радиус турбины (m), а H – высота лопасти (m).

Лопасты (лезвия) турбины используют подъемную силу от ветра для вращения лопаток. Лезвия имеют форму аэродинамического профиля [6]. Конструкция лезвий турбины была выбрана с учетом наличия данных по конкретному профилю.

На плавность работы ротора напрямую влияет увеличение и уменьшение количества лопастей ВТВО [7]. Самостоятельный запуск турбины может быть осуществлен этим параметром, который без единицы измерения. Прочность (σ) для прямой лезвий ВТВО может быть рассчитана как:

$$\sigma = \frac{Nc}{R} \quad (5)$$

где N – количество лезвий, c – длина хорды (m) и R – радиус ротора (m).

Коэффициент мощности (CP) также зависит от количества лопастей, которое значительно уменьшается при уменьшении количества лопастей.

В процессе преобразования энергии, таком как превращение механической энергии в электрическую энергию, преобразуется частичная энергия ветра. Соотношение между мощностью, генерируемой ветровой турбиной, и мощностью, доступной на ветру, называется общей эффективностью ветряной турбины, которая указана в (6).

$$\eta_{\text{общ.}} = \frac{P_{\text{выход}}}{P_{\text{вход}}} \quad (6)$$

В ветротурбине имеется два типа эффективности: первая – КПД ротора (CP), также известный как коэффициент мощности, а второй – КПД генератора (η). Эффективность ротора ветротурбины зависит от механической конструкции лопастей ротора. С другой стороны, эффективность генератора зависит в основном от электрической конструкции генератора. Выходная мощность генератора задается как:

$$P_{\text{выход}} = \frac{1}{2} \rho A v^3 C_P \eta \quad (7)$$

Измерения скорости лопасти ротора проводились для проверки работоспособности магнитной левитации. Эти измерения были выполнены при трех различных скоростях ветра. Реакция скорости вращения ротора с магнитной левитацией и без нее показана на Рис. 1.

Можно показать, что скорость увеличивается с увеличением скорости ветра, однако при использовании магнитной левитации ротор обеспечивает лучшую производительность.

Эффективность лопастей ротора при каждой конкретной скорости ветра может быть рассчитана следующим образом:

$$\eta = \frac{56-44}{44} \cdot 100\%$$




Рисунок 1. Увеличение оборотов ротора.

(11)

При усреднении КПД ротора увеличивается на 23,6%.

Заключение

В этом исследовании ветровая турбина с вертикальной осью была успешно спроектирована и построена. В разработанном прототипе эффективно добавлена магнитная левитация, которая уменьшает трение за счет подвешивания вращающихся частей турбины и генератора. Магнитная левитация вводится с помощью редкоземельных постоянных магнитов. Эффективность ветродвигателя увеличена на 23,6% за счет магнитного поля.

Список литературы

- [1]. N. Patel, M. Nasir Uddin and Senior member IEEE, "Design and performance analysis of a magnetically levitated vertical axes wind turbine based axial flux PM generator", 7th International conference on electrical and computer engineering, Dhaka, Bangladesh, 20e22, December, 2012.
- [2]. Li Ya-Xi, World wind power status and development, Sol. Energy 1 (2004) 7e9.
- [3]. K. Pope, I. Dincer, G.F. Naterer, Energy and exergy efficiency comparison of horizontal and vertical axis wind turbine, Renew. Energy 35 (2010) 2102e2113.
- [4]. Changduk Kong, et al., "Structural Design of Medium Scale Composite Wind Turbine Blade", 13th International Conference on Composite Materials (ICCM-13), Beijing, China, pp.561, 3e8, July, 2001. 71
- [5]. Aravind CV, Rajparthiban R, Rajprasad and Wong YN, "A novel magnetic levitation assisted vertical axis wind turbine-design procedure and analysis", 8th IEEE International colloquium on signal processing and its applications, Malacca, Malaysia, 23e25, March, 2012.
- [6]. Changduk, L. Haseung and M. Kim, "Aerodynamic and structural design of a high efficiency small scale composite vertical axis wind turbine blade", 18th international conference on composite materials, ICCM-18, Jeju Island, Korea, 21e26, August, 2011.

МЕТАЛЛ-ДИЭЛЕКТРИК-ЯРИМЎТКАЗГИЧ ТУЗИЛМАЛАРДА СИРТ ЗИЧЛИГИ ҲОЛАТИНИНГ ТЕРМОДИНАМИК МОДЕЛИ

Шарибаев Н.Ю.¹, Дадамирзаев М.Ғ.², Дадамирзаев Ғ.²

¹Наманган муҳандислик-технология институти,

²Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)

В статье проведен статистический анализ энергетических уровней. Построена математическая модель температурной зависимости спектра плотности поверхностных состояний для широкого энергетического диапазона. Это повышает точность определения концентрации примесей и дефектов в полупроводниках.

Ключевые слова: *полупроводник, плотность поверхностных состояний, математическая модель, модель энергетических зон, температурная зависимость.*

The article provides a statistical analysis of energy levels. A mathematical model is constructed for the temperature dependence of the spectrum of the density of surface states for a wide energy range. This increases the accuracy of determining the concentration of impurities and defects in semiconductors.

Keywords: *semiconductor, density of surface states, mathematical model, model of energy zones, temperature dependence.*

Мақолада яримўтказгич тузилмалар энергетик соҳалари бўйича статистик таҳлиллار олиб борилди. Кенг энергетик оралиқлар учун сирт ҳолатлар зичлиги спекторининг ҳароратга боғланиши математик модели яратилди. Бу яримўтказгичдаги аралиқлардаги концентрацияси ва нуқсонларни топиш аниқлигини оширишга имкон беради.

Таянч сўзлар: *яримўтказгич, сирт ҳолатлар зичлиги, математик модель, энергетик соҳалар модели, ҳароратга боғлиқлик.*

Локализацияланган металл-диэлектрик-яримўтказгич (МДЯ)- тузилмасининг ҳолатига ўтказувчанлик соҳасининг ҳарорат таъсирида кенгайиши ва унинг МДЯ тузилмаси ҳолатига таъсир қилиши ҳозиргача ўрганилмаган. У фақат хона ҳароратида кўриб келинган.

Демак, сирт ҳолатлар зичлигини ҳисоблашда электрик фаол аралашмалар тақсимооти қонунини ҳисобга олиш долзарб масала ҳисобланади. Чунки бунда кенг энергетик ораликда яримўтказгичнинг ўтказувчанлик ва таъқиқланган соҳаларининг ўзгаришини ҳисобга олиш натижасида МДЯ- тузилманинг яримўтказгич-диэлектрик чегараси учун етарлича аниқ маълумотларни олиш мумкин.

Энергетик сатҳни аниқлаш учун температурага боғлиқ бўлган дельта-функция
Қуйидаги функция орқали,



1-расм. Идеаль модель тасвири.

$$\rho(t) = 1 - \exp\left[-\frac{t}{\tau(E)}\right] \quad (1)$$


Е энергетик сатҳдан ионлашиш жараёнини ифодаловчи идеал модель берилган [1]. Модель ўзида қуйидагиларни тасвирлайди (1-расм): t вақтда E_1 энергиядан катта энергияли барча электронлар ўтказувчанлик зонасига (ЎЗ) генерацияланган, E_1 дан кичик энергияли электронлар ўз жойида қолади. Идеал моделни тасвирловчи (1) формула даражали функция эканини кўриш мумкин. $\tau(E)$ электроннинг яшаш вақтини аниқлаб, унинг E энергияга кучли боғланганини ифодаловчи формулани [2,3] ишларда аниқланган:

$$\tau(E) = \tau_0 \exp\left(\frac{E}{kT}\right) \quad (2)$$

бу ерда τ_0 - электронларнинг яшаш вақти, k - Больцман доимийси, T - абсолют ҳарорат.

Оқибатда (1.22) ва (2.1) формулалардан [2] қуйидаги ифода олинган:

$$\rho(t, E, T) = 1 - \exp\left[-\exp\left(\frac{kT \ln\left(\frac{t}{\tau_0}\right) - E}{kT}\right)\right] \quad (3)$$



2-расм. Турли ҳароратларда $\delta^*(E_0, E, T)$ – дельта функция.

Бу формулада $kT \ln\left(\frac{t}{\tau_0}\right)$ энергияни ифода этиб, уни E_0 билан белгилаймиз.

$$E_0(t, T) = kT \ln\left(\frac{t}{\tau_0}\right) \quad (4)$$

(4) электрон энергияси бўлиб, унга электронлар E_0 дан катта энергияда ионлашиб эришган. Агар биз вақтни идеал параметр деб қарасак, унда T - ҳароратнинг ҳар бир қиймати учун t вақтни шундай танлаш мумкинки, унда E_0 ни ҳароратга боғлиқ бўлмаган алоҳида параметр деб қараш мумкин. Бошқача қилиб айтганда (4) ни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$E_0 = kT \ln\left(\frac{t}{\tau_0}\right) \quad (5)$$

Унда (3) формулани куйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин

$$\rho(E_0, E, T) = 1 - \exp \left[- \exp \left(\frac{E_0 - E}{kT} \right) \right] \quad (6)$$

бу ерда E_0 – электроннинг ҳароратга боғлиқ бўлмаган энергияси бўлиб, унга E_0 дан катта энергияда ионлашиб эришган; E -энергия E_0 катта бўлган сатҳларни тўлдирган электрон энергияси (1-расм); k - Больцман доимийси, T -абсолют ҳарорат.

Математик жиҳатдан аргументи даражали бўлган функциянинг ҳосиласи дельта функцияни беради. Статистик физикадан маълумки, Диракнинг дельта-функцияси энергетик сатҳнинг мавжудлигини билдиради [4]. Худди шунингдек, (6) функциянинг E_0 энергия бўйича ҳосиласи

$$\delta^*(E_0, E, T) = \frac{\partial \rho(E_0, E, T)}{\partial E_0} = \frac{1}{kT} \exp \left(\frac{1}{kT} (E - E_0) - \exp \left(\frac{1}{kT} (E - E_0) \right) \right) \quad (7)$$

$T \rightarrow 0$ даги дельта функция ҳисобланади. [2,3,5] да электрон ионлаштирилиши мумкин бўлган E_0 энергияли сатҳ мавжудлигини ёки унга электрон ионлаштирилиши мумкин бўлган E энергияли сатҳ мавжудлигини аниқланган. Дельта функция (7) нинг турли ҳароратлардаги кўриниши 2-расмда берилган.

Сирт зичлиги ҳолатларининг термодинамик модели

Сиртда, соҳаларнинг чегарасидаги электронлар концентрациясини аниқлашда, одатда куйидаги ифодалардан фойдаланилади:

$$n_s(E_f, T) = 2 \int_{E_c}^{\infty} N_c (E - E_c)^{\frac{1}{2}} f(E, E_f, T) dE \quad (8)$$

$$p_s(E_f, T) = 2 \int_{-\infty}^{E_v} N_p (E_v - E)^{\frac{1}{2}} f(E, E_f, T) dE \quad (9)$$

Бу ерда электроннинг E энергия билан квант ҳолатида туришини аниқловчи эҳтимоллик - Ферми-Дирак функцияси куйидагича ифода этилади:

$$f(E, E_f, T) = \frac{1}{1 + \exp \left(\frac{E - E_f}{kT} \right)} \quad (10)$$

Маълумки, (8,9) интегралларни ҳисоблашда интеграл остидаги ифодалар ўзгарувчиларини алмаштириш натижасида дельта-функцияга айлантирилади, унда самарали ҳолат функцияси

$N_c = \left(\frac{2\pi m_p kT}{h^2} \right)$, $N_v = \left(\frac{2\pi m_v kT}{h^2} \right)$ га айланади ва бу ҳолда интеграл бирга тенг бўлади.

Лекин (6) функцияни E_0 бўйича дифференцияланганда ҳам δ -функция бўлиб қолади ва шунинг учун (8) ва (9) да (10) ни (6) функция билан алмаштириш мумкин. Унда концентрация учун ифода куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$n(E_0, T) = 2 \int_{E_c}^{\infty} N_{0c} (E - E_c)^{\frac{1}{2}} \rho(E_0, E, T) dE \quad (11)$$

$$p(E_0, T) = 2 \int_{-\infty}^{E_v} N_{0p} (E_v - E)^{\frac{1}{2}} \rho(E_0, E, T) dE \quad (12)$$

$$\text{Бу ерда сирт учун } N_{0c} = 4\pi \left(\frac{2m_p^*}{h^2} \right), \quad N_{0v} = 4\pi \left(\frac{2m_p^*}{h^2} \right) \quad (13)$$

Буларда (4) бўйича аниқланувчи E_0 -параметрни Ферми энергия тури бўйича энергетик параметр деб аташ мумкин, у энди вақт ва ҳароратга боғлиқ бўлади. (5) формула ҳам (12)

каби E энергия билан сатҳлар тўлиши эҳтимоллигини аниқлайди, аммо бу эҳтимоллик ушбу ҳолда E_0 қийматига ҳам боғлиқ бўлади. E_0 параметр ўз ўрнида ўзгарувчи T -ҳарорат ва t -вақтга боғлиқ бўлади. Ҳамда T учун мос келадиган t танланганда E_0 қиймати худди ҳароратга боғлиқ эмасдек бўлиб қолади ва бу мустақил ўзгарувчи бўйича (11) ва (12) ни оддийгина дифференциаллаш мумкин:

$$\frac{\partial n(E_0, T)}{\partial E_0} = 2 \cdot N_c \cdot \int_{E_c}^{\infty} (E - E_c)^{\frac{1}{2}} \frac{\partial \rho(E_0, E, T)}{\partial E_0} dE \quad (14)$$

$$\frac{\partial p(E_0, T)}{\partial E_0} = 2 \cdot N_v \cdot \int_{-\infty}^{E_v} (E_v - E)^{\frac{1}{2}} \frac{\partial \rho(E_0, E, T)}{\partial E_0} dE \quad (15)$$


Бу ердаги E_0 га боғлиқ бўлган интеграл остидаги қисм (7) да аниқланган бўлиб, у функция $T \rightarrow 0$ δ -функция бўлиб қолади. Унда ўтказувчанлик ва валент соҳаларда ҳолат зичлигини аниқлаш формуласи куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$N_{s_c}(E_0, T) = 2 \cdot N_{0c} \cdot \int_{E_c}^{\infty} (E - E_c)^{\frac{1}{2}} \delta^*(E_0, E, T) dE \quad (16)$$

$$N_{s_v}(E_0, T) = 2 \cdot N_{0v} \cdot \int_{-\infty}^{E_v} (E_v - E)^{\frac{1}{2}} \delta^*(E_0, E, T) dE, \quad (17)$$

Таъкиқланган соҳада энергетик сатҳлар мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб ва (16), (17) ни умумлаштирган ҳолда валент соҳа, таъкиқланган соҳа ва ўтказувчанлик соҳалари учун умумлашган ҳолат зичлиги ифодасини ёзиш мумкин.

$$N_{ss}(E_0, T) = 2 \cdot N_{0v} \cdot \int_{-\infty}^{E_v} (-E)^{\frac{1}{2}} \delta^*(E_0, E, T) dE + 2 \cdot N_{0c} \cdot \int_{E_c}^{\infty} (E - E_g)^{\frac{1}{2}} \delta^*(E_0, E, T) dE \quad (18)$$



3-расм. Турли ҳарорат учун (18) формула графиги.

3-расмда (18) нинг турли ҳароратлар учун графиги берилган. Расмда энергетик соҳаларнинг ҳарорат бўйича кенгайиши (18) формулада қандай ҳисобга олингани кўриниб турибди.

Умумлашган энергетик соҳалар учун сирт ҳолат зичлигининг формуласи

Олинган (18) интеграл формула аналитик ҳисоблаш учун мураккаб ҳисобланади. Қулайлик учун аппроксимациядан фойдаланамиз. Бошланишда (7) формуладаги экспонент функцияни иккинчи даражалигача кўрсаткичлига айлантириб, куйидагини оламиз:

$$\delta_1^*(E_0, E, T) = \frac{e^{-1}}{kT} \exp\left(-\left(\frac{E - E_0}{\sqrt{2kT}}\right)^2\right)$$

Навбатдаги аппроксимация асосида

куйидагилар ҳосил бўлади:

$$\delta_g(E_0, E, T) = \frac{e^{-1}}{kT} \left(1 + \left(\frac{E - E_0}{\sqrt{2kT}}\right)^2\right)^{-1} \quad (19)$$

$$N_{S_v}(E_0, T) = 2 \cdot N_{0v} \cdot \int_{-\infty}^{E_0} (-E)^{\frac{1}{2}} \delta_g(E_0, E, T) dE \quad (20)$$

Энди валент соҳа учун интегрални аналитик усулда ҳисоблаш мумкин. Ҳисоблаш натижасида қуйидаги ифодани оламиз:

$$N_{S_v}(E_0, T) = \frac{\sqrt{2} N_{0v} \pi k T e^{-1}}{\sqrt{\sqrt{2k^2 T^2 + E_0^2} + E_0}} = \pi e^{-1} N_{0v} \sqrt{\sqrt{2k^2 T^2 + E_0^2} - E_0} \quad (21)$$

Худди шунингдек, ўтказувчанлик соҳаси учун

$$N_{S_c}(E_0, T) = \frac{\sqrt{2} N_{0c} \pi k T e^{-1}}{\sqrt{\sqrt{2k^2 T^2 + (E_0 - E_g)^2} + (E_0 - E_g)}} = \pi e^{-1} N_{0c} \sqrt{\sqrt{2k^2 T^2 + (E_0 - E_g)^2} - (E_0 - E_g)} \quad (22)$$

$$\text{Бу ерда } N_{0c} = \frac{8\pi m_n^*}{h^2}, \quad N_{0v} = \frac{8\pi m_p^*}{h^2}$$

$$N_{ss}(E_0, T) = 2\pi^2 h^{-2} e^{-1} \left(m_v^* \sqrt{\sqrt{2k^2 T^2 + E_0^2} - E_0} + m_c^* \sqrt{\sqrt{2k^2 T^2 + (E_0 - E_g)^2} - (E_0 - E_g)} \right) \quad (23)$$

$$m_0 = m_v = m_c \text{ бўлганда}$$

$$N_{ss}(E_0, T) = 2\pi^2 m_0 h^{-2} e^{-1} \left(\sqrt{\sqrt{2k^2 T^2 + E_0^2} - E_0} + \sqrt{\sqrt{2k^2 T^2 + (E_0 - E_g)^2} - (E_0 - E_g)} \right) \quad (24)$$

Хулосалар. (23) формула ёрдамида ўз ичига валент соҳани, таъқиқланган соҳани ва ўтказувчанлик соҳасини олган кенг энергетик ораликдаги энергетик ҳолатлар зичлигини ҳисоблаш мумкин. Моделнинг хусусияти- бу термик кенгайишнинг энергетик ҳолатлар зичлиги спектрига қўшган ҳиссасини аниқлашга ёрдам берадиган статистик функцияларнинг ҳароратга боғлиқлигини сақлаб қолишдир. Тавсия этилаётган усул аралашмалар натижасида ҳосил бўлган дискрет энергия сатҳларини кенг энергия ораликларида катта аниқликда ҳисоблашга имкон беради. Келгусида турли яримўтказгич намуналар учун ҳолат зичликларини ҳисоблаш режалаштирилган.

Адабиётлар рўйхати

- [1]. Носов Ю.Р., Шилин В.А. Основы физики приборов с зарядовой связью. -Москва. Наука. 1986. – 362 с.
- [2]. Гулямов Г., Шарибаев Н.Ю.. Определение ППС границы раздела полупроводник-диэлектрик в МДП-структуре.// ФТП – Санкт Петербург, 2011. Т.45. №2. С. 178–182
- [3]. Гулямов Г., Шарибаев Н.Ю., Определение дискретного спектра ППС МОП Al-SiO₂-Si, облученное нейтронами // Поверхность. Рентгеновские, синхротронные и нейтронные исследования, 2012 г., № 9 с. 13–17.
- [4]. Бонч-Бруевич В.Л., Калашников; С. Г. Физика полупроводников. - М.: Наука, 1977.
- [5]. Гулямов Г., Каримов И.Н., Шарибаев Н.Ю., Эркабоев У. Определение ППС на границе раздела полупроводник-диэлектрик в структурах Al-SiO₂-Si и Al-SiO₂-n-Si<Ni> при низкой температуре // Узбекский физический журнал. - Ташкент, 2010 -12(№3), -С.143-146.

ИМИТАЦИОННОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ МЕТОДОВ КОДИРОВАНИЯ НА ОСНОВЕ ДВУМЕРНОГО ПРЕДСКАЗАНИЯ И ДВУХСТОРОННЕГО ОГРАНИЧЕНИЯ СИГНАЛА ОШИБКИ

Усманов Р., Имамназаров Э., Шокиров Д.

*Наманганского инженерно-строительного института
(Получена 15.12.2020 г.)*

This article discusses the development of the above method by modeling algorithms and software for

constructing long-range video information systems with statistical filtering of impulse noise. With the help of which, it is possible to improve the quality of the received images with impulse noise of various duration and intensity.

Keywords: video information systems, analog prediction, impulse interference, signal -impulse interference (OSIP), encoder analyzer.

В данной статье рассматривается разработка выше указанного метода путем моделирования алгоритмов и программных средств построения дальних видеоинформационных систем со статистической фильтрацией импульсных помех. С помощью которых, обеспечивается повышения качества принимаемых изображений с импульсными помехами различной длительности и интенсивности.

Ключевые слова: видеоинформационные системы, аналоговое предсказание, импульсная помеха, сигнал – импульсная помеха (ОСИП), кодер анализатор.

Ushbu maqolada impulsli shovqinlarni statistik filtrlash bilan uzoq masofali video-axborot tizimlarini qurish algoritmlari va dasturiy ta'minotini modellashtirish orqali yuqoridagi usulni ishlab chiqish muhokama qilinadi. Uning yordamida turli xil davomiylik va intensivlikdagi impuls shovqinlari (halaqitlarni) bilan qabul qilingan tasvirlarning sifati yaxshilanadi.

Kalit so'zlar: video-axborot tizimlari, analog prognoz, impuls shovqin, signal – impuls shovqin nisbati (SISHN), kodlovchi analizatori.

Научно – технический прогресс наряду с комплексными проблемами ставит и проблему увеличения достоверности обмена видеоинформацией. Особенно сложные проблемы возникают в связи расширением обмена видеоинформацией, что вызвано не только развитием систем для вещания, но и ещё в большей степени сложных видеоинформационных систем различного назначения. Это актуально также для качественного экологического мониторинга при одновременном увеличении расстояния, на которые приходится передавать или принимать изображения.

В дальних видеоинформационных системах с низким отношением сигнал – импульсная помеха (ОСИП) из-за порога частотного дискриминатора принятые изображения поражаются импульсными помехами. Теоретические и экспериментальные данные, показывают, что аналоговое кодирование-декодирование на основе линейного предсказания и ограничения с обратной улучшает помехоустойчивость видеоинформационных систем.

Для поиска максимального выигрыша в (ОСИП) необходимо рассматривать множество вариантов, в которых варьируются различные параметры (уровень ограничения, весовые коэффициенты предсказателей, остаточный сигнал, количество элементов участвующих в предсказании и т.д.). Схемная реализация с целью проведения опыта со всеми вариантами достаточно сложна, требует больших затрат на конструирование, а иногда и просто невозможна (когда для предсказания используются элементы из предыдущего поля или кадра) в реальном времени. Выход здесь только в обращении к современным ЭВМ.

Рассмотрим имитационное моделирование видеоинформационной системы с линейным предсказанием, ограничением и анализатором как эффективный статистический фильтр импульсных помех. В сущности, алгоритм имитирующий необходимые действия такой видеоинформационной системы, представляет собой рекурсивную процедуру, на рис.1 приведена блок-схема алгоритма. Исходное изображение задано на квадратной решетке 512×512 элементов изображения по 8 бит каждый, т.е. 256 возможных значений, что вполне соответствует телевизионному стандарту [1,2]. Для имитации подачи сигнала изображения сканировались (слева направо, сверху вниз) нечетные строки (1-е поле), четные (2-е поле). Аналогично восстановление (после обработки) изображения получалось после перемежения двух полей. Для зашумления использовался специальный массив noise, записанный как изображение в ЭВМ и имеющий характеристику распределения вероятности, близкую к импульсным помехам. Например, если имеется <<белый>> шум, обозначенный как $U(I,j)$, ($I,j=0,1,2,...,512$) то для получения <<треугольного>> достаточно проделать операции:

$$\eta(i,j) = U(i,j) - 1/3\{U(i-1,j) + U(i,j-1) + U(i-1,j-1)\}. \quad (1)$$

Соответствующее ослабление шума подбирается по коэффициенту сжатия N.




Рис.1. Блок-схема алгоритма функционирования базовой модели видеоинформационной системы с линейным предсказанием и ограничением.

задавалась различная ориентация трека ошибки (соответствующий подбор весовых коэффициентов, вариация <<утечки>>). Реальные изображения пропускались через алгоритмы при различных условиях. Весовые коэффициенты предсказателей получены с помощью ковариационного анализа некоторого ансамбля типовых изображений с




Рис.2. а). Расположение элементов изображения используемых для предсказания.




Рис.2. б). Схемная реализация предсказания.

ансамбля изображений. Весовые коэффициенты предсказателей определялись для трех типов

В описываемых моделях рис.2 для предсказания использовались, в основном, апертура из шести предыдущих элементов (трех из данной строки и трех из предыдущей) рис.2а.

Для настройки и идентификации модели вначале использовались тестовые изображения (шахматное поле, сетка, полосы и т.п.) с известными результатами восстановления, а также детерминированный шум (регулярная импульсная помеха, сбой).

Для проверки локализации помехи

применением рассредоточения значения весов при многоэлементном

предсказании. Такое имитационное моделирование, позволило исследовать и выявить многие эффективные и перспективные стороны видеоинформационной системы с аналоговым кодером и анализатором на основе линейного предсказания и ограничения обратной связью как статистический фильтр

импульсных помех.

Точность предсказания зависит от соответствия алгоритма предсказания, сложности сюжета и локальной окрестности. Рассматривались параметры аналоговых кодеров, которые устанавливались фиксированными для всего

сюжета и усреднялись, что вело к увеличению дисперсии разностного сигнала, а значит и к снижению эффективности фильтрации импульсных помех [3,4,5,6]. Поэтому проблема дальнейшего повышения эффективности видеотелевизионной системы с аналоговым кодером и анализатором как статистический фильтр импульсных помех чрезвычайно актуальна.

Список литературы

- [1]. Атаханов Р.М. и др. провести НИР по выбору ТВ устройств в аналоговом и цифровом вариантах повышения помехоустойчивости передачи сигналов цветного телевидения на основе адаптивного линейного предсказания и ограничения, а также испытать эти устройства на действующих каналах ТВ. Гос.рег. №01826031789, Ташкент, 1983.
- [2]. Маматходжаев В.Н. Разработка и цифровое моделирование блоков предсказания и корректирования на основе линейного предсказания и ограничения. В кн. Всесоюзный симпозиум "Сокращения избыточности в цифровых телесистемах," с.73., Тбилиси, 1983.
- [3]. Маматходжаев В.Н. Разработка и цифровое моделирование управляемой телевизионной системы с линейным предсказанием и ограничением. Дисс.к.т.н., с. 148, 1986.
- [4]. Махмудов Э.Б. Исследование повышения эффективности использования пропускной способности канала связи посредством линейного предсказания и ограничения сигнала цветного телевидения. Дисс.к.т.н., с. 210.М., 1981.
- [5]. Атаханов Р.М. Комплексное исследование методов повышения помехоустойчивости и эффективности использования пропускной способности ТВ системы с предсказанием и корректированием. Техника кино и телевидения, №7, с.21-23.1985.
- [6]. Р.Т.Усманов. Статистическая обработка видеотелевизионной информации." Инновация-2001" международная научная конференция. Тезисы докл. Ташкент. 2001.
- [7]. Имамназаров Эркин Дехканалиевич. Как среда проектирования и моделирования при подготовке виртуальных лабораторий. "Теория и практика современной науки" №11(53) 2019.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Хакимов Абдуллоки

*Наманган муҳандислик - қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)*

In this article, we are talking about the fact that education today is an important factor in ensuring the stability of any society, an urgent task, the country is moving to a new stage of further improvement of education, distance education is developing as a more perfect, effective form of education. It is assumed that a number of tasks will be set, the global coverage of distance education will expand, which will further accelerate the development of our country.

Key words: distance learning, interactive, tutor, information technology, internet, method, resource, website, e-textbook, telecommunications.

В этой статье мы говорим о том, что образование сегодня является важным фактором обеспечения стабильности любого общества, актуальной задачей, страна переходит на новый этап дальнейшего совершенствования образования, дистанционное образование развивается как более совершенная, эффективная форма обучения. Предполагается, что будет поставлен ряд задач, расширится глобальный охват дистанционным образованием, что еще больше ускорит развитие нашей страны.

Ключевые слова: дистанционное обучение, интерактив, репетитор, информационные технологии, интернет, метод, ресурс, веб-сайт, электронный учебник, телекоммуникации.

Ушбу мақолада ҳозирги кунда таълим ҳар қандай жамиятни барқарорлигини таъминловчи муҳим омил, долзарб вазифа бўлиб бораётганлиги, мамлакатимизда таълим-тарбияни янада такомиллаштиришининг янги босқичга кўтарилаётганлиги, таълим тизимида масофавий таълим янада мукамал, самарали таълим шакли сифатида ривожланиб бораётганлиги, унга илмий методик ёндошувлар талаб қилинаётганлиги билан боғлиқ қатор вазифалар белгиланаётганлиги, масофавий таълимни жаҳон миқёсида қамровининг кенгайиб бораётганлиги, мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтиришга хизмат қилиши назарда тутилган.

Таянч нушунчалар: масофавий таълим, интерфаол, тьютор, ахборот технологиялари, интернет, метод, ресурс, web сайт, электрон дарслик, телекоммуникация.

XXI асрда жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” долзарб вазифа сифатида белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони таълим-тарбия тизимида буюк тарихий ўзгаришларни амалга оширадиган тамал тоши сифатида эътироф этилмоқда. Интеллектуал ва маънавий салоҳиятли юсак янги авлод кадрларни тайёрлаш, рақобатбардош таълим тизимини яратиш, таълим -тарбия муассасалари вакилларининг жамиятимиздаги ўрни ва мақомини ошириш таълим жараёнига замонавий ахборот коммуникацион технологияларини қўллаш, масофавий таълим технологияларини янада ривожлантириш, илм-фанни иқтисодиётнинг асосий драйверига айлантириш, таълим тизимида юкори самарали халқаро амалиётни жорий этиш вазибалари юклатилмоқда. Бу узлуксиз таълим тизимида ва бутун ҳаёт давомида ҳар бир шахснинг ижодий ва танқидий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация ва масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтирди.

Масофавий таълим технологиялари - бу таълим олувчи ва педагог ходимнинг тўлиқ ёки қисман масофадан ўзаро фаолиятида асосан ахборот ва телекоммуникация технологияларини қўллаб амалга ошириладиган таълим технологиялари тушунилади. Масофавий таълим технологияларини қўллашда таълим олувчи машғулотда қатнашмайди, лекин топшириқларни бажаради ва тьютор билан электрон почта орқали мулоқот қилади ёки тьютор таълим олувчиларга дарсдан ташқари вақтда блог ёки сайт орқали консультация беради[1].

“Масофавий ” атамасини энг биринчи бўлиб, Висконсин штати Университети томонидан 1892 йилдан бошлаб сиртқи (корреспондентлик) курсларда қўлланилган. Масофавий деб масофадан туриб ташкил қилинган таълим тушуниланган. Унга “корреспондентлик ўқитиш”, “уйда ўқиш” ва бошқалар синоним ҳисобланган.

Масофавий ўқитиш жараёнини амалга оширишда интерфаолликни таъминлаш мақсадида асосан ахборот-коммуникация технологиялари воситалари, интернет технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ўқитишнинг барча компонентлар; мақсад, мазмун, метод, шакл, воситаларини амалда қўллаш назарда тутилади.

Жаҳонда интерактив таълимнинг кўплаб базалари вужудга келаяпти, жумладан, Британия очик Университетига қарашли умумтаълим Умумжаҳон марказининг маълумотлар базасини мисол қилиб келтириш мумкин. Дистант услубида ўқитишнинг Ҳалқаро Кенгаши фаолият кўрсатаяпти, "D-learning" - масофавий таълим олаётган тингловчиларнинг сони кун сайин ортиб бораёпти[2].

Масофадан туриб ўқитиш услубининг тафсилоти, унинг таълимдаги ижодийлик, мустақил ўрганиш имконияти, илм олиш учун вақтни тақсимлашдаги эркинлик каби кўплаб афзалликлари мамлакатимиздаги йирик олимларнинг педагогик изланишларида акс эттирилган, рисоаларида кенг ёритилганини эътироф этиш зарур.

Шуниси қувонарлики, мамлакатимизда зиёлиларнинг, жумладан, педагогларнинг, янги авлод тарбиясига эътиборли барча кишиларнинг, айниқса, тингловчи ёшларнинг замонавий компьютер ва телекоммуникация технологиялари воситасидаги интерактив таълимга, хусусан, on-line таълимигаинтирилишлари ортиб бормоқда.

Масофавий ўқитиш моделлар ҳақида гап кетганда, аксарият мутахассислар моделларни бевосита ўқитишда қўлланиладиган технологик, педагогик ва ташкилий компонентларга боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди. Масофавий таълимнинг асосий компонентларини шартли равишда иккита тоифага бўлиш мумкин:

- интерфаол (электрон дарсликлар, ўргатувчи дастурлар, маълумотлар, билимлар базаси, web-сайтлар, аудио, видео воситалар ва бошқалар);

- ноинтерфаол (босма материаллар, аудио, видео файллар ва бошқалар).

Масофавий ўқитишда қўлланиладиган услубларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тьютор иштирокисиз ўқитиш методикаси ёки мустақил ўқиш (ўқитишда тьютор фаолиятини минималлаштириш ёки ўқув ресурсларидан фойдаланиб ўқитиш методикаси);
- индивидуаллаштирилган ўқитиш ва ўқиш методикаси (якка таълим усулида ўқитиш: тьютор-таълим оловчи ёки таълим оловчи-таълим оловчи);
- тьютор ёки эксперт ёрдамидан фойдаланиб ўқитиш методикаси (ўқитишда асосий вазифани ўқув материалларини етказиб берувчи ахборот технологиялари орқали бажарилади);
- ўқув жараёнида иштирок этувчиларнинг фаол ҳамкорлигига асосланган ўқитиш методикаси (ҳамкорликда ўқитиш: тьютор-таълим оловчилар ва таълим оловчилар-таълим оловчилар).

Масофавий ўқитиш асосланадиган технологиялар турли босқичлардан ўтиб келмоқда, жумладан, телефон, факс, оддий почта, телевидение ва бошқалардан фойдаланилади. Ҳозирги кунда масофавий таълим модели интернет-технологияларга асосланадидеярли барча муаллифлар масофавий ўқитишнинг қуйидаги асосий хусусиятлари мослашувчанлик, модуллилик, қулайлик, иқтисодий самарадорлик, алоқанинг тезкорлиги, қамровнинг кенглиги, технологиклик, ижтимоий тенглик, тьюторнинг янги роли, сифатнинг ўзига хос назорати ҳақида ўз фикрларини билдириб келмоқда.

Масофавий таълимнинг афзалликлари ҳақида фикр юритилганида, албатта, масофавий ўқитишнинг анъанавий ўқитишга нисбатан ташкилий-педагогик, мазмун, технологик, молиявий ҳамда таълимни индивидуаллаштириш ва дифференцияллаштириш томонларидан бир қатор афзалликлари, устунликлари мавжуд ҳисобланади:

- масофавий ўқитиш очиқ ҳисобланади, ҳамма хоҳлаганларга таълим олиш имкониятларини беради;
- масофавий ўқитиш турли хил даражадаги ўқув дастурларидан фойдаланиш имконини беради;
- масофавий ўқитиш таълим оловчининг билим олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга, уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади;
- масофавий ўқитиш таълим оловчига яшаш жойини ўзгартирмасдан, ишдан ажралмаган ҳолда ўқиш имкониятини яратади;
- масофавий ўқитиш кадрларни тайёрлашдаги устунлиги, тьюторнинг касбий маҳорати даражасини оширишга имконият яратади, ходимларнинг етишмаслигини компенсация қилиш ва ўқув курсининг даврли такрорланишини қисқартириш имконини беради;
- масофавий ўқитиш маҳаллий ва хорижий электрон таълим ресурсларидан кенг фойдаланиш имкониятини яратади
- таълим оловчининг қандай ёшда бўлишига қарамасдан, турли хил таълимга оид манбаалардан чексиз фойдаланиш имконияти яратилади;
- таълим муассасаларида шакллантирилган ноёб ўқув дастурларини бирлаштириш имкониятини беради;
- таълим сифати ва жамиятнинг таълим олиш даражасини ошириш имконини яратади;
- аҳолининг ижтимоий ва касбий мослашувчанлиги, унинг тадбиркорлик ва ижтимоий фаоллиги бўйича онгини ва мустақил фикрлаш қобилиятини оширишга ёрдам беради.

Масофавий таълимнинг келажаги ҳақида фикр юритилганда, ўқитишнинг масофавий шакли жаҳонда кундан-кунга кенгайиб бормоқда, XXI аср охирига бориб, масофавий ўқитиш бутун дунёни қамраб олиши кутилмоқда. Шунингдек, кўпчилик олимлар томонидан масофавий ўқитиш учинчи минг йилликда истиқболли таълим тизими бўлиши мумкинлиги таъкидланган[3].

Масофавий таълимга илмий-методик ёндашувлар ҳақида фикр юритилганда, масофавий ўқитиш жараёнини амалга оширишда таълим оловчиларнинг билим ва қўникмаларини ривожлантириш мақсадида синергетик, фаолиятли-компетентли, амалиётга

йўналтирилганлик, эвристик, кластерли, акмеологик, футуралли каби ёндашувларга асосланиш мумкин ва бу ўз навбатида ўқув фаолиятини тизимлаштиришга ва самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Синергетик ёндашув — узлуксиз ҳамкорлик ўрнатиш, бир-бирига кўмаклашиш ва ёрдам бериш, ўқув материалларидан биргаликда фойдаланишни билдиради.

Фаолиятли-компетентли ёндашув — масофавий ўқитиш курсларида тьюторларнинг таълим олувчиларга назарий билимларни бериш, амалий машғулотларни тушунтириш, ўзлаштириш назоратини олиб бориш ва бошқа ишларни юқори компетентликда бажаришни билдиради[4].

Амалиётга йўналтирилган ёндашув — масофавий ўқитиш жараёнини амалиёт билан боғлаб олиб бориш, дарслар мавзуси бўйича ҳаётий мисоллар, фактлардан кенг фойдаланиш, таълим олувчиларнинг ўрганаётган билимларини турли ҳаётий вазиятларда амалда қўллаш оладиган бўлишларини таъминлаб боришга хизмат қиладиган ёндашув ҳисобланади.

Эвристик ёндашув — бу масофавий ўқитиш жараёнида жуда самарали ёндашувлардан бири бўлиб, йўналтирувчи саволлар бериш йўли билан ўқитиш тизими, топқирлик, фаолликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Кластерли ёндашув — туркумларга ва боғлиқликларга ажратган ҳолда турли воқеа, ҳодиса, жараёнларни ва уларнинг таркибига тегишли атамалар билан боғлиқ тушунчалар тизимлари, гуруҳларини мантикий боғлиқликда ўрганади.

Акмеологик ёндашув — таълим олувчи истикболдаги мақсадларни белгилашлари ва бу мақсадларга бирмунча тезроқ, самаралироқ ва ҳаёт йўлида ўзларини нималар кутаётганини билган ҳолда эришишлари имкониятини яратишга хизмат қилади.

Футуралли ёндашув — бу келажакка йўналтирилган ёндашув бўлиб уларни қўллаш таълим олувчининг ўз-ўзини баҳолашини оширади, уни энг такомиллашган янги ўқитиш усулларини яратишга ундайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, масофавий таълимда таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш, зарурий хулосалар чиқариш, ўз фикрини эркин баён қилиш, уни асосланган ҳолда ҳимоя қила билиш, фаол мулоқот, мунозара, баҳс олиб бориш кўникмалари ривожланиб бориб юксак салоҳиятли мутахассис кадрлар тайёрлаш имкониятини янада оширади. Бугунги ахборот асри ва пандемия даврида Республикаимизнинг қонун ҳужжатларида таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилиб уни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Айниқса, масофавий таълимга ҳам алоҳида таълим шакли сифатида қаралиб, барчаолий таълим муассасалари томонидан ўзларининг веб саҳифаларида "Масофавий таълим курслари" ташкил қилиниб, уни янада такомиллаштириб боришмоқда.

Адабиётлар

- [1]. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. — Тошкент: Фан, 2009.
- [2]. Асқаров А.Д., Масофавий ўқитиш таълим шаклининг ривожланиш босқичлари ва моделлари // Замоновий таълим 2015.
- [3]. Вайндорф-Сысоева, М.Е. Методика дистанционного обучения: учеб. пособие для вузов // М.Е. Вайндорф-Сысоева, Т.С. Грязнова, В.А. Шитова; под общ. Ред. М.Е. Вайндорф-Сысоевой. — М.: Издательство Юрайт, 2018.
- [4]. Ибраймов А. Effectiveness of Teachers Professional Development through Distance Learning Courses // Eastern European Scientific Journal. — Германия. 2015.
- [5]. Farhodjonova N. F., Abdurahimov V. A. Modern technologies of students training in higher education // наука и техника. мировые исследования. — 2020. — с. 5-7.
- [6]. Abdulhadiyev X. A., Egamberdiyeva D. S., Tuxliboyevich J. R. H. Innovative approach to improving the effectiveness of higher education // Journal of Critical Reviews. — 2020. — Т. 7. — №. 7. — С. 1074-1076.
- [7]. Hakimov A. Problem of gender in the philosophy // theoretical & applied science. — 2019. — №. 11. — с. 641-643.

КЕЧИКИШЛИ БОШҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ КИРИШ
ВА ЧИҚИШ СИГНАЛЛАРИ АСОСИДА ИДЕНТИФИКАЦИЯЛОВЧИ
ТУРҒУН АЛГОРИТМЛАР

Қодиров Д.Т.¹, Қодирова Ф.М.²

¹Наманган муҳандислик технология институти,

²Наманган муҳандислик қурилиш институти

(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)

Algorithms for identification and adaptive estimation of control objects with delay are given. These algorithms make it possible to stably identify the delay control objects from the input and output signals.

Key words: Predictor, contour, algorithm, filtering, memory, matrix

Приводятся алгоритмы идентификации и адаптивной оценки объектов управления с запаздыванием. Эти алгоритмы позволяют стабильно идентифицировать объекты управления задержкой по входным и выходным сигналам.

Ключевые слова: Предиктор, контур, алгоритм, фильтрация, память, матрица.

Кечикишли бошқариш объектларини идентификациялаш ва адаптив баҳолаш алгоритмлари келтирилган. Ушбу алгоритмлар кечикишли бошқариш объектларини кириш ва чиқиш сигналлари орқали турғун идентификациялаш имконини беради.

Таянч сўзлар: Предиктор, контур, алгоритм, филтрлаш, хотира, матрица

Сигналлари кечикадиган хусусиятли бошқариш системалари тадқиқотчилар диққатини ўзига тортиб келади. Бунинг бир нечта сабаблари бор:

- бундай хусусият кўпгина ишлаб чиқариш жараёнларига хос;
- кечкиш объектнинг динамик хусусиятларига жиддий таъсир қилади;
- кечкиш қатор объектларда яширин кечади, жараённинг тезкорлигига қараганда катта эмас, шунинг учун уни эътибордан четда қолдиришади;
- кечкиш қатор ҳолларда объектнинг принципиал хусусияти бўлиб, объектнинг динамик хусусиятларини таҳлил қилганда ҳисобга олинishi талаб этилади;
- доимий (ўзгармас) кечикишли бўғинлари модель структурасида фазавий координаталар орасидаги боғланишларда ҳам кириш таъсирлари бўйича ҳам бўлиши мумкин; иккала ҳолатда уларнинг қиймати ҳар хил бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда ноаниқлик шароитида объектларни бошқариш муаммоси автоматик бошқариш назарияси ва амалиётининг фундаментал масалаларидан бири ҳисобланади. Бу муаммога бағишланган илмий изланишлар кўп [1 – 6]. Агар объектнинг моделида кириш сигналларининг кечикиш хусусияти бўлса ноаниқлик шароитида бошқариш муаммоси мураккаблашиб кетади. Шунинг учун бошқариш масалаларини ечишда кечикиш вақти ҳисобга олинмаса бошқаришнинг мақсадига эришиб бўлмайди, баъзи ҳолларда эса системанинг турғунлиги умуман йўқолиши ҳам кузатилади.

Маълумки, кечикишли бошқариш системаларини икки турга ажратиш мумкин, бир контурли ва икки контурли. Икки контурли системанинг биринчисида ростиладиган катталиқ кечикиш вақти учун прогноз қилинади, иккинчисида эса мақсад функциясининг бажарилиши таъминланади. Бир контурли системаларда предиктор деб аталган биринчи контур бўлмайди. Икки контурли бошқариш схемасининг афзаллиги шу предиктор деб аталадиган контурнинг мавжудлигадир. Предиктор объектнинг кечикиши йўқ, яъни кечикишсиз моделини ҳосил қилиш имконини беради [4].

Бундай объектларнинг бошқариш системасини ишлаб чиқишда идентификациялашда – кечикишларни, шунингдек яхлит системанинг параметрлари қийматларини баҳолаш масаласи юзага келади. Бундай масалани ечишда кириш ва чиқиш параметрларини ўлчаб олинган маълумотлар бошланғич маълумот вазифасини ўтайди. Доимий кечикиш бўғинлари тўғри чизиқли қонунга бўйсингани билан, уларнинг хос хусусиятлари масала ечимини анча

кийинлаштиради. Динамик филтрлаш усуллари кўллашга асосланган ва вақтга боғлиқ ҳолда идентификациялашнинг маълум ва тажрибада кўрилган усуллари кўрилатган масалага қўллаш учун етарлича аниқ априор маълумотлар бўлиши керак [3,7,5,6]. Шунинг учун системанинг кириш ва чиқишларини ўлчаб, объект ва ўлчов параметрлари робастли аниқланадиган масала амалиётда жуда муҳим масалардан бири ҳисобланади.

Ушбу тадқиқотда кечикишли системаларни параметрик идентификациялаш алгоритми келтирилган. Бунда кириш ва чиқиш сигналларининг вақтга боғлиқ муносабатлари, динамиканинг тескари масалалар концепсиясидан фойдаланиб кўриб чиқилади. Тўғри чизиқли фарқлар тенгламаси билан ифодаланган стохастик объектни кўриб чиқамиз. Идентификациялаш масаласини формаллаштириш вектор-матрицали тенгламалар системасига олиб келади. Бу ўринда модел тенгламалари талаб этадиган техник хотира чуқурлигига қараб кузатиш матрицасини ўзгариш нуқтаи назаридан турли ҳолатлар бўлиши мумкин.

Қуйидаги тўғри чизиқли тенгламалар ифодаланган бошқариш объектини кўриб чиқамиз:

$$x(t+1) = a_0 + \sum_{i=1}^{n_1} a_i x(t+1-i) + \sum_{i=n_1+1}^n a_i x(t+1-\tau_1-i) + \sum_{j=1}^m a_{n+j} u(t+1-\tau-j) + \xi(t), \quad t \geq 0 \quad (1)$$

координаталар x ва бошқарувлар u маълум. Бу ерда τ_1, τ - дискрет соф кечикишлар, бошқарувчи таъсир амплитуда бўйича оддий чекловга эга $u_1 \leq u(t) \leq u_2$, халақит ҳам чекланган: $|\xi(t)| \leq \xi_1, a_i (i = 0, \dots, n+m)$ - объектнинг номаълум, доимий параметрлари.

Қуйидаги (1) ифодага асосланиб ушбу нисбатларни ёзамиз ва улардан кечикишли объектни идентификациялашда фойдаланамиз:

$$\begin{aligned} y(k) &= z(k-1)a(t), \quad k = t, t-1, \dots, t-p+1, \\ z(k) &= (1, x(k), \dots, x(k+1-n_1), x(k-\tau_1-n_1), \dots, x(k+1-\tau_1-n)), \\ &\quad u(k-\tau), \dots, u(k+1-\tau-m)), \\ a^T(t) &= (a_0, a_1, \dots, a_{n+m}) \end{aligned}$$

Юқоридаги ифодаларни матрица кўринишида ифодалаб оламиз:

$$Y(t) = Z(t-1)a(t),$$

$$Y(t) = \begin{pmatrix} y(t) \\ \vdots \\ y(t-p+1) \end{pmatrix}, \quad Z(t-1) = \begin{pmatrix} z(t-1) \\ \vdots \\ z(t-p) \end{pmatrix}, \quad (2)$$

бу ерда $p \geq 1$ - идентификациялаш алгоритмида хотира чуқурлиги.

Қуйидаги ифодаларни киритамиз:

$$x(t) = \begin{pmatrix} x(t) \\ \vdots \\ x(t-p+1) \end{pmatrix},$$

$$e_0(t) = x(t) - Z(t-1)a(t-1)$$

Параметрларнинг орттирмалари вектори $\Delta a(t) = a(t) - a(t-1)$ ни меъзон орқали топилади [6]:

$$\|e_0(t) - Z(t-1)\Delta a(t)\|^2 = \min, \quad \|\Delta a(t)\|^2 = \min,$$

яъни

$$\Delta a(t) = Z^+(t-1)(x(t) - Z(t-1)a(t-1)), \quad (3)$$

бу ерда «+» - матрицани псевдоўзгариш индекси.

Орттирма $\Delta a(t)$ аниқлагандан кейин параметрларнинг ўзини топамиз:

$$a(t) = a(t-1) + \Delta a(t). \quad (4)$$

Адаптив алгоритмлар (2) – (4) да система ишга тушган ондан бошлаб, хотира чукурлиги p , t нинг ўсишига қараб “1” дан бошлаб қандайдир қатъий даражагача ўсиб боради, бу даража берк бошқариш системасининг иш жараёнида эксперимент йўли билан танланади.

Хотира чукурлиги p нинг қийматига боғлиқ $Z(t-1)$ матрица ортиқча аниқланган, етарлича аниқланмаган ва квадратли бўлиши мумкин. Айтилган ҳолатлар учун (2) тенглама ечимларини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\begin{aligned} \Delta a(t) &= (Z^T(t-1)Z(t-1))^+ \cdot Z^T(t-1)(x(t) - Z(t-1)a(t-1)), \\ \Delta a(t) &= Z^T(t-1)(Z(t-1)Z^T(t-1))^+ (x(t) - Z(t-1)a(t-1)), \\ \Delta a(t) &= Z^{-1}(t-1)(x(t) - Z(t-1)a(t-1)). \end{aligned} \quad (5)$$

Псевдотескари матрицани аниқлаш учун умумий ҳолда маълум қоидалардан фойдаланамиз. Ўлчами $m \times n$, ранги r бўлган ҳар қандай A тартибли матрицани қуйидаги кўпайтма шаклида ёзиш мумкин [8]:

$$A = B \cdot C \quad (6)$$

$B_{(m \times r)}$ ва $C_{(r \times n)}$ ранга $r \leq m \wedge n$ ҳақиқатда ҳам B ва A матрицанинг r мустақил устунларидан тузилган матрица десак, бунинг тескараси яъни A матрицанинг ҳамма устунларини B матрицанинг устунлари орқали тасаввур қилиш мумкин. (6) формула ҳам шуни A матрицанинг “скелети” ёйилмасини кўрсатиб турипти. Ифода (5) ни қуйидагича мунтазамлаш мақсадга мувофиқ:

$$\begin{aligned} \Delta a(t) &= (Z^T(t-1)Z(t-1) + aI)^{-1} \cdot Z^T(t-1)(x(t) - Z(t-1)a(t-1)), \\ \Delta a(t) &= Z^T(t-1)(Z(t-1)Z^T(t-1) + aI)^{-1} (x(t) - Z(t-1)a(t-1)), \\ \Delta a(t) &= Z^{-1}(t-1)(x(t) - Z(t-1)a(t-1)). \end{aligned}$$

Мунтазамлаш параметри $a > 0$ ни квазиоптималлаш ёки квазимуносабатлар [9] орқали аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Псевдотескари матрицани топиш учун ҳам матрицани блоklarга бўлиб ташлаш усулидан фойдаланиш мумкин [8]. Тўртбурчакли матрица F ни тасаввур қиламиз:

$$F = \begin{bmatrix} J & P \\ \Phi & \Theta \end{bmatrix},$$

бу ерда J бузилмаган квадрат матрица ($|J| \neq 0$). Шунда $\Theta = \Phi J^{-1}P$ тенгламаси ўринли ва шунинг учун:

$$F = \begin{pmatrix} J \\ \Phi \end{pmatrix} J^{-1} (JP).$$

бўлади.

Бу формула иккита кетма-кет “скелет” ёйилманинг натижаси бўлгани учун қуйидаги кўринишга келади:

$$F = \begin{pmatrix} J \\ P \end{pmatrix} \begin{pmatrix} E & J^{-1}P \end{pmatrix} \begin{pmatrix} E & J^{-1}P \end{pmatrix} = J^{-1}(JP),$$

Бу формулани қуйидагича кўринишда ҳам ифодалаш мумкин:

$$F^+ = (JP)^+ (J^{-1})^+ \left(\frac{J}{\Phi} \right)^+ = (JP)^+ J \left(\frac{J}{\Phi} \right)^+.$$

Шундай кейин ушбу натижани олиш мумкин бўлади:

$$F^+ = \left(\frac{J^T}{P^T} \right) (JJ^T + PP^T)^{-1} J (J^T J + \Phi^T \Phi)^{-1} (J^T \Phi^T) \quad (7)$$

Тадқиқот объекти ва усуллари. Лаборатория шароитида тажрибалар электр мотор ёрдамида бошқариладиган винтли аралаштиргич билан жиҳозланган трубали шиша реактордан ташкил топган лаборатория қурилмасида ўтказилди. Лаборатория ишларини олиб бориш учун Марказий Қизилқумнинг ювиб куйдирилган фосфоконцентрати (ЮКФК) (таркиби: P_2O_5 – 25,71%; CaO – 55,68%; CO_2 – 2,83%; MgO – 1,19%; R_2O_3 – 3,79%; SO_3 – 5,01%)ни 31,4 % ли хлорид кислотанинг тўлиқсиз меъёрлари билан 1-2 соат давомида қайта ишланди. Хлорид кислота миқдорини ҳисоблашда фосфорит намуналари таркибидаги фосфат, эркин кальций оксиди ва кальцит минералларини парчалаб, монокальцийфосфат ва кальций хлорид тузлари ҳосил бўлиши асос қилиб олинди. Кислота меъёри стехиометрияга нисбатан 45, 55, 65 ва 75% олинди. Ҳарорат кислота меъёрига қараб 65-85 °C ни ташкил этди. Олинган хлорфосфоркислотали бўтқани таркибидаги кальций хлоридни филтрлаб олишда фосфор оксидини йўқотилиши олдини олиш мақсадида аммиак газини водород кўрсаткичи $pH=5,0-5,5$ бўлгунга қадар нейтралланди. Нейтралланган хлорфосфоркислотали бўтқага, кальций хлоридни ажратиб олиш учун 1:1 нисбатда сув қўшиб филтрланди. Биринчи филтрлаш жараёнида ҳосил бўлган филтрат хлорат асосли дефолиантлар олиш учун ҳам ашё сифатида қўлланилади. Олинган фосфоконцентрат таркибидаги кальций хлоридни янада тоза ювиш учун сув билан 1:1 нисбатда репульпация қилинди ва филтрланди (бу иккинчи филтрлаш). Иккинчи филтрлаш жараёнида ҳосил бўлган филтрат янги ҳосил бўлган хлорфосфоркислотали бўтқани кальций хлоридини биринчи марта филтрлаш учун қўлланилади. Иккинчи марта филтрлангандан сўнг фосфоконцентрат қурилди. Ўтказилган лаборатория ишлари натижасида олинган хлорфосфоркислотали бўтқа, 1- ва 2-филтрлашдан сўнг олинган нам ва қурилган фосфоконцентратлар таркиби кимёвий таҳлил қилинди.

Олинган барча маҳсулотлар таркибидаги барча турдаги (умумий, ўзлашувчан ва сувда эрийдиган) P_2O_5 КФК-3 фотоколориметрда $\lambda=440$ нм тўлқин узунлигида сариқ фосфорванадиймолибден комплексида фотометрик усул билан аниқланди [3]. Азот миқдори – аммиакни Кьельдал усулида ҳайдаш ва хлорамин усули билан аниқланди [4]. Кальцийнинг барча шакллари флоурексон ёки хром-тўқ кўки иштирокида Трилон –Б билан титрлаш орқали комплексонометрик усулларда аниқланди [5].

Хлор эса – Мор усулида аниқланди [6]. Хлорфосфоркислотали бўтқани сув билан суялтириб филтрлаш жараёни KSL-252 маркали вакуум насосида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Термоконцентратни хлорид кислота билан парчалаб олинган хлорфосфоркислотали бўтқани 2 марта филтрлаб олинган фосфоконцентратга аммоний нитрат таъсир эттириб таркибида озунка моддалари турли нисбатларда бўлган мураккаб азот-фосфорли (NP-) ўғитлар олиш хлорид кислотанинг турли хил меъёрларида ўрганилди. Мураккаб NP-ўғитлар олиш жараёнини тадқиқ қилиш учун лаборатория шароитида термоконцентрат, 31,4%ли хлорид кислота ва аммоний нитрат

(нитрат кислотани аммиак гази билан нейтраллаб олинган 64,16%ли ёки ИТН қурилмасидан чикувчи 89-92%ли аммоний нитрат эритмаси) дан фойдаланилди.

Термоконцентратни хлорид кислота билан ўзаро таъсири 20-30 °С ҳароратда шиша реакторда 15-20 дақиқа давомида жадал аралаштириш билан амалга оширилди. Кислота стехиометрик меъёрига боғлиқ равишда тармоконцентратни парчалаш учун хлорид кислота 4-7 дақиқада тўлиқ берилди. Бироқ, жараённинг умумий давомийлиги 1-2 соатни ташкил этади. Кислота меъёри стехиометрияга нисбатан 45-75% қилиб олинди. Кислота меъёрини ҳисоблашда термоконцентратдаги фосфат ва кальцит (шу жумладан эркин СаО) минералларини монокальцийфосфат ва кальций хлорид ҳосил бўлиши учун ҳисобланди. Ювиб куйдирилган фосфоконцентратни кислота билан ўзаро таъсири “қаттиқ фаза режим”да кўпикланишларсиз содир бўлди. Термоконцентрат парчаланиши натижасида кислота меъёрига боғлиқ равишда ҳарорат 65-85 °С гача кўтарилади. Термоконцентратни хлорид кислотали парчаланишида ҳосил бўлган хлорфосфоркислотали бўтқани филтрлаш жараёнларида озунка моддаси ҳисобланган фосфорнинг йўқотилиши олдини олиш учун рН кўрсаткичи 5-5,5 га қадар аммиак гази билан нейтралланди. Нейтралланган хлорфосфоркислотали бўтқанинг кимёвий таркибини кислота меъёрига боғлиқлиги кимёвий таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

МҚ термоконцентратини хлорид кислотада қайта ишлаб, олинган бўтқа кимёвий таркибини кислота меъёрига боғлиқлиги, %

Кислоты таркибинин кислотасы менен аныкталган, %									
Кислота меъери	N	P ₂ O ₅			CaO			H ₂ O	Cl
		ум.	ўзл.	сувда эр..	ум.	ўзл.	сувда эр..		
Бўтқа таркиби									
45	0,28	14,33	6,67	-	31,04	16,96	11,42	35,23	14,48
55	0,40	13,01	7,50	-	28,17	18,72	12,67	38,07	16,07
65	0,55	11,94	8,08	1,07	25,79	19,82	14,17	41,2	17,43
75	0,62	10,75	8,26	1,29	23,29	20,99	15,31	43,83	18,77

Кимёвий таҳлиллар кўрсатдики, кислота меъёри 45 дан 75% гача ортиб бориши билан термоконцентратнинг парчаланиш даражаси 46,54 дан 76,83%гача ортади. Кислота меъёри 45% бўлганда бўтқа таркибидаги намлик миқдори 35,23%, хлор ионлари миқдори 14,48%ни ташкил этади. Кислота меъёри 55дан 75%гача ортиб бориши билан намлик миқдори 1,08 дан 1,25 гача, хлор ионлари миқдори 1,11 дан 1,30 мартагача ортади. Кислота меъёрининг ортиши ҳосил бўладиган бўтқанинг оқувчанлигига ижобий таъсир этади.

Термоцентратнинг хлорид кислотали парчаланиш маҳсулотлари (бўтқанинг) асосий таркиби (моно- ва ди-) кальций фосфатлар, кальций хлорид ва сувдан иборат бўлиб, кислота меъёри ортиб бориши билан бўтқа таркибидаги кальций хлор ва сувнинг миқдори кескин ортади.

Хлорфосфоркислотали бўтқа хлорат тутган дефолиантлар, мураккаб NP- ва NPK-ўғитларини олиш учун асосий оралиқ маҳсулот ҳисобланади. Мураккаб NP-ўғитлар олиш учун хлорфосфоркислотали бўтқа лаборатория шароитида 2 марта сув:бўтқа=1:1 нисбатда филтрланди. 1-филтрлаш жараёнида ҳосил бўлган филтрат (кальций хлорид эритмаси) дефолиант олиш учун хомашё сифатида ишлатилди. Нам қолдиқ эса сув билан 1:1 нисбатда репульпация қилиниб, 2-марта филтрланди. 2-филтрлаш жараёнида ҳосил бўлган филтрат янги ҳосил бўлаётган хлорфосфоркислотали бўтқани филтрлаш учун сарфланади. 2-филтрлаш жараёнида ҳосил бўлган нам қолдиқ (фосфоконцентрат) эса мураккаб NP- ва NPK-ўғитлар олиш учун сарфланди. Хлорфосфоркислотали бўтқани 1- ва 2-филтрлашда ҳосил бўлган нам қолдиқлар ва уларни қуриштишда ҳосил бўлган оралиқ маҳсулотлар кимёвий таҳлил қилинди (2-жадвал).

Кислота меъёри 45% бўлганда олинган хлорфосфоркислотали бўтқани 1-филтрлашдан сўнг унинг таркибидаги умумий фосфор ва кальцийнинг миқдорлари мос равишда 23,10 ва 34,11% ни ташкил этади. Ўзлашувчан шаклдаги фосфор ва кальций эса мос равишда 10,76 ва 11,41%ни ташкил этади.

2-жадвал

Хлорфосфоркислотали бўтқанинг филтрлашда ҳосил бўлган маҳсулотлар кимёвий таркиби, %

Кислота меъёри	N	P ₂ O ₅			CaO			H ₂ O	Cl
		общ.	усв.	водн.	общ.	усв.	водн.		
1-филтрлашдан сўнг									
45	0,45	23,10	10,76	-	34,11	11,41	2,49	27,26	3,15
55	0,73	24,01	13,68	-	31,06	13,63	2,46	27,17	3,12
65	1,18	25,62	17,34	2,31	28,47	15,66	3,53	27,08	3,33
75	1,56	27,07	20,80	3,25	24,11	18,35	4,05	27,00	3,51
2-филтрлашдан сўнг									
45	0,47	24,30	11,31	-	33,39	9,51	0,12	27,01	0,15
55	0,78	25,26	14,56	-	30,22	11,88	0,12	26,86	0,16
65	1,25	27,10	18,35	2,41	27,53	13,97	1,15	26,46	0,24
75	1,66	28,80	22,13	3,45	22,97	16,83	1,61	25,99	0,32
Қуритилган фосфоконцентрат									
45	0,65	33,07	15,40	-	45,43	12,94	0,16	0,68	0,20
55	1,04	34,31	19,78	-	41,04	16,13	0,16	0,67	0,21
65	1,67	36,36	24,61	3,27	36,93	18,75	1,54	1,34	0,32
75	2,2	38,14	29,30	4,57	30,43	22,29	2,13	1,98	0,42

Шунингдек сувда эрувчан шаклдаги кальций ва хлор ионларининг миқдорлари хлорфосфоркислотали бўтқадагига нисбатан кескин камайиб мос равишда 2,49 ва 3,15% миқдорни ташкил этади. Кислота меъёри 55 дан 75% гача ортиб бориши билан ўзлашувчан шаклдаги фосфор ва кальций миқдорлари мос равишда 13,68 ÷ 20,80 ва 13,63 ÷ 18,35%гача ўзгаради. Умумий кальций миқдори 1,10 дан 1,41 мартагача камаяди. Бундан кўринадики кислота меъёри ортиб бориши билан термоқонцентрат таркибида кальций хлорнинг ҳосил бўлиши ортади ва филтралаш жараёнида филтрат билан чиқиб кетиши орқали олинаётган фофоқонцентрат таркиби фосфорга нисбатан бой бўлади.

2-филтрлашдан сўнг нам колдиқ (фосфоқонцентрат) таркибидаги хлор ионлари 1-филтрлашга нисбатан мос стехиометрик меъёрларда 10,97 дан 21,00 мартагача камаяди. Сувнинг миқдори кислота меъёрига қараб 25,99÷27,01%ни ташкил этади.

Филтрлаш жараёнларидан сўнг фосфоқонцентрат қуритилди. Кислота меъёри 75% бўлганда қуритилган фосфоқонцентрат таркибида умумий фосфор 38,14%ни, унинг 76,82% қисми ўзлашувчан шаклда, умумий кальций 30,43%ни, унинг 73,25%ини эса ўзлашувчан шакли ташкил этади. Қуритилган фосфоқонцентрат таркибидаги намлик миқдори кислота меъёри ортиб бориш тартибида 0,68 дан 1,98% гача ўзгаради.

Олинган нам ёки қуритилган фосфоқонцентрат NP-ўғитларини олиш учун асосий яримтайёр маҳсулот ҳисобланади. Озуқа моддалари турли нисбатларда (N:P₂O₅=1:0,5 дан 1:2 гача) бўлган NP-ўғитларини олиш учун фосфоқонцентратга зарур миқдорда аммоний нитрат эритмаси (ёки аммиакли селитра) таъсир этирилди. Олинган мураккаб NP-ўғитларини кимёвий таҳлил қилинди (3-жадвал).

**Фосфоконцентрат ва аммоний нитрат асосида олинган мураккаб NP-ўғитлар
кимёвий таркиби, %**

N:P ₂ O ₅	N			P ₂ O ₅			CaO			H ₂ O
	общ.	амм.	нитр.	общ.	усв.	водн.	общ.	усв.	водн.	
кислота стехиометрик меъёри 45% бўлганда										
1:2	12,6	7,04	5,56	22,25	11,12	-	30,37	8,88	0,11	0,45
1:1	16,88	9,49	8,38	16,76	8,55	-	22,09	6,82	0,08	0,33
1:0,7	20,69	10,81	9,88	13,84	7,19	-	17,90	5,74	0,06	0,27
1:0,5	23,20	11,98	11,23	11,23	5,95	-	14,29	4,74	0,05	0,21
кислота стехиометрик меъёри 55% бўлганда										
1:2	11,64	6,17	5,46	23,28	13,97	-	27,84	11,12	0,11	0,45
1:1	17,34	8,93	8,4	17,34	10,57	-	20,74	8,43	0,08	0,34
1:0,7	20,33	10,38	9,94	14,23	8,82	-	17,02	7,03	0,07	0,28
1:0,5	22,97	11,66	11,31	11,48	7,23	-	13,74	5,76	0,05	0,22
кислота стехиометрик меъёри 65% бўлганда										
1:2	12,24	6,681	5,55	24,48	17,13	2,32	24,86	14,60	1,09	0,9
1:1	18	9,412	8,58	18	12,78	1,71	18,28	10,88	0,80	0,66
1:0,7	20,96	10,82	10,14	14,67	10,56	1,39	14,9	7,88	0,65	0,54
1:0,5	23,54	12,04	11,5	11,77	8,59	1,12	11,95	6,41	0,52	0,43
кислота стехиометрик меъёри 75% бўлганда										
1:2	12,75	7,11	5,63	25,49	20,39	3,18	20,34	17,56	1,47	1,32
1:1	18,54	9,8	8,73	18,54	15,02	2,32	14,79	12,91	1,07	0,96
1:0,7	21,47	11,17	10,3	15,03	12,32	1,88	11,99	9,11	0,87	0,78
1:0,5	24,00	12,34	11,65	12,01	9,96	1,50	9,573	7,36	0,69	0,62

Тажириба натижалари кўрсатдики, кислота меъёри 45% ҳамда азот ва фосфорнинг нисбати N:P₂O₅=1:0,5 бўлганда мураккаб NP-ўғитнинг таркибида N_{умум.} – 23,20%, P₂O_{5умум.} – 11,23%, P₂O_{5ўзл.} – 5,95%, CaO_{умум.} – 14,29% ва CaO_{ўзл.} – 4,74%ни ташкил қилади. Ўғит таркибидаги азот ва фосфорнинг нисбати N:P₂O₅=1:0,7 дан 1:2 гача ўзгарганда P₂O_{5умум.} – 1,23 дан 1,98 мартагача, CaO_{умум.} – 1,25 дан 2,12 мартагача ортади. Шунингдек ўғит таркибида аммоний нитратнинг (1:2 дан 1:0,5 гача) ортиши унинг таркибидаги нитрат шаклидаги азот миқдорини тақрибан 2 мартагача оширади.

Бу қонуниятлар хлорид кислотанинг бошқа стехиометрик меъёрларида ҳам такрорланади. Кислота меъёри ортиб бориши билан азот ва фосфорнинг бир хил нисбатларида уларнинг таркибидаги озуқа моддаларининг йиғиндиси ортиб боради. Масалан, кислота меъёри 45% ва азот ва фосфорнинг нисбати N:P₂O₅=1:1 бўлганда озуқа моддаларининг йиғиндиси (ΣN+P₂O₅+CaO_{ўзл.}) 42,46%ни ташкил этади. Кислота меъёри 75% бўлганда озуқа моддаларининг йиғиндиси 50,59%ни ташкил этади.

Хлорид кислота меъёри ва N:P₂O₅ нисбатининг ўзгаришига фосфор ва кальцийнинг ўсимлик ўзлаштирадиган шакллариининг боғлиқлиги 3-жадвалда кўрсатилган.

Ўғит таркибидаги азот ва фосфорнинг нисбатлари N:P 1–1:0,5; 2–1:0,7; 3–1:1 ва 4–1:2 бўлганда. 3-жадвалдан кўринадики хлорид кислота меъёри ортиб бориши билан фосфор ва кальцийнинг ўсимлик ўзлаштирадиган шакли ортиб боради. Бир хил меъёрларда олинган ўғитлардаги азот ва фосфорнинг нисбати N:P₂O₅ = 1:2 дан 1:0,5 гача ўзгариши, яъни ўғит таркибидаги аммоний нитратнинг ортиб бориши билан фосфоконцентратни парчаланиш

даражаси ортишини кузатиш мумкин. Буни ўғитлар таркибидаги умумий фосфорга нисбатан ўсимлик ўзлаштирадиган шаклининг ортиб бориши билан изохлаш мумкин.

**Термоконцентратни хлорид кислотали парчалаш маҳсулоти ва карбамид асосида
NP-ўғитлар олиш жараёнини тадқиқ қилиш**

Мураккаб NP-ўғитлар ассортименти кўпайтириш учун хлорид кислота ва термоконцентрат асосида олинган фосфоконцентратга карбамид (ёки карбамиднинг 70-72 %ли эритмаси) таъсир эттирилди.

Кислота стехиометрик меъёри 45%, азот ва фосфорнинг нисбати $N:P_2O_5=1:2$ бўлганда NP-ўғит таркибида $N_{умум.} - 12,64\%$, $P_2O_{5умум.} - 24,33\%$, $P_2O_{5ўзл.} - 11,68\%$, $CaO_{умум.} - 33,42\%$ ва $CaO_{ўзл.} - 9,33\%$ ни ҳамда озуқа моддаларининг йиғиндиси $\sum NPCa_{ўзл.}=46,30\%$ ни ташкил қилади (4-жадвал).

Кислота меъёри 45%ни ташкил этганда, ўғит таркибидаги карбамид миқдорининг ортиб бориши билан яъни, азот ва фосфорнинг нисбати ($N:P_2O_5$) 1:2 дан 1:0,5 гача ўзгарганда фосфоконцентратнинг парчаланиш даражаси 48,00 дан 50,95% гача ортиб боради. Кислота меъёри 55 дан 75%га ортганда ($N:P_2O_5$ нисбати 1:2 бўлганда) ўсимлик ўзлаштирадиган фосфор ва кальций миқдорлари мос равишда 14,74 дан 21,77% гача ва 11,75 дан 18,15% гача ортади. Термоконцентратни парчаланиш даражаси эса 58,00 дан 78,00% гача ортади.

4-жадвал

**Фосфоконцентрат ва карбамид асосида олинган мураккаб NP-ўғитлар
кимёвий таркиби, %**

N:P ₂ O ₅	N			P ₂ O ₅			CaO			H ₂ O	
	общ.	амид.	амм.	общ.	усв.	водн.	общ.	усв.	водн.		
кислота стехиометрик меъёри 45% бўлганда											
1:2	12,64	12,16	0,48	24,33	11,68	-	33,42	9,33	0,12	0,45	
1:1	19,4	19,02	0,38	19,4	9,51	-	26,65	7,59	0,09	0,38	
1:0,7	23,47	23,15	0,32	16,43	8,21	-	22,57	6,56	0,08	0,34	
1:0,5	27,29	27,02	0,27	13,64	6,95	-	18,74	5,55	0,06	0,28	
Кислота стехиометрик меъёри 55% бўлганда											
1:2	12,7	11,93	0,77	25,41	14,74	-	30,39	11,75	0,12	0,50	
1:1	19,91	19,31	0,6	19,91	11,75	-	23,81	9,36	0,09	0,39	
1:0,7	23,99	23,48	0,51	16,79	10,07	-	20,09	8,02	0,08	0,33	
1:0,5	27,79	27,37	0,42	13,9	8,48	-	16,62	6,76	0,07	0,27	
Кислота стехиометрик меъёри 65% бўлганда											
1:2	13,38	12,15	1,23	26,76	18,20	1,26	27,17	15,04	0,68	0,99	
1:1	20,73	19,78	0,95	20,73	14,30	0,97	21,05	11,81	0,52	0,76	
1:0,7	24,82	24,02	0,8	17,37	12,16	0,82	17,64	9,39	0,44	0,64	
1:0,5	28,58	27,92	0,66	14,29	10,15	0,67	14,51	7,84	0,37	0,53	
Кислота стехиометрик меъёри 75% бўлганда											
1:2	13,95	12,34	1,61	27,91	21,77	1,87	22,26	18,15	0,98	1,45	
1:1	21,41	20,18	1,24	21,41	16,91	1,43	17,08	14,10	0,75	1,11	
1:0,7	25,5	24,47	1,03	17,85	14,28	1,20	14,24	10,95	0,63	0,93	
1:0,5	29,22	28,38	0,84	14,61	11,83	0,98	11,66	9,07	0,51	0,76	

Шунингдек, мураккаб NP-ўғитлар таркибидаги умумий фосфор P₂O₅ (а) ва кальций CaO (б) миқдори ўзгаришининг кислота меъёри ва N:P₂O₅ нисбатига боғлиқлигини ўрганилди.

Олинган маълумотлар тасдиқладики, кислота меъёрининг 45 дан 75%гача ортиши фосфоконцентрат таркибидаги умумий фосфор P_2O_5 микдорининг ортишига ва умумий кальций CaO микдорининг эса камайишига олиб келади. Масалан, кислота меъёри 45%, $N:P_2O_5 = 1:2$ бўлганда, умумий фосфор микдори 24,33%, умумий кальций эса 33,42%ни ташкил этади. Худди шу нисбатда кислота меъёри 75% бўлганда эса умумий фосфор 27,91%, умумий кальций микдори эса 22,26%ни ташкил қилади.

Хулоса. Демак, термоконцентратни кислотанинг юқори стехиометрик меъёрларида парчалаш унинг таркибидаги кальций – кальций хлорид шаклида филтрланиш жараёнида чиқиб кетиши натижасида фосфоконцентрат таркибида фосфор микдори ортиб бориши аниқланди.

Адабиётлар

- [1]. Йулбарсова М.В. и др. Получения сложного НРК удобрения на основе местного сырья. «Зелёная химия» - в интересах устойчивого развития, материалы I Республиканской научно-практической конференции (с международным участием), – Самарканд. 2012, с-60.
- [2]. Шамшидинов И.Т. ва б.. Хомашё материаллари ва уларни бойитиш. Дарслик. –Т. “Наврўз”, 2018, -131 б.
- [3]. ГОСТ 20851.2.75. Методы определения содержания фосфора. –М.: Изд. стандартов, 1983.– 22 с.
- [4]. ГОСТ 30181.4-94 Методы определения суммарной массовой доли азота, содержащегося в сложных удобрениях и селитрах в аммонийной и нитратной формах (метод Деварда). //Межгосударственный совет по стандартизации, метрологии и сертификации – Минск: - 1996. –7 с.
- [5]. Винник М.М., Ербакова Л.И., Зайцев Г.И.. Методы анализа фосфатного сырья, фосфорных и комплексных удобрений, кормовых фосфатов / М.: Химия, 1975.– 218 с.
- [6]. Климова В.А. Основные микрометоды анализа органических соединений. – М.: Химия, 1975. – 224 с.

УДК: 661.152.3

МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТИДАН СУПЕРФОСФАТ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Бахриддинов Н. С., Тургунов А.А.

*Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)*

The article shows a decrease in the amount of free acids of simple superphosphate can be achieved through the use of technology for long-term storage of products, as well as mixing technology using screws.

Keywords: superphosphate, sulfuric acid, washed phosphoconcentrate of Central Kyzyl Kum, free acid, acid decomposition, storage, screw mixing, reduction of free acid.

В статье показано снижение количества свободных кислот простого суперфосфата может быть достигнуто за счет использования технологии длительного хранения продуктов, а также технологии смешивания при помощи шнеков.

Ключевые слова: суперфосфат, серная кислота, промытый фосфоконцентрат Центральных Кызылкумов, свободная кислота, кислотное разложение, хранение, шнековое перемешивание, уменьшение свободной кислоты.

Мақолада оддий суперфосфат олиш технологиясида олинган маҳсулотни узоқ муддат сақлаш билан бир қаторда уларни аралаштириб туришининг шнекли технологиясини жорий этиш орқали таркибидаги эркин кислоталар микдорини кескин камайишига эришилиши кўрсатилган.

Таянч сўзлар: суперфосфат, сульфат кислота, Марказий Қизилқумнинг ювиб куйдирилган фосфоконцентрати, эркин кислота, кислотали парчаланиш, сақлаш, шнекли аралаштириш, эркин кислотанинг камайиши.

Ҳозирги замоннинг техника ривожланган, аҳолининг жадал ўсган, экинга ярокли ер ресурслари ва сув захираларининг қисқарган даврида жаҳон миқёсида минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш, мавжуд ўғитлар ишлаб чиқариш саноатини янада ривожлантириш ҳамда янги турдаги ўғитлар ишлаб чиқариш муаммосини кучайтирмоқда. Янги турдаги ўғитлар деганда – таркибида ўсимлик томонидан осон ўзлашувчи моддалари кўп бўлган, ишлаб чиқариш жараёнида атроф-муҳитни ифлослантирмайдиган, ишлаб чиқариш таннарни


юқори бўлмаган ўғитлар тушунилади. Ўғитларга бундай талаблар асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантириб, аҳолини мўл ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланмиш мева ва сабзавотлар, ҳаттоки техник хомашёларни кўпайтириш учун минерал ўғитлар билан юқори даражада таъминлаш имконияти яратилади[1].

Ўғитлар билан таъминлашда ўғитнинг миқдоригина эмас, балки унинг таркибида азот, фосфор ва калий моддалари бўйича, уларнинг ўғит таркибида ўзлашувчан кўринишда бўлиши эътиборга олинади.


Мамлакатимизда минерал ўғитларнинг бир неча ишлаб чиқариш саноати турлари мавжуд бўлиб, булар орасида азотли ва фосфорли ўғитлар саноати кенг миқёсда ривожланган. Фосфорли ўғит учун асосий хомашё фосфоритлар ҳисобланади[2]. Ушбу минерал хомашёлар маҳаллий Марказий Қизилқум фосфоритлари бўлиб, булар асосида таркибида 15 % дан тортиб токи 46 % гача P_2O_5 бўлган фосфорли минерал ўғитлар ишлаб чиқарилмоқда.

Маълумки, ҳозирги замонда ҳар бир саноат ишлаб чиқаришларига кам чиқиндилари ва имкони борица чиқиндисиз технологияларни қўллаш талаби қўйилади. Агар чиқиндисиз технологияни қўллаш имкони бўлмаса, ҳосил бўлган чиқиндилардан иккиламчи хомашё сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш имконияти яратилиши лозим. Шуларни эътиборга олган ҳолда фосфоритлардан чиқиндисиз технология асосида фосфорли минерал ўғит – оддий суперфосфат ишлаб чиқариш технологияси ҳанузгача амалда қўлланилмоқда.

Суперфосфат таркибида реакция учун олинган сульфат кислота - H_2SO_4 фосфорит - $Ca_5F(PO_4)_3$ билан реакцияга киришганида қуйидаги жараён кузатилади:



Маълумки, фосфоритларни кислотали парчалаш жараёнида ҳосил бўладиган асосий фосфат кислота H_3PO_4 дан ташқари кальций дигидро- ва гидрофосфатлари ҳосил бўлади:



Фосфоконцентратнинг дастлабки босқичида ҳосил бўладиган фосфат кислоталарнинг кўрсатилган ҳолдаги кальцийли бирикмаларидан ташқари эркин ҳолатда учраши ҳамда фосфоритнинг таркибидаги кальцийли бирикмаларнинг парчаланмай қолиш ҳолатлари кузатилади. Шунинг учун ҳам суперфосфатлар ишлаб чиқариш технологияси бўйича улар бир неча кун омборхоналарда сақланади. Бу даврда эркин кислоталар ана шу парчаланмай қолган фосфоритларни парчалаш жараёни боради.


Тадқиқот усуллари ва объекти. Лаборатория ишлари оддий шиша реакторли лаборатория қурилмасида, белгиланган стехиометрик меъёрдаги сульфат кислотани фосфоритга оз-оздан қўшиш билан оддий аралаштиргич ёрдамида механик аралаштириш орқали олиб борилди. Лаборатория ўтказиш учун Марказий Қизилқум фосфоритининг термик концентрати (таркиби: P_2O_5 – 25,68%; CaO – 53,28%; CO_2 – 2,68%; MgO – 1,22%; R_2O_3 – 3,58%; SO_3 – 5,01%) ва 93% ли сульфат кислотанинг 70% ли эритмаси олинди. Сульфат кислотанинг стехиометрик меъёри фосфорит таркибидаги кальцийнинг парчаланиши учун зарур бўлган миқдорга кўра белгиланди.

Аралаштириш 5 минутгача давом эттирилди ва уларни 2 қисмга ажратиб, ҳар бирини белгиланган вақтларда(20 кунгача) таҳлил қилиб борилди. Таркибидаги фосфор КФК фотоколориметрик усулда, $\lambda = 440$ нм тўлқин узунлигида аниқланди[3].

Тадқиқот натижалари: Фосфорит таркибидаги кальций миқдорига нисбатан 60-70 % стехиометрик меъёрда берилган сульфат кислота фосфоритни парчалаши натижасида дастлабки аралаштириш босқичида фосфат кислота H_3PO_4 ни ҳосил қилади. Бироқ ҳар қанча майдаланган бўлмасин, фосфорит таркибида бўлган $Ca_5F(PO_4)_3$ кўринишдаги

парчаланмай қолган қисмлар мавжуд бўлади. Буни куйидаги график тасвирдан кўриш мумкин(1-расм):

Расмдан кўриниб турибдики, фосфорит биринчи минутдаёқ юқори парчаланиш даражасига эришади. Ҳосил бўлган суперфосфатни янада кўпроқ парчаланишига эришиш учун уларни омборхоналарда 20-25 суткага қадар тўпланган ҳолда сақлаб турилади. Бунинг



1-расм: Оддий суперфосфат олишда фосфоритларнинг сульфат кислотата парчаланиш даражаси.

асосий сабаби дастлабки сульфат кислотали парчаланиш даврида фосфорит парчаланиб, фосфат кислота ҳосил бўлади. Бироқ, жараёнга киритилган сульфат кислотанинг барчаси тўлиқ реакцияга киришмаганлиги сабабли эркин ҳолдаги сульфат кислота суперфосфат таркибида бўлади. Қолаверса, дастлаб ҳосил бўлган эркин фосфат кислота ҳам фосфоритларни парчалашда тўлиқ иштирок этмай қолади. Шунинг учун ҳам суперфосфат ишлаб чиқариш технологиясида олинган суперфосфатлар узок муддат сақлашга қўйилади.

Ҳозирги ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация

қилиш, амалдаги технологияларда кузатиладиган камчиликларни аниқлаб, ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан қўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу ўринда оддий суперфосфат тажриба шароитида текшириб кўрилганда, 20-25 кунда 2-3 марта оддий кураксимон аралаштиргич ёрдамида аралаштириб турилишидан кейин ҳам унинг таркибида парчаланмай қолган фосфоритлар меъёридан ортикча мавжуд бўлиши аниқланди. Буни бартараф этиш мақсадида, тажрибада қўлланилиб келинаётган шнекли аралаштиргич ёрдамида бу суперфосфатни аралаштириб, оддий кураксимон қурилмали аралаштиргичга нисбатан шнекли аралаштиргич билан аралаштирилиши натижасида суперфосфат таркибидаги эркин кислоталар миқдори ва парчаланмай қолган фосфоритлар миқдори камайишига эришилди.

Суперфосфатларни сақлаш жараёнида икки усулда аралаштириш амалга оширилиб, уларни бир-бирига солиштирилгани ҳолда, шнекли аралаштириш билан унинг таркибидаги эркин кислоталар реакцияга киришмай қолган фосфоритларни парчалаши ҳисобига уларнинг миқдори оддий аралаштиришга нисбатан сезиларли даражада камайишига эришилди.

Кимёвий таҳлил: Буларни ГОСТ 20851.2-75 – фосфат ва минерал ўғитларнинг кимёвий таҳлили асосида суперфосфат таркибидаги эркин кислоталар нейтраллаш, фосфоритларнинг парчаланиш даражалари умумий ва ўзлашувчан фосфорлар миқдорига нисбатан улар орасидаги фарқлар асосида аниқланди.

Суперфосфат таркибидаги умумий $P_2O_{5\text{ум}}$ суперфосфатни зар сувида, ўзлашувчан $P_2O_{5\text{ўзл}}$ Петерман эритмасида эритиш орқали таҳлил қилинди. Кимёвий таҳлил натижаларини 3 мартадан такрорланди ва олинган натижаларнинг ўртача қийматини куйидаги 1-жадвал орқали кўриш мумкин:

1-жадвал

Суперфосфат таркибидаги эркин кислоталар миқдорининг вақтга боғлиқ ҳолда камайиши, % ҳисобида:

Кислота тури	1-кунда	5-кунда	10-кунда	15-кунда	20-кунда
Оддий аралаштириш натижасида					


H_2SO_4	0,46	0,38	0,25	0,20	0,18
H_3PO_4	2,74	2,59	2,43	2,14	1,97
Шнекли аралаштириш натижасида					
H_2SO_4	0,33	0,24	0,15	0,05	0,03
H_3PO_4	2,3	1,95	1,67	1,34	1,21

2-жадвал

Суперфосфат таркибидаги фосфоритларнинг парчаланиш даражалари, % ҳисобида:

1-кунда	5-кунда	10-кунда	15-кунда	20-кунда
Оддий аралаштириш натижасида				
93,45	94,76	95,98	97,22	97,63
Шнекли аралаштириш натижасида				
94,88	95,82	97,74	98,48	99,16

Таҳлил натижалари бўйича оддий суперфосфат олиш технологиясининг сўнгги босқичи – уларни сақлаш муддатлари бўйича ва аралаштиришнинг турларига кўра фосфоритларнинг парчаланиш даражаларини қуйидаги график тасвир орқали кўриш мумкин (2-расм):



2-расм: Оддий суперфосфатларни узок муддат сақлаш орқали фосфоритнинг парчаланиш даражасини ошириш: А- оддий аралаштириш усулида; Б- шнекли аралаштиргич орқали аралаштириш.

Расмдан кўриниб турибдики, оддий аралаштирилган суперфосфат таркибидаги фосфоритнинг парчаланиш даражаси 25 кун сақланганида шнекли аралаштирилган ҳолда 10 кунлик сақланишидаги фосфоритларнинг парчаланиш даражаси деярли тенг бўлади. Демак, сақлашга қўйилган фосфоритларни яхшилаб аралаштириш орқали уларнинг етилиш даврини қискартиришга ҳам эришиш мумкин.

Оддий суперфосфат таркибидаги эркин кислоталар миқдорининг меъёридан кўп бўлиши ҳам, парчаланмай қолган суперфосфат миқдорининг кўп бўлиши ҳам ўғит сифатига салбий таъсир кўрсатади. Олинган тажриба натижаларига кўра оддий суперфосфат ишлаб чиқариш корхоналарида олинган маҳсулотни узок муддат сақланиш даврида шнек ёрдамида аралаштириш суперфосфатни яхшилаб аралаштиришга, бу эса ўз навбатида тайёр бўлган маҳсулот сифатининг ортишига олиб

келади. Бундан ташқари оддий суперфосфатнинг етилиш вақти 2 мартагача қисқаради. Бунда фосфоритнинг парчаланиш даражаси юқори кўрсаткичга эришади.

Адабиётлар

- [1] Йулбарсова М.В. ва др. Получения сложного NPK удобрения на основе местного сырья. «Зелёная химия» - в интересах устойчивого развития, материалы I Республиканской научно-практической конференции (с международным участием), – Самарканд. 2012, с-60.
- [2] Шамшидинов И.Т. ва б.. Хомашё материаллари ва уларни бойитиш. Дарслик. –Т. “Наврўз”, 2018, -131 б.
- [3] ГОСТ 20851.2.75. Методы определения содержания фосфора. –М.: Изд. стандартов, 1983.– 22 с.

CORONAVIRUS PANDEMIASI SHAROITIDA IQTISODIYOTDAGI
INVESTITSION JARAYONLARNING AHAMIYATI

Sirojiddinov I.Q., Xodjiboyeva I.V.

*Namangan muhandislik-qurilish institute
(Qabul qilindi 15.12.2020 y.)*

The article examines the features of investment processes caused by the conditions of the coronavirus pandemic and measures taken to mitigate the crisis in the economy.

Key words: investments, investment processes, market infrastructure, government support, investment factors, investment activity.

В статье исследуются особенности инвестиционных процессов, вызванные условиями пандемии коронавируса и мер, предпринимаемых для смягчения кризисных явлений в экономике.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционные процессы, рыночная инфраструктура, государственная поддержка, факторы инвестиций, инвестиционная деятельность.

Maqolada koronavirus pandemiyasi sharoitlari tufayli kelib chiqqan investitsiya jarayonlarining xususiyatlari va iqtisodiyotdagi inqirozni yumshatish bo'yicha ko'rilayotgan choralar ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: investitsiyalar, investitsiya jarayonlari, bozor infratuzilmasi, davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash, investitsiya omillari, investitsion faoliyat.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi Farmoni bilan tasdiqlangan "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari bo'yicha HARAKATLAR STRATEGIYASI" respublikaning barcha hududlarida qayta ishlash tarmoqlarini jadal rivojlantirishning asosiy vazifalaridan biri etib belgilandi(1). Bunday siyosat, avvalambor, eksport tarkibida raqobatdosh tayyor mahsulotlar ulushini ko'paytirish, iqtisodiyotning xom-ashyo mahsulotlariga bo'lgan o'zgaruvchan jahon narxlariga bog'liqligini kamaytirishga qaratilgan. Ishlab chiqarishni modernizatsiya qilmasdan, sanoat korxonalarini texnik va texnologik qayta jihozlashsiz, xalqaro sifat standartlariga o'tish, iqtisodiy erkinlashtirish kutilgan natijalarga olib kelmaydi. Shu sababli, xususan, eksportga yo'naltirilgan tarmoqlarda va ishlab chiqarishni mahalliyashtiradigan korxonalarda strategiya doirasida maqsadli investitsiya dasturlari qabul qilindi va amalga oshirildi.

Koronavirus pandemiyasi sharoitida sanoatdagi modernizatsiya jarayonlarini tezlashtirish va kengaytirish yanada dolzarb bo'lib qoldi. Ma'lumki, dunyoning barcha mamlakatlarida koronavirus pandemiyasi YalMning pasayishiga, korxonalarining yopilishiga yoki ishlab chiqarishning pasayishiga va ishsizlikning ko'payishiga olib kelmoqda. O'zbekistonda yalpi ichki mahsulotda pasayish bo'lmasa ham, yalpi ichki mahsulot o'sishining sekinlashishi kuzatilmoqda - 2019 yildagi 5,6 foizdan 2020 yilda kutilayotgan 1,5 foizgacha, koronavirus pandemiyasi inqirozining oqibatlari 450 ming oilaning farovonligiga ta'sir ko'rsatdi. Shu sababli, koronavirus pandemiyasining iqtisodiyotga salbiy ta'sirini yumshatish va engish uchun hukumat keng ko'lamli chora-tadbirlarni ko'rmoqda. Xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning davlat tomonidan moliyaviy qo'llab-quvvatlanishi juda muhim yo'nalish hisoblanadi. Ushbu yo'nalishda, 2020 yil mart-may oylarida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 16 ta farmon va qarorlari qabul qilindi va hayotga tatbiq etilmoqda.

Davlatning inqirozga qarshi choralari, avvalambor, qayta ishlash sanoati uchun muhim bo'lgan korxonalarni moliyaviy qo'llab-quvvatlashga qaratilgan. Pandemiya sharoitida tadbirkorlik sub'ektlari 2020 yil 1 iyundan boshlab 3 oy davomida er va mulk solig'idan ozod qilingan, oldingi soliq to'lovlari keyinga qoldirilgan, turli soliq to'lovlari qisqartirilgan - 2020 yil uchun bularning barchasi 70 trln. so'mni tashkil etdi. Pandemiya davrida bajariladigan ishlar tartibi soddalashtirilmoqda va banklar tomonidan kredit berish shartlari yumshatilmoqda, bank kreditlari manbalari kengaymoqda.

Milliy iqtisodiyot va yakka tartibdagi korxonalarining global raqobati sharoitida muvaffaqiyatli ishlashi yirik ilg'or investitsiya loyihalarini ishlab chiqish va amalga oshirishga bog'liqdir. Shu sababli korxonalarining investitsion faoliyati ko'lami va turlarini ko'paytirish, ularni

yanada rivojlantirishning innovatsion yo'nalishi juda muhimdir. Koronavirus pandemiyasi bilan bog'liq inqiroz holatlari investitsiya jarayonini amalga oshirishda, ijtimoiy-iqtisodiy hayotning barcha sohalariga innovatsiyalarni joriy etishda sifatli o'zgarishlarning zarurligi va dolzarbligini yaqqol namoyish etmoqda. Inqiroz sharoitida mahsulot ishlab chiqaruvchilarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning ahamiyati ayniqsa ortdi, garchi printsipl jihatdan ular moliyaviy tomondan mustaqil (iqtisodiy mustaqillik) imkoniyatiga ega bo'lishlari kerak. Buning sababi, ayniqsa inqiroz davrida, har bir korxona biron-bir tarzda tashqi manbalar - moddiy, moliyaviy, ilmiy va boshqalar ahamiyatini e'tibordan chetda qoldirishi mumkin.

2020 yilda O'zbekistonda 240 ming ishlab chiqarish ob'ekti, 16 mingta ijtimoiy ob'ekt va infratuzilma ob'ektlarini foydalanishga topshirish rejalashtirilgan. Ushbu loyihalarni amalga oshirish uchun boshqa moliyaviy manbalar qatori Osiyo taraqqiyot banki, Jahon banki va Yaponiya xalqaro hamkorlik agentligi tomonidan ajratilgan 2,7 milliard AQSh dollari miqdoridagi mablag'ni o'zlashtirish rejalashtirilgan. Investitsion jarayonlarda muhim o'rinni qayta ishlash sanoati egallaydi(2).

Qayta ishlash sanoatining rivojlanishidagi yutuqlarni yengil sanoat korxonalarida misolida ko'rish mumkin. So'nggi yillarda paxta xomashyosini qayta ishlash va yuqori darajadagi tayyor mahsulotni sotish uchun zamonaviy kompleks yaratildi. Bu jahon bozori talablariga javob beradi. Mamlakatda 2020 yilda ishlab chiqarilgan paxta tolasining 100 foizi qayta ishlanadi, to'qimachilik mahsulotlari dunyoning ko'plab mamlakatlariga eksport qilinadi. O'zbekiston to'qimachilik sanoati mahsulotlari uchun rivojlangan davlatlar bozorlarini ochish bo'yicha ishlar olib borilmoqda. To'qimachilik sanoatida 2020 yilda 300 million AQSh dollari miqdorida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar o'zlashtiriladi. Ushbu sohada 365 ming kishi ishlaydi va 1,6 milliard AQSh dollarilik mahsulot eksport qilinadi. Keyingi 3 yil ichida eksport salohiyati kamida 2 baravar oshishi kerak.

Institutsional va tashkiliy xarakterdagi ba'zi choralar ko'zda tutilgan. Yirik investitsiya ob'ektlarini loyihalashtirishning xalqaro standartlarga o'tish jarayonini tezlashtirish rejalashtirilmoqda va loyihalash maqsadlari uchun byudjet mablag'larini ajratish bo'yicha cheklovlar bekor qilinadi. Investitsion jarayonlarni rag'batlantirish uchun mahalliy sarmoyadorlar chet el investorlariga tenglashtiriladi. Shunday qilib, agar mahalliy investor qiymati 25 million dollardan ortiq bo'lgan investitsiya loyihasini amalga oshirsa, tegishli tashqi aloqalar davlat hisobidan quriladi.

Koronavirus pandemiyasining iqtisodiy rivojlanishga salbiy ta'sirini bartaraf etish zarurati mamlakatning sanoat siyosatiga yangicha yondashuvlarni taklif qiladi. Asosiy vazifa - xom ashyodan oqilona foydalanish, qayta ishlash sanoatini jadal rivojlantirish, innovatsion texnologiyalarni joriy etish. Qayta ishlash sanoatining mahsulotlari ichki va tashqi bozorda raqobatdosh bo'lishi kerak. Ta'kidlash kerakki, so'nggi yillarda rivojlangan mamlakatlarda ilg'or texnologiyalarni joriy etish va ulardan foydalanish ko'lamli sezilarli darajada kengaydi, bu esa sohada tub o'zgarishlarga olib keldi. Mahsulotlarning yangi turlari yaratildi va yangi ish o'rinlari soni izchil o'smoqda.

Ma'lumki, mavjud mahalliy xom ashyolardan foydalanish sanoat korxonalarining eksport imkoniyatlarini kengaytirish, ishlab chiqarishni mahalliyashtirish uchun qulay sharoit yaratmoqda. Mahalliy ishlab chiqaruvchilar mahalliy xom ashyodan foydalangan holda bir qator afzalliklarga ega, xususan:

- mahalliy resurslarning qiyosiy arzonligi va xarajatlarni kamaytirish;
- import qilinadigan xom ashyoga bog'liqlikni bartaraf etish va valyuta kurslarining o'zgarishi ta'sirini kamaytirish, pul va moliyaviy resurslarni tejash;
- va yuqori sifatli mahalliy xom ashyodan foydalanganda murakkab texnologik jarayonlar yaxshi natijalar berishi va mahsulotning raqobatbardoshligi oshadi;
- etkazib beruvchilarga sifat, hajm va etkazib berish muddatlari bo'yicha ta'sir o'tkazish uchun keng imkoniyatlar.

Mahalliy xom ashyodan oqilona foydalanish xarajatlarni kamaytirish va sanoat mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirishda muhim omil hisoblanadi. 2018 yildan boshlab O'zbekistonda paxtachilik klasterlari yaratildi va faoliyat ko'rsatmoqda. 2020 yilda ularning soni 96

taga etdi va ular mamlakatning 144 viloyatidagi fermer xo'jaliklarini qamrab oladi. Ularda fermer xo'jaliklari qishloq xo'jalik xom ashyosini qayta ishlash korxonasining bevosita buyurtmasi bo'yicha ishlab chiqaradi. Birinchidan, hajm emas, balki ishlab chiqarilgan xom ashyoning sifati. Bundan tashqari, sifatli xom ashyoni sezilarli darajada yuqori narxda to'lash kafolatlanadi. Hamkorlar o'rtasidagi munosabatlarning bunday tashkil etilishi mahalliy xom ashyolardan yanada to'liq foydalanishga imkon beradi, natijada qayta ishlash korxonalarining moliyaviy-iqtisodiy barqarorligiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Zamonaviy texnika va texnologiyalarni qo'llash ko'lamini jadal kengaytirish sohaning umumiy samaradorligini oshiradi.

E'tibor bering, O'zbekiston sanoatida mavjud sharoitlar va ehtiyojlarni hisobga olgan holda quyidagi asosiy yo'nalishlarni qamrab olgan chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

- korxonalarni modernizatsiyalashni jadallashtirish, ishlab chiqarishni texnik va texnologik yangilash, zamonaviy, tez moslanadigan texnologiyalarni keng joriy etish. Bu etakchi tarmoqlarda, birinchi navbatda eksportga yo'naltirilgan va mahalliyashtirilgan tarmoqlarda sodir bo'lmoqda. Vazifalar ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik yangilash bo'yicha qabul qilingan tarmoq dasturlarini amalga oshirishni jadallashtirish, bu esa mahalliy va xalqaro bozorlarda ishlab chiqaruvchilarning pozitsiyalarini mustahkamlashi kerak;

- mavjud vaziyat o'zgarganda, eksportni rag'batlantirishni kuchaytirish va eksport qiluvchi korxonalarining raqobatdoshligini kuchaytirish uchun qo'shimcha shart-sharoitlar yaratish;

- ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish va ishlab chiqarish tannarxini pasaytirish bo'yicha ishlab chiqaruvchilarning harakatlarini rag'batlantiruvchi tejash rejimining keng joriy etilishi.

Zamonaviy sharoitda davlatning iqtisodiy chora-tadbirlari iqtisodiyotning real sektorining investitsion jozibadorligini yanada oshirishga qaratilgan. Xususan, ular tadbirkorlik erkinligini sezilarli darajada kengaytirishni ta'minlaydi. Printsipial yondashuv shundan iboratki, davlat tuzilmalarining tadbirkorlik faoliyatiga aralashuvi keskin kamayadi, huquqbuzarliklarning oldini olish va profilaktika ishlarining samaradorligini oshirishga ustuvor ahamiyat beriladi.

Davom etayotgan koronavirus pandemiyasi sharoitida muhim bozor va moliyaviy xavflar sanoatda saqlanib kelmoqda. Shuning uchun korxonalarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash ob'ektiv ravishda zarur bo'lib qolmoqda. O'zbekistonda sanoatni rivojlantirishda erishilgan ijobiy natijalar shuni ko'rsatadiki, bunday yondashuv o'zini oqlaydi.

Adabiyotlar

- [1]. "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida". O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi qarori. - Xalq so'zi, 2017 yil 8 fevral.
- [2]. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga yo'llagan murojaati. - Xalq so'zi, 2020 yil 25 yanvar.
- [3]. Сирождинов К.И., Ходжибаева И. В. Стимулирование и поддержка инновационного развития малого бизнеса в Узбекистане // "Молодой ученый". – 2016. - №10., - С. 873-875.

THE ROLE OF SOCIAL SCIENCES IN FORMING THE WORLDVIEW OF STUDENTS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Otaxonov A.

Namangan engineering – construction institute

Received December 15, 2020

The article describes the role of the social - humanitarian sciences in shaping the students worldview in the informational civilization that requires a new model of general and professional education.

Key words: social sciences, social evolution, worldview, higher educational institutions, integration, self-organization, system, subject of social sciences.

В статье рассматривается роль социально-гуманитарных наук в формировании мировоззрения студентов в условиях информационной цивилизации, требующей новой модели общего и профессионального образования.

Ключевые слова: общественные науки, социальная эволюция, мировоззрение, высшие учебные заведения, интеграция, самоорганизация, система, предмет общественных наук.

Мақолада умумий ва касбий таълимнинг янги моделини талаб қиладиган ахборот цивилизациясида талабалар дунёқарашини шакллантиришида ижтимоий - гуманитар фанларнинг ўрни баён этилган.

Таянч сўзлар: *ижтимоий фанлар, ижтимоий эволюция, дунёқараш, интеграция, ўз-ўзини ташиқил этиш, тизим.*

Since the formation of the social sciences and humanities, their goal has been proclaimed not only the knowledge of society, but also participation in its regulation and transformation. We studied both society as a whole and its individual areas, the task was to find certain technologies for managing social processes. Methodological problems of social cognition began to be actively developed in the framework of the system of "cultural sciences" based on certain philosophical and methodological ideas.

A brief retrospective look at the origin and formation of the social sciences and humanities shows that in the first period of their development a certain pressure manifested itself in a significant way from the side of mathematical science, especially mechanics. Until the end of the XIX century the dominant trend in the methodology of the humanities was naturalism - the universalization of the principles and methods of the natural sciences in solving the problems of social cognition: "From the time of the Enlightenment and, in particular, from the time of Kant, the physical sciences were considered as the paradigm of cognition on which the rest of the culture should be equal" [1].

However, by the end of XIX - early XX centuries. it became obvious that the social sciences and humanities should have their own conceptual and methodological foundation, different from the foundation of natural science. So, Rickert, defining the social sciences and humanities as a science of culture and analyzing their specifics, indicated the following main features:

- ✓ the subject of social sciences and humanities is not nature, but culture as a set of actually universally recognized values in their content and systematic connection;
- ✓ the immediate objects of study of the social and humanitarian sciences are individualized cultural phenomena with their attribution to values;
- ✓ the end result of the social sciences and humanities is not the discovery of laws, but a description of an individual cultural event based on written sources, texts, and material remnants of the past;
- ✓ the main method of the social sciences and humanities is idiographic; its essence is to describe the features of significant historical facts.

At the same time, Rickert draws attention to the fact that culture as a spiritual shaping cannot be subordinated exclusively to the dominance of the natural sciences, rather, the natural-scientific point of view should be subordinated to the cultural-historical one, since natural science is a historical product of culture. Rickert admits that since socio-cultural life does not lend itself to a strict system, cultural sciences cannot have a basic science similar to, for example, classical mechanics in the natural sciences. But this does not mean that they lack the possibility of unification: such an opportunity provides them with the concept of culture. "So, the unity and objectivity of the cultural sciences is due to the unity and objectivity of our concept of culture, and the latter, in turn, is due to the unity and objectivity of the values that we value" [1;97].

More than a century has passed since Rickert wrote his work on the definition of the subject and methodology of "cultural sciences", however, the task of creating a specialized methodology of the social sciences and humanities remains the most important in modern social and humanitarian thought. Strengthening dynamism, integrity and at the same time the inconsistency of modern social reality in the context of an emerging information society leads to a change in the subject of research in the social and humanitarian sciences. The project of "global innovative civilization" is being put forward, the computer revolution is gradually leading to the replacement of traditional printing with electronic books, changing science, culture, education, and most importantly - the spiritual world of man.

In modern conditions, the importance of the fundamental training of students of higher educational institutions is growing immeasurably. This is due to the dynamism and scale of the

tasks that humanity must solve as it develops. Increasing the integrity of the world, increasing the interconnectedness of various aspects of life involves the introduction into everyday circulation of information about complex global processes. In order to adequately navigate, and even more so, to consciously participate in these processes, a person must be comprehensively developed and well educated.

Modern student should be able to think creatively, independently solve complex problems in a particular type of activity. In addition, he needs to constantly adapt to new knowledge and technologies, to improve his qualifications. Systematic professional development, professional and personal improvement become mandatory conditions for the successful work of any person engaged in professional activities. The most important manifestation of professionalism as the highest level of personality professionalization is the ability for free creative activity, for the practical reconstruction of the world. This ability is largely due to the formation and development of the intellectual professional culture of the personality as the ability to grow professionally, gain new knowledge, and solve complex professional problems in a dynamically developing society [2].

The introduction of new technologies, informatization and automation of production make such changes in professional work, for the implementation of which it is necessary to develop multilateral and universal abilities. Within the framework of a post-industrial society, “specialty” is being replaced by universalism and professionalism. The formation and formation of the personality of a professional mainly takes place at the institute of higher education, the special role of which is that it is designed to turn universal human values into a system of spiritual professional qualities of the person.

In the course of primary professionalization, through a system of general and vocational education, a person acquires knowledge, develops his intelligence. A person's ability to work depends on the level and quality of general and professional knowledge. It is these indicators that determine the intellectual and professional potential of the individual. Knowledge of the laws of the development of nature and society, a broad outlook in unity with professional training are the basis for the formation of the individual's professional potential.

However, we can state the fact that often in literature and in everyday perception, professionalism is understood only as mastering a particular specialty, succeeding in one branch of labor and professional activity. The opinion that the knowledge and skills that are not included in the list of skills necessary for mastering a profession is not needed to reproduce. So, for example, the future physicist does not need literature, mathematics - history, literary critic – chemistry etc. This is rooted in one of the deepest errors of today's attitude to professionalism, based on its unilateral and narrow understanding [3].

A systematic analysis of the origins and foundations of this problem indicates that it was rooted in European culture in the era of industrial society and was associated with the formation of a new industrial, mass person, narrowly professional worker. The industrial and technological progress of developed countries, their achievements in the field of material well-being and world development were closely related to the concentration of attention on the study of details, the accumulation of knowledge about specific processes, and narrow professional specialization, understood as the presence of special skills. Obtaining special education, professional mastery of any particular type of labor becomes socially beneficial and socially significant. Special education in these conditions is becoming a priority value. Thus, education not only submits to the needs of production, but also to a certain extent itself influences the formation of social needs and values.

Specialization of education in itself is not a threat to the comprehensive development of the individual on the contrary, special education is a necessary and significant component of primary professionalization, the most important stage in the transformation of a person into a professional [4]. The problem is that sometimes special knowledge is the most socially significant and crowd out other universal values. Moral, aesthetic values become secondary and subject to special knowledge, and the social and humanitarian education of the person is declared superfluous.

In the modern world, not only vertical sections of professional labor activity, but also wide horizontal socio-cultural relations of specialists play an increasingly important role. Today, a

professional cannot take place without mastering the basic socio-cultural worldview values, the broad “experience of society”. Thus, the concept of professionalism includes a harmonious combination of work skills and abilities with a wide world outlook, the ability to assess the situation and link their own professional tasks with the requirements of the present. In this regard, professionalism becomes not only an important component of the labor and professional activities of a person, but also one of the main characteristics of the moral character of a human person.

Today, the task of highlighting the preparation of future professionals for humanistic ideas and guidelines based on a systemic, moral perception of the world is especially acute. A higher educational institution should not only provide highly specialized training, but also form a highly cultured, humane and moral personality, develop civic qualities, teach civilized forms of communication, the ability to live in a rapidly changing world in the spirit of tolerance and harmony [5]. In the formation of the worldview, socio-cultural side of professionalism in any sphere of professional activity, social and humanitarian knowledge plays an important role.

Social sciences give rise to a special view of the world, a special way of seeing the environment. Thus, the worldview of a person who is familiar with the subject field and the methodology of philosophy is regulated by a categorical structure with philosophical thinking, which makes it possible to create a holistic view of social connections and interactions existing in society. The formation of the ability to capture, perceive and analyze social processes in a special way is one of the main goals of studying philosophy. The study of philosophy by university students, including non-humanitarian ones, also aims at the formation of students' philosophical thinking, understanding of social problems, their sources and possible solutions, which is a necessary component of the knowledge system of future professionals.

Political science also plays an important role in the process of worldview development of the individual, by its means and methods allowing to find out the objective historical foundations of a particular policy and power, to reveal and clarify the essence of the activities of the political elite, leaders, parties, political behavior of individual groups and classes of society. The most important aspect of modern political science is the identification of the essence of political activity. The humanitarian function of political science is manifested not only in the dissemination of scientific knowledge, but also in promoting the socialization of the individual, the formation of his civic position. Political education is one of the ways of forming a political culture of a person, a condition for its transformation into a collective subject of politics. Since politics has an important impact on the lives of individuals and entire nations, political knowledge and culture are required for any person, regardless of their professional affiliation. Possession of political knowledge, knowledge of the methodology for assessing political events and actions, political literacy are qualities that are necessary for a modern professional.

In the last decade in the world, in connection with a radical change in the vector of economic development, the penetration of new economic and social phenomena, the role of economic science and managerial disciplines has substantially increased. The true professionalism of the employee in modern society, regardless of the sphere of his activity, implies a deep knowledge and understanding of economic processes, the laws of formation, development and functioning of the system of social relations in conjunction with the economy.

The humanitarian component of socio-humanitarian knowledge is represented by a cycle of worldview disciplines aimed at studying the history and theory of man as a special spiritual being. Studying during university training along with special disciplines of history, cultural studies, religious studies, various philosophical sciences - history and theory of philosophy, ethics, aesthetics, anthropology, logic, etc. - designed to promote the intellectual, moral and aesthetic development of the personality of future professionals. Philosophical knowledge is part of the methodological support of not only scientific research, but also many types of professional activity, they are necessary for theoretical constructions and applied research.

A modern professional must possess the qualities of a spiritually rich person. In recent years, higher education institutions have been building democratic traditions, improving the conditions for personal development through the use of cultural diversity, its universal and national wealth, which

is represented in the humanitarian cycle of all educational disciplines that transform the values of global culture from the subject of study into a meaningful foundation of education and life person. The humanization of the educational and cultural process in the system of higher education has as its aim the orientation towards the training of a specialist as an enlightened person, whose professional readiness is only the edge of his integral being.

It should be noted here that only a harmonious combination in the educational process of special, natural science and socio-humanitarian disciplines is the key to successful professionalization of an individual. The modern, complex, dynamic world is the result of the interaction of man and nature, therefore, understanding the processes occurring in the world involves a certain general culture, which includes not only the social and humanitarian component, but also the natural science aspect.

So, in our opinion, true professionalism in our time involves two necessary intellectual components:

- the formation of an intellectual horizons, the acquisition of a certain system of knowledge, which includes both broad general educational knowledge about the laws of nature and society, as well as special knowledge necessary for successful professional activities [6]. The decisive role in this process is played by vocational education, the necessary component of which is general humanitarian training, which contributes to the spiritual and moral development of the individual;

- the formation of a culture of thinking, the ability to think creatively and independently solve complex professional and social problems. The main element of the intellectual development of a professional in the modern world is the ability to continuous development and self-improvement, to creative search and modernization.

A new information civilization requires a new model of education that prepares comprehensively developed specialists, creative individuals with a high general and professional culture [7]. The most important essential features of the information society in the scientific and educational sphere are the change in the status of science, the acquisition of a new integrative function by it, humanization, overcoming narrow discipline, and convergence of natural science and humanitarian knowledge by increasing the importance of the emotional sphere.

In the process of spiritual and social development of the individual, the formation of his worldview and active social position, the role of social and humanitarian knowledge is great [8]. The humanization of the educational process should result in a harmonious combination of general educational knowledge, special knowledge and spiritual components (moral, aesthetic and social values) in it. Social sciences and humanities educate a person in a person for a broad, but at the same time deep, essential vision of professional problems. Only a broad-minded person, evaluating his own activities both from the standpoint of professional expediency and from the point of view of universal values of truth, goodness and beauty, can become a real professional.

The main features of the new paradigm of social and humanitarian knowledge that is being formed today can be defined as follows. There is a rapprochement between natural science and the social sciences and humanities based on the strengthening of the axiological component of scientific creativity. The widespread introduction of the hermeneutics apparatus causes rapprochement of explanation and interpretation: such schemes combine elements of the natural sciences with interpretive methods and value approaches of social and humanitarian knowledge. Attention is increasing to the subjective, personal aspects of the subject of research in the social and humanitarian sciences. Increasingly, the center of gravity of cognitive interest of representatives of social and humanitarian knowledge is transferred to the subject of activity.

The concept of professionalism in the field of social sciences and humanities is expanding, and the understanding of the close connection of professionalism with the moral personality is growing. Increasingly, professionalism in the social sciences and humanities requires knowledge and fulfillment of the requirements of professional ethics.

References

- [1]. Heinrich Rickert. Die Grenzen der naturwissenschaftlichen Begriffsbildung (1896). p. 238

- [2]. Rizaev, I. I. (2019). The structure of the social system as the basis for the self-organization of society. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(7), 190-195.
- [3]. Odilovna, M. Z. (2015). Духовно моральный мир человека в контексте синергетики. Austrian Journal of Humanities and Social Sciences, 1(3-4).
- [4]. Муминова, З.О. (2014). Атрибутивные свойства духовного мира человека. Universum: общественные науки, (3 (4)).
- [5]. Farxodjonova N.F. History modernization and integration of culture //Теория и практика современной науки. – 2018. – №. 3. – С. 13-15
- [6]. Numonjonov S. D. Innovative methods of professional training //ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81). – 2020. – С. 747-750.
- [7]. Farxodjonova N.F. Modernization and integration: Social-philosophical analysis //Роль науки в формировании современной виртуальной реальности. – 2019. – С. 10-12.
- [8]. Farxodjonova N.F., Dilshodjon ugli N. S. Innovative processes and trends in the educational process in Uzbekistan //academia: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 4. – С. 621-626.

ГЛОБАЛЛАШИШ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИНГ ИНТЕГРАЦИЯЛАШИШИ

Фарходжонова Н.Ф.

*Наманган муҳандислик – қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)*

This article analyzes the process of integration of national culture and globalization is viewed as an objective process. And study its positive and negative impact on the development of national culture.

Key words: globalization, culture, national culture, national self-awareness, integration, integration of national culture.

В данной статье анализируется процесс интеграции национальной культуры и глобализация рассматривается как объективный процесс. Освещено его положительное и отрицательное влияние на развитие национальной культуры.

Ключевые слова: глобализация, культура, национальная культура, национальное самосознание, интеграция, интеграция национальной культуры.

Ушбу мақолада миллий маданият интеграцияси жараёни таҳлил қилинган бўлиб, глобаллашувага объектив жараён сифатида қаралган. Унинг миллий маданият ривожига ижобий ва салбий таъсири ўрганилган.

Таянч сўзлар: глобаллашиш, маданият, миллий маданият, миллий ўзликини англаш, интеграция, миллий маданият интеграциялашиши.

Инсоният глобал ўзгаришлар таъсирида яшамоқда. Дунёда кечаётган глобал ўзгаришлар, ютуқлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсири кучайиб бормоқда. Иқтисодий ҳаёт глобаллашмоқда. Ижтимоий сиёсий ҳаётда ҳам глобал ўзгаришлар содир бўлмоқда. Айни пайтда маданият ва миллий маданият соҳаси ҳам муайян ўзгаришларни, янгиланишларни бошидан кечирмоқда. “Глобаллашув, - Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов ёзганидек, - энг аввало ҳаёт суратларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир”[1]. Ўзбек халқининг бой маънавий мероси мавжуд. Унда аждодларимизнинг бебаҳо маънавияти жамланган. Бу ҳақда Ш.Мирзиёев шундай дейди: “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у кудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир” [2].

Глобаллашув атамаси дастлаб америкалик олим Т.Левиттнинг 1983 йили “Гарвард бизнес ревью” журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган эди. Муаллиф йирик транснационал корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини шундай деб атаган эди[3].

Бу миллий маданиятларнинг трансформацияси интеграциялашиши билан узвий боғлиқ. Интеграция (лат. “Integratio” тиклаш, варағини тўлдириш; лот. “integer” – бутун деган маънони англатади. Бу, 1) айрим қисм ва элементларни бир бутунга бирлаштириш; 2) турли мамлакатларнинг бирлашмалари, тор доирадаги иқтисодий сиёсий гуруҳлар қўшилишини билдиради [4].

Дунё ҳамжамияти ва турли халқлар маданий ҳаётидаги глобал ўзгаришлар аввало миллий маданият ва демократик умуминсоний маданият муносабатида аниқ намоён бўлади. Турли халқлар маданиятидаги ўзига-хос хусусиятларни ҳисобга олиш, маданиятни юксак, ўрта ва қуйи даражаларга бўлиб ўрганиш амалайётини бахсли эканлигини кўрсатади. Бунда миллий ва умуминсоний маданият муҳитининг уйғунлиги унинг асосий мезони бўлиши маданиятлар даражаси тўғрисидаги айрим қарашларнинг бир томонлама эканлигини кўрсатади. Ҳамда маданиятларни бир-биридан устун қўйиш ёки камситишга уруниш каби айрим ҳолатларнинг олди олинад. Маданиятларнинг бир-бирига таъсири мавжуд. Жамиятлар иқтисодий ҳаётида эришилаётган ютуқлар, илм-фан тараққиёти, ҳозирги замон илғор технологиялари, АКТ, интернет, ижтимоий тармоқлар уни янада тезлашишига шароит яратади.

Ҳар бир халқнинг миллий маданиятидаги илғор ва замонавий қўринишлари, унинг жозибadorлигини таъминлайди. Буни бошқа халқлар ёки миллатлар қабул қилиши, ўз маданиятида ундан фойдаланиб, янада бойитиш имконияти мавжуд. Миллий маданиятнинг интеграциялашиши эса унинг мустақиллигини нисбийлигини инкор қилмайди. Демократик умуминсоний маданият ривожда миллий маданият, онг ва тафаккур, турмуш тарзи, орзу умидлари, халқларнинг миллий маданий мероси ва қадриятларининг ўзига хос хусусиятларининг сақланиб, ривожланиб бориши демократик тараққиёт қонуниятига мос келади. Бу миллий маданиятларнинг интеграциясига зид эмас, чунки у миллий хусусиятларни инкор этмайди. У ҳар бир халқни ўзига хос онг тафаккур тарзи, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари адабиёти ва санъати тизими билан боғлиқ.

Глобал ютуқлар миллий маданиятнинг туб негизларига таъсир кўрсатади. Бу таъсирлар ижобий (позитив) ёки салбий (негатив) бўлиши мумкин.

Глобаллашувнинг миллий маданиятга ижобий таъсири, унинг ютуқларидаги миллий маданиятларга мос хусусиятларини эътироф этган ҳолда унинг ривожига кўмаклашиши билан боғлиқ. Айни пайтда миллий маданиятини глобал ютуқлардаги янгиликларни қабул қилишга очиклиги билан белгиланади. Негатив жиҳати эса, миллий маданиятга кўрсатаётган салбий таъсирида намоён бўлади. Бунда миллий маданий хусусиятлари камайиб, миллий ўзлигдан бегоналашиб бориш эҳтимоли мавжуд. Бу миллий маданиятларнинг турғунлиги, янгиликларни қабул қилишга тайёр эмаслиги ёпиқ эмаслиги билан алоқадор.

Интеграция турли мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувида ва уларнинг хатто миллий иқтисодиётининг ягона ҳўжалик организмга бирлашувида намоён бўлади [5]. Миллий маданиятнинг интеграцияси эса:

1) Иқтисодий глобаллашув орқали содир бўлади. Бу унга иқтисодий асос беради. Иқтисодий ривожланиш ва тараққиёт турли халқлар имкониятларини оширади. Иқтисодий ҳаёт ўзгариши ўзаро яқинлашиб боради.

2) Глобал ютуқлар ижтимоий соҳанинг ривожига билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Дунёда, фан, таълим, тиббиёт, хизмат кўрсатиш соҳаларининг бир-бирига яқинлашиши, ривожига ва модернизацияси миллий маданиятнинг ривожига ва аксинча миллий маданият соҳалари ижтимоий соҳанинг ривожига бевосита таъсир этади. Халқлар ҳаётида фан, таълим, тиббиёт ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожига унинг маданиятининг ривожини кўрсатувчи индикаторлардир.

Миллий маданият даражасига ана шу кўрсаткичларга қараб баҳо берилади, ўлчанади, унинг ўзига хос хусусиятлари аниқлаб олинад. Миллий маданиятнинг ривожига ва интеграциясида она тили, адабиёт, санъат, театр муҳим ўрин тутди. Миллий тиллар ривожига она тили орқали амалга ошади. Миллий тиллардаги интеграция жараёни у ёки бу миллатга мансуб бўлган халқларнинг турли хил миллат тилларини билаш орқали миллий маданияти

интегрпийялашади. Яъни она тили билан бирга бошқа халқлар тилларини билиши, сўзлашиши орқали интеграция амалга ошади.

Миллий маданияти интеграциясида кўп тиллик муҳим омил ҳисобланади. Турли халқлар тилларини билиш ва ўзаро мулоқотга киришиш, турли маданиятлардан хабардор қилади. Лекин миллий маданиятнинг интеграцияси фақат она тилини ўқитиш ҳисобига бўлмаслиги муҳим. Миллий маданиятнинг интеграцияси, миллий хусусиятларни йўқолишига эмас, миллий маданиятнинг бойишига хизмат қилиши лозим.

Дунё ахборот маконида бўлаётган ўзгаришлар турли халқларнинг интернет, АКТ, ижтимоий тармоқлар орқали бир-бири билан ўзаро мулоқотининг, ҳамкорлигининг ошиб бораётганлиги миллий маданиятларнинг интеграциясига ижобий таъсир кўрсатади. Турли халқларнинг “Маданият кунлари”, “Адабиёт ва санъат”, “Шарқ тароналари”, адабиёт ва санъат асарларининг турли халқлар тилига таржима қилиниши, “Бахшичилик санъати”, “Мумтоз қўшиқлар” бўйича танловлар ташкил этилиши Ўзбекистон халқлари маданияти намуналарини дунёга кўрсатмоқда. Халқ хунурмандчилиги санъати билан (Қўқон, 2019) тарихий жойлар, тарихий онг, мерос ва қадриятлар, туризм ҳам миллий маданиятга интеграциялашишга ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир”, деб таъкидлайди.[6]

Асрлар давомида “тараққиёт назарияси”, модернизация назариясидан олдинги, турли халқлар ва маданиятлар бир хил қонунларга мувофиқ ривожланмоқда, жамиятлар ўртасидаги фарқ уларнинг маданияти ривожланиш даражаси билан белгиланади, деган ғояга асосланади [7]. XX асрнинг ўрталаридан инсоният иқтисодий, ижтимоий, демографик, экологик, маданий инкирозга дуч келди. Чорак аср ўтмасдан бу инкироз умумсайёравий, умуминсоний глобал воқеликка айланди. Глобал ҳодисаларни махсус тадқиқ этган Г.Кан, Э.Тоффлер, А.Печчен, Д.Медоуз, Ян Чинберген, И.Бестужев, Лада каби олимлар инсоният ҳаёти ва истиқболига таҳдид солаётган ҳалокатли жараёнлар ҳақида бонг урган бўлсаларда, уларнинг бу давъатлари кишилардаги нафсни ва амалга ўчлигини тия олмади. Бугун глобаллашувга қарши гуруҳлар, бирлашмалар мавжуд. Улар инсониятни глобал ўзгаришларнинг негатиб таъсиридан инсониятни огоҳлантирмоқда. Уни олдини олишга давъат этмоқдалар. Глобал ютуқлар негатиб таъсири кенг қамровли бўлиб, у фақат миллий маданиятларнинг еврилиши, миллий ўзликдан бегоналашиш, миллий чекланганлик, миллий эгоизм билан боғлиқ эмас. У инсониятга, унинг ҳаётига солинаётган хавф-хатарлар кўлами билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, уларни тушуниш мумкин. Лекин, глобаллашувга қарши чиқиш, унинг ютуқларини, позитив томонларини инкор этмаслиги керак.

Глобаллашув ўз-ўзига миллий маданиятларнинг еврилиб кетишига ёки миллий маданият чегараларининг бузилиб кетишига сабаб бўлмайди. Бунга, аввало, ҳар бир миллатга мансуб бўлган фуқароларнинг миллий маданиятини ривожлантиришга масъуллиги, дахлдорлик ҳисси билан боғлиқ.

Миллат ўз маданиятига бефарқ қараса, уни ривожлантириш тўғрисида қайғурмаса охир-оқибатда миллий маданият даажаси, кўлами қисқариб боради. Охир-оқибатда миллат ўз она тили, маданиятидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин. Бу миллат глобал ўзгаришлар ва ютуқлар таъсирига жавоб бера олмайди. Ёки бу глобал геосиёсий мафкуралар ва сиёсат таъсирида содир бўлиши мумкин.

Глобал ютуқлардан, янгиликлардан оқилона фойдаланиш, демократик тараққиётга, миллий маданиятларни ўзаро ривожига, бойишига асос яратади. Глобаллашув жараёнида миллатни асрашга хизмат қилади, масъулият ортади.

“Глобал маданият” ёки маданиятни глобаллашувига геосиёсий мақсадлар ва манфаатлар нуктаи назаридан интилиши демократик ривожланиш қонундасига зид ҳодисадир. Бу миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини инкор этишга олиб келади.

Миллий маданиятнинг деинтеграцияси турли маданиятларнинг бир-биридан узоқлашига, халқларнинг бир-бирини тушунмаслигига сабаб бўлади.

Миллий онг ва тафаккурдаги интеграция жараёнлари, миллий тилларни турли халқлар тиллари билан яқинлаштириши, адабиёт, санъат, компьютер технологияси, спорт соҳалари ҳам миллий маданиятни бойишига хизмат қилади.

Миллий маданиятнинг интеграциялаштириши объектив жараён. У турли халқлар маданиятлари таъсиридан холи эмас. Умумий маданий маконда яшайди ва бир-бирига таъсири кўрсатади. Унинг ижобий томонларидан халқлар миллий маданияти баҳраманд бўлиши табиий. Шу маънода миллий маданиятнинг тузилмалари “миллий урф-одатлар”, “миллий анъаналар”, “миллий қадриятлар”, “миллий тил” дунё халқлари ютуқлари асосида ҳам ривожланиб бойиб боради.

Миллий маданиятнинг интеграцияси бир томонлама сиёсий мақсадлар, мафкуралар, геосиёсий манфаатлардан холи бўлиши муҳим. Миллий маданиятларга босим ўтказиш уни камситиш ёки миллий маданиятнинг бир-биридан устун қўйишга урунишлардан холи бўлиши зарур. Миллий маданиятлар бир-биридан озуқа олишга, ҳар қандай миллий маданиятнинг ўзига хос ютуқларидан баҳраманд бўлишга, янгиликларни қабул қилишга тайёр бўлса интеграциялашади.

Шу нуқтаи назардан, масалан, миллий тиллар билан боғлиқ айрим сўзлар, атамалар бошқа халқлар тилида ҳам қабул қилиниши, миллий тилларнинг интеграциясига асос бўлади. Натижада интернационал сўзлар, атамалар бошқа тилларни бойитади. Она тилини билиш билан бирга бошқа халқларнинг тилларини билиш зиён қилмайди. Аксинча бу глобал таъсирларга жавоб бериш имкониятини оширади. Миллий биқиклик эса имкониятни чеклайди. Шунинг учун, миллий маданиятда ҳам умуминсоний моҳият мужассам. Буни миллий маданият инсон ҳаётининг дахлсизлигини тан олишда; инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этишда; инсонни олий қадрият сифатида улуғлашда кўриш мумкин. Шунингдек, конун устуворлиги, адолат тамойилларига умуминсоний демократик мақсадлар ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Шу маънода, миллий маданият негизи қадриятларни ҳурмат қилиш инсон эркинлигини чекламайди, аксинча, миллий маданият ва унинг ўзига хос хусусиятларини билишга ҳамда ҳурмат қилишга кўмаклашади.

Миллий урф-одатларда ҳам фақат миллий эмас, бошқа халқлар ҳаётидаги урф-одатларнинг маъқул, жозибали бўлиб кўринган айрим жиҳатларини миллий урф-одатларга кириб келишини ва қабул қилиниши мумкин. Шу маънода бугун, соф ёки мутлоқ миллий маданиятга хос урф-одатлар мавжуд эмас.

Ҳар қандай урф-одатда миллий ва умуминсоний урф-одатга хос хусусиятлар, муайян ритуаллар орқали, уни қабул қилиниши натижасида интеграциялашиб бормоқда. Буни фуқароларнинг тафаккур ва ҳаёт тарзи, кийиниш, уй жиҳозлари, мулоқот маданияти ва тўй маросимларда ҳам кузатиш мумкин.

Лекин умумий қонуният шундан иборатки, миллий маданиятни ўзида ифода этувчи у ёки бу миллатга хос ва мос бўлган миллий урф-одатларда шу халқларнинг маънавий мероси хусусиятлари акс этишида миллат ўзлигини йўқотмаслиги керак. Аксинча ривожланиб, бойиб, замонавийлашиб бориши муҳим. Бу миллий ва умуминсоний тараққиётга хизмат қилади.

Миллий маданият ривожда “миллий тиллар камситилса”, “халқлар ўзининг миллий маънавий мероси ва қадриятидан, урф-одат анъаналарига эркин амал қилолмасдан қолса, унда бундан миллий маданият зарар кўради. Бунга Собиқ Совет даври ҳукмрон мафкураси ўтказган сиёсат ва мафкуравий мақсадлар таъсиридаги тажрибаси аниқ мисолдир. Шунинг учун Ўзбекистон мустақиллик йилларида миллий маънавий тикланишга алоҳида эътибор берилди [8]. Ўзбекистонда мустақилликка эришиш оstonасида миллатларнинг миллий-маънавий тикланиши ва янгилашга алоҳида эътибор берилди. Чунки бу мустақил демократик тараққиёт йўлидан ривожланиши билан боғлиқ муҳим ижтимоий-маънавий ҳодиса эди. Бугунги Ўзбекистон халқи ҳаётида миллий тикланиш билан боғлиқ вазифалар амалга оширилди. Ўзбекистон ўзига хос ва мос демократик тараққиёт йўлидан

ривожланмоқда. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари муҳим қадамлар ташламоқда. 1989 йил 21 октябрь куни “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилиниши бунга яққол мисоллардан биридир. “Қонун, - деб ёзади А.Мўминов, - омманинг миллий ўзига хослик, халқнинг тарихини қайта тиклаш, мамлакатнинг суверенитет ва мустақилликка эришилган ҳаракатини бошлаб берган дастлабки қонунчилик ҳужжатига айланди.”[9]

Ўзбекистон мустақиллика эришгач очик демократик ҳуқуқий давлат курмоқда. Давлатлараро муносабатларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ортмоқда. АҚШ, Европа, Туркия ва Корея Республикалари халқлари, уларнинг тили, маданиятини ўрганиш, бир-бирига таъсии мавжуд. Бу ижтимоий иқтисодий ҳаёт, туризмни ривожлантириш, маданий алоқалар фан таълим соҳасидаги янгиликларни қабул қилиши муҳим.

Бу нафақат Ўзбекистон жамиятининг тараққиётига, айна пайтда кўп миллатли Ўзбекистон давлатининг барқарор тараққиётига, миллий маданиятларнинг ривожига ва интеграциясига асос яратади.

Кўп миллатли давлатларда миллий маданиятларнинг интеграцияси учун ўзига хос ижтимоий-маънавий макон мавжуд бўлади. Бу миллий бағрикенглик, миллий тотувлик ва ҳамжиҳатлик, турли халқлар маданияти, турли тиллар, миллатлар аро мулоқот маданияти ўзига хос демократик, бағрикенглик муҳитини яратади. Бундан миллий маданиятлар фақат бойиши мумкин. Бу миллий маданиятларнинг ривожланиб, янада юксалишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда 136 дан зиёд миллат ва элат вакиллари яшайди ва миллий-маданий марказлар фаолият олиб боради. Мақсади турли миллатларни ўзларига хос миллий маънавий қадриятларини асраб авайлаш, ҳамда янада бойитишдан иборат. Бу дунёдаги глобал ўзгаришлар даврида айрим миллий-маданий таҳдидларнинг олдини олади. Миллий низо ва ихтилофларга, миллий эгоизм, агрессив миллатчилик, сеператизм ва миллий айирмачилик шулар жумласига киради.

Глобаллашув жараёни миллий маданиятларга янги талаблар қўяди. Бунинг учун миллий маданиятлар бу соҳада бўлаётган ўзгаришлар ва янгиланишларга жавоб бера олиши, унинг негатив таъсирини олдини олиш учун ҳам ўз ўзини янада бойитиб бориш тўғрисида қайғуриши зарур.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, биринчидан, глобал ўзгаришлар турли халқлар ва миллатлар маданиятининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиб беради. Миллий маданият соҳасидаги ютуқлар бунга кенг имкониятдир. Бундан умуминсоний маданият ривожидан оқилона фойдаланиш муҳим.

Иккинчидан, миллий маданиятларнинг ривожини ва интеграцияси глобал тараққиёт қонунларига зид эмас.

Учинчидан, миллий маданиятлар глобал дунёда содир бўлаётган илм фан, маданият ютуқларидан, янгиликларини қабул қилиши ва ундан оқилона фойдаланиш орқали ўз ўзини ривожланишини таъминлайди.

Тўртинчидан, глобал ютуқларнинг негатив томонлари айрим геосиёсий, мафкуравий мақсадлар билан боғлиқ. Миллий онг ва тафаккурга таъсир кўрсатиб, уни манипуляция қилади. Бу миллий онг ва маданиятни ташқи таъсирларга жавоб беришга тайёр эмаслиги билан боғлиқ.

Миллий маданият юксалиб борган сари, умуминсоний маданият ютуқларидан фойдаланиш ва унинг даражасига интилиш эҳтиёжи ортиб боради. Бу миллий маданиятни замон талабларидан ортда қолмаслигига бўлган табиий эҳтиёж билан боғлиқ, чунки миллий ўзлигини англаган миллат ўз маданиятини юксалтириш, ҳамда бошқа миллат маданиятларини орқада қолмаслигига интилади. Миллий маданиятларнинг интеграциялашиш деиократик умуминсоний маданиятни юксалиши учун асос яратади. Бу ижтимоий ривожланишга хизмат қилади.

Адабиётлар

- [1]. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. –Б.110.
- [2]. Ergashev I., Farxodjonova N. Integration of national culture in the process of globalization //Journal of Critical Reviews. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 477-479.

- [3]. Farhodjonova N.F. History modernization and integration of culture //Теория и практика современной науки. – 2018. – №. 3. – С. 13-15.
- [4]. Фалсафа қомусий луғат. - Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2004. – Б.167.
- [5]. Фалсафа Қомусий луғат. “Шарқ” нашриёти матбаа аксиядорлик компанияси. Т.: 2004. –Б.167-168.
- [6]. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning “O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O'zbekistondagi islom madaniyati markazini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Qarori. Toshkent. // Ma'rifat, 2017 yil 23 iyun
- [7]. Farhodjonova N.F. Modernization and integration: Social-philosophical analysis //Роль науки в формировании современной виртуальной реальности. – 2019. – С. 10-12.
- [8]. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
- [9]. Муминов А.Г. Миллий сиёсат ва маданият соҳадаги ислохотлар. – Т.: “Akademiya”, 2010. –Б.106.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИНГ СОҒЛОМ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАФКУРАВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Мухиддинова Х.

*Наманган муҳандислик – қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)*

This article devoted almost all spheres of life globalization and its contents, and its various forms of human impact on the life of society and the state covered. Also, to improve the conditions of ideological activity and its efficiency as the main factors.

Key words: globalization, forms of globalization, ideology, ideological activity, information, media, Internet, and intellectual potential, development, global crisis.

В статье освещены практически все сферы жизни глобализации и ее содержание, а также его различные формы антропогенного воздействия на жизнь общества и государства охвачены. Кроме того, чтобы улучшить условия идеологической деятельности и ее эффективности в качестве основных факторов.

Ключевые слова: глобализация, формы глобализации, идеология, идеологическая деятельность, информация, средства массовой информации, Интернет и интеллектуальный потенциал, развитие, глобального кризиса.

Ушбу мақолада ҳаётимизнинг деярли барча соҳаларини ўз ичига қамраб олган глобаллашув ва унинг мазмуни, унинг турли хил кўринишлари, инсон, жамият ҳамда давлат ҳаётига кўрсатаётган таъсири ёритиб берилган. Шунингдек, ушбу шароитда мафкуравий фаолиятни такомиллаштириши ва унинг самарадорлигини ошириши каби асосий омиллар баён қилинган.

Таянч сўзлар: глобаллашув, глобаллашув кўринишлари, мафкура, мафкуравий фаолият, ахборот, ОАВ, Интернет, Интеллектуал салоҳият, тараққиёт, глобал инқироз.

XXI асрнинг бошларидаги халқаро вазият глобаллашув жараёнларининг ниҳоятда чуқурлашиб кетганлиги билан характерланади. Ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзот бу ҳақида дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас.

Бугун ҳаётимизни деярли барча соҳаларида ўзини ёрқин намоеъ этаётган глобаллашув бир неча асрлик тарихга эга. XV-XVII асрлардаги географик кашфиётлар кўплаб мамлакатлар ва минтақаларнинг халқаро савдо доирасига тортилишига, sanoat революцияси эса умумий алоқаларнинг янада кучаявиغا иқтисодий замин яратган эди. XX аср бошларига келиб янги сифатий характер касб этган ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган мазкур жараён глобаллашув тушунчаси орқали ифодалана бошланди. XXI асрда эса, глобаллашув жараёни янада авж олди. Глобаллашув ва унинг моҳияти умумбашарий аҳамиятга эга бўлиб, дунёнинг кўплаб олимлари томонидан ўрганиб келинаётган асосий тадқиқот объектларидан биридир. “Бу табиий ҳол. Чунки унинг жаҳон иқтисодидаги ўрни борасида маълум бир ижобий фикрлар шакллانган бўлса ҳам, инсон, шахс, миллат, халқ ва мавжуд умуминсоний кадрлар билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш

хамон қиёмига етмаган”[1]. Бу хусусда кўплаб конференция ва симпозиумлар ўтказилмоқда. Юзлаб китоблар, минглаб мақолалар нашрдан чиқди. Ўз ўзидан равшанки, инсон ва жамият тараққиёти бевосита ана шу жараёни тўғри англаш ва талқин қилиш билан боғлиқ бўлиб бормоқда.

Умумий маънода глобаллашув – турли мамлакатлар иқтисоди, сиёсати, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир. Шунингдек, глобаллашув жараёнининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, демографик, информацион глобаллашув каби кўринишлари ҳам мавжуд.

Глобаллашув жараёнлари аввало, ахборот майдонида яққол намоён бўлмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг танқидий нигоҳидан дунёнинг ҳеч қайси қисми ўзини четга ололмаслигини таъминлаш орқали глобаллашув озодлик ва инсон ҳуқуқлари тамойилларини кенг тарғиб этади[2].

Ҳозирги шароитда табиий – ижтимоий муаммолар глобаллашиб, инсоният ҳаёти, авваламбор, умумбашарий ва планетар зиддиятларга айланиб бормоқда.

Глобаллашув шароитида барқарор ривожланишимизнинг муҳим шарти бўлган миллий маънавиятимиз ва ёшлар масаласининг долзарблиги табиий. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон ёшлар мамлакати саналади. Қолаверса, ёшлар минг йиллар давомида шаклланган, сайқал топган миллий қадриятларимиз, меросимизни келажак авлодга етказувчи қатлам ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам ёшлар тафаккури ва маънавиятини глобаллашувнинг зарарли таъсиридан асраш, миллийлигимизни ёт мафкуравий оқимлардан ҳимоялаш энг муҳим вазифамиз бўлиб қолмоқда. Чунки баркамол авлод озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни яратишда муҳим омилдир.

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири хусусида Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Махатма Гандининг куйидаги сўзлари диққатга сазовор: ”Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим мустаҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар – тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман”. Шунинг учун ҳам миллий маънавиятимиз асосида шаклланган миллий истиқлол ғояси бугунги глобаллашув жараёнида уйимизни тоза ҳаво билан таъминлаб, аини пайтда, “довуллар”дан сақлаш омили эканлигини англаш муҳим аҳамиятга эга[3].

Бугунги кунда ёшлар тафаккурига қаратилган турли таҳдидларнинг ортиши эса, айнан талабалик йилларида ёшларни толерантлик асосида тарбияланишини муҳим ижтимоий-сиёсий вазифага айлантиради. Шунинг учун талабаларга миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик барча миллат вакиллари билан тотув яшашнинг аҳамиятини асослаб бера оладиган динлараро бағрикенгликнинг моҳиятини тушунтириш мақсадида республика таълим тарбия тизимида диний бағрикенглик, толерантликни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Талаба-ёшларда соғлом тафаккурни шакллантириш масаласи ҳамда унинг таълим тизимига жорий этиш жараёнида куйидаги тамойилларга риоя этиш талаб этилади:

1) демократик ва фуқаролик, дунёвий жамият қадриятлари, умумбашарий ва миллий мезонлар уйғунлигига таяниш;

2) «ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат» ғояси талабларини бош йўналиш қилиб танлаш;

3) миллий ғоя, миллий манфаатлар ва миллий мафкура ғояларини ёшлар тафаккурида узлуксиз шакллантириш тизимини яратиш;

4) «кучли давлатдан, кучли жамият сари» ғоясининг таълим ва тарбия жараёнининг барча босқичларида узлуксиз шакллантиришга эришиш;

5) ёшларнинг ижтимоий йўналтирилган фаоллиги, миллий ва умумбашарий қадриятларни ўрганишга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиш;

6) ёшларни шахс сифатида камол топтириш фаолиятига давлат ва жамият ривожининг келгуси такомили асоси сифатида қараш;

7) ёшларни жамият ривожининг истикбол заҳира бойлиги сифатида англаш.

8) талаба-ёшлар тафаккурида бағри кенглик тафаккурини шакллантириш вазифаси педагогика фани олдида турган долзарб масалалардан бўлиб, унинг ижобий ечими ёшларни дунёвий илмлар асосида тарбиялашнинг муҳим талабларидан биридир.

Талаба-ёшларда соғлом тафаккурни шакллантириш жараёнида уларнинг билим савияси ва тафаккуридаги толерантлик бўйича билим даражасини белгилаб олиб, сўнг барча гуруҳлар савиясини назарий ва амалий билимлар билан бойитиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур педагогик жараён талаба-ёшларнинг ёш хусусиятлари, уларнинг ўз фикрига эга бўлишга интилиши, уларнинг мулоқот олиб бориш, баҳс қилиш, ўз фикрини бировларга ўтказиш маданиятлари даражаларини ҳам инобатга олиш зарур. Чунки бағрикенглик инсоннинг умумий билим ва маданият даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичлар доирасига кирувчи кадриятлардан ҳисобланади [4].

Агар жамият аъзолари умумий мақсад йўлидаги ғояларни бевосита ўз тақдири билан боғлиқ ҳолда англасалар, ҳар бир фуқаро ўз тақдирини жамият тақдири, ўзи яшаётган мамлакат тақдири билан боғлиқ ҳолда тушунса, мамлакат аҳолиси ўртасида яхлит ижтимоий бирлик вужудга келади. Ана шундай маънавий-руҳий яқдиллик ҳолати эса жамиятда умумий ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилади [5].

Талаба-ёшларда соғлом тафаккурни шакллантиришнинг асосий мақсади уларда дунёвий ва диний бағрикенглик, ўзга дин ва миллат вакиллариغا ҳурмат, ўзга маданиятларни қадрлаш, миллий бойликларга ҳурмат билан қараш, сабр-тоқатли бўлиш, дўстлик муносабатларини ўрната олиш ва қадрлаш, оила ва жамиятда бардошлилик кўникмаларини кўрсата олиш, биродарлик, ҳамдардлик, ҳурфикрлик, садоқат, эъзоз, бировларни камситмаслик, ўзгалар хатолари устидан кулмаслик, ўзгаларни ҳўрламаслик, ўз кучига ҳаддан зиёд ишонмаслик, тинчлик ва тотувликни қадрлаш, инсонларни барқарорликка сафарбар эта олиш каби кўникмаларни тарбиялашга қаратилгандир.

Глобаллашув шароитида давлатимиз томонидан кўрилатган чора-тадбирларни эътироф этган ҳолда, мафкуравий ишлар самарадорлигини янада оширишга доир қуйидаги тавсияларни келтириш мумкин:

- бугунги глобаллашув шароитида ижтимоий тараққиёт соҳасида субъектив омил, яъни шахснинг роли ортиб бормоқда, модомики, шундай экан, унинг маънавияти, юксак интеллектуал салоҳиятини юксалтириш жамият тараққиётини белгиловчи асослардан биридир. Бундай шароитда маънавий омиллар ва ижтимоий меъёрлар биринчи галда илм – фан тараққиёти, инноватсион ва информацион омилларни ўз ичига олувчи ижтимоий тузилмаларнинг мавқеини этакчи ўринга олиб чиқиш зарур;

- яшаётган асримиз ахборот билан таъминланганлигига алоҳида эътибор қаратишимиз керак. ОАВдан унумли фойдаланган ҳолда ёшлар онги ва тафаккурида миллий кадриятларимиз, анъана ва урф – одатларимиз, миллий ўзлигимиз, миллий маънавиятимизни такомиллаштириш каби тарғибот – ташфиқот ишларини мукамал йўлга қўйиш билан бирга, Миллий интернет порталлари, электрон кутубхона, ахборот ресурс марказлари фаолиятини янада кенгайтириш ва жонлантириш лозим;

- ёшларни миллий ўзлигимизга садоқат, ҳурмат руҳида тарбиялашда санъат ва адабиёт имкониятларидан унумли фойдаланишимиз даркор. Ёшларда юксак бадиий маҳорат билан бир қаторда, миллий ўзлигимиз, миллий онг, миллий тафаккур салоҳиятини янада ошириш ва ривожлантириш керак;

- тўртинчидан, ёшларга оид тарғибот – ташфиқот ишларида турли ихтисос ва йўналишлардаги мутахассислар маърузаларидан фойдаланишни инкор қилмаган ҳолда, турли мунозаралар, конференциялар, учрашувларда жонли мулоқот ва амалий ишларга кўпроқ эътибор қаратишимиз, мавжуд муаммо ва камчиликларни очиқроқ муҳокама қилиш лозим;

- бешинчидан, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни аниқлаб, уларга зарур шарт – шароитларни яратиш, қўллаб – қувватлаш, рағбатлантириш лозим. Уларнинг имкониятидан фойдаланиб, уларни ҳам тарғибот ва ташфиқот ишларига жалб этиш зарур.

“Биз ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини, албатта, яхши англаймиз. Агарки биз ХХІ асрда, тобора авж олаётган глобаллашув жараёнлари, Интернет ва интеллектуал тараққиёт ҳал қилувчи рол ўйнаётган бир даврда яшаётганимизни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳаётимиз нақадар шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётганини, айниқса, чуқур ҳис қиламиз. Ана шундай шароитда эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан, ҳаволаниш кайфиятига берилмасдан, шу пайтга қадар босиб ўтган йўлимиз – бу олдимизда турган мураккаб ва оғир йўлнинг фақат бир қисми эканини ўзимизга аниқ тасаввур этишимиз керак.

Бугунги кунда бизни ўраб турган дунё қанчалик тез ўзгариб бораётгани, яқин ва узоқ атрофимизда турли можаро ва қон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи ортиб, молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатлари янада чуқурлашиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Албатта, буларнинг барчаси ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва биздан жаҳонда юзага келаётган вазиятни сергаклик билан баҳолашни талаб қилади”[6].

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув ҳаётимизнинг деярли барча соҳасига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Қайсидир маънода барча соҳаларнинг ривожланиши ҳам айнан глобаллашув ютуқлари орқали амалга оширилади. Умуман олганда, “Глобаллашув турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайиши натижасида мавжуд бўлмаган борлиқнинг айрим қирраларини намоён этилишидир”[7]. Энг муҳими глобаллашув даврида инсоният ўз теран моҳиятини, яъни ўзлигини англашдан узоқлашмаслиги даркор. Зеро, моҳиятдан бегоналашган глобаллашув тараққиётнинг эмас, аксинча, инқирознинг нишонасидир.

Адабиётлар

- [1]. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий маънавий ҳавфсизлик. –Т.: Ўзбекистон, 2013. –Б.11.
- [2]. Muxiddinova X. G. Self-evaluation and meaning of human life //Экономика и социум. – 2017. – №. 4. – С. 29-31.
- [3]. Farxodjonova N. Features of modernization and integration of national culture //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 2. – С. 167-172.
- [4]. Ergashev I., Farxodjonova N. Integration of national culture in the process of globalization //Journal of Critical Reviews. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 477-479.
- [5]. Muxiddinova X. G. The role of information in the development of the society //Экономикаисоциум. – 2018. – №. 9. – С. 45-47.
- [6]. Қаримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк кележаги ёлида хизмат қилиш энг оили саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015. –Б.14-15.
- [7]. Фарходжонова Н., Исмоилов Т. Глобаллашувва миллий-маънавий тараққиёт. –Т.; Нишон-ношир, 2016. –Б.12.
- [8]. Muxiddinova X. G. Social and political views of jadides //Мировая наука. – 2019. – №. 3. – С. 36-39.

УДК 624.01241

ФИЗИКО-МЕХАНИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА БЕТОНА В УСЛОВИЯХ СУХОГО ЖАРКОГО КЛИМАТА

Ризаев Б.Ш., Чулпонов О., Нуманова С.Э.

Наманганский инженерно-строительный институт
(Получена 15.12.2020 г.)

The article provides the experimental value of experimental studies, showing the kinetics of changes in the strength and deformative characteristics of concrete in time under short-term loading, concrete in dry and hot climates. The change in the strength of concrete in a dry hot climate is the result of the influence of cyclical daily and seasonal changes in temperature and humidity of the environment.

Key words: shrinkage, creep, stresses, deformation, humidity, temperature, temperature expansion, wet storage, solar radiation, moisture loss of concrete, seasonal change, normal conditions.

В статье приводятся экспериментальные значения экспериментальных исследований, показывающие кинетику изменения прочностных и деформативных характеристик бетона во времени при кратковременном нагружении. Бетона в условиях сухого и жаркого климата. Изменение прочности бетона в условиях сухого жаркого климата является результатом влияния циклических суточных и сезонных изменений температуры и влажности среды.

Ключевые слова: Прочность на сжатие, призмочная прочность, напряжения, деформация, влажность, температура, нормальное условие, температурное расширение, влажное хранение, солнечная радиация, влажностный градиент, сезонное изменение.

Мақолада экспериментал тадқиқотларнинг экспериментал қиймати берилган бўлиб, қисқа муддатли юкланиш вақтида бетоннинг муштаҳкамлиги ва деформацион хусусиятларининг ўзгариши кинетикаси кўрсатилган. Қуруқ иссиқ иқлим шароитида бетон кучининг ўзгариши ҳарорат ва намликнинг циклик кундалик ва мавсумий ўзгариши таъсирининг натижасидир.

Таянч сўзлар: Босим кучи, призматик қувват, кучланишлар, деформация, намлик, ҳарорат, нормал ҳолат, иссиқлик кенгайиши, нам сақлаш, қуёш нурланиши, намлик градиенти, мавсумий ўзгариш.

Прочность на сжатие и растяжение. Твердение бетона в условиях сухого жаркого климата приво дяткиз менению его прочности

По сравнению с аналогичной характеристикой, получаемой для бетона твердеющего в нормальных температурного – влажностных условиях. Эти изменения в основном связаны с физико-химическими процессами, протекающими в твердеющем бетоне вовремя которое обуславливает закономерность проявления прочностных характеристик. Совместное переменное действие температуры, солнечной радиаций и низкая относительная влажность приводит к изменению прочности.

При этом отмеченные изменения зависят от возраста бетона. Для установления характера изменения прочности бетона во времени были проанализированы результаты испытаний образцов твердеющих на открытом воздухе под воздействием солнечной радиации и защищенных от солнечной радиации в цеху после 7-дневного влажного хранения бетона во влажных опилках. Образцы были изготовлены в июле месяце, когда температура воздуха была 35⁰ С и влажность - 20 %.

В табл..1 приведены результаты экспериментальных исследований, показывающие кинетику изменения прочностных и деформативных характеристик бетона во времени при кратковременном нагружении.

Сравнительный анализ данных приведенных в табл..1, показывает, что в возрасте 28 суток бетон, твердевший на открытом воздухе под солнечной радиацией обнаруживает недобор кубиковой и призмочной прочности в пределах 5-10 % по отношению к бетону, твердевшему в цеху и защищенному от солнечной радиации.

Снижение значений этих показателей, по всей вероятности, связано с деструктивными процессами, происходящими в бетоне, при его твердении в природных условиях сухого жаркого климата.

КРАТКИЕ СООБЩЕНИЯ

В раннем возрасте бетона в условиях сухого жаркого климата приповышенной температуре происходит более интенсивный рост прочности бетона, чем в нормальных условиях. В течение года рост прочности при хранении на открытом воздухе под воздействием солнечной радиации достигал 8 %, в цеху 11 % от прочности бетона в 28 суток (табл.1).

Вместе с тем из данных таблицы также можно заметить отсутствие значительного роста в прочности бетона в наиболее поздних сроках твердения в природных условиях сухого жаркого климата.

Таблица 1							
Условия Твердения	Возраст бето на /сутки/	R_{MIIa} %	R_b %	K_{Bc}	R_{bt} %	E %	$\varepsilon_{bc} \times 10^{-5}$
Под влиянием солнечной радиации	28	$\frac{16.6}{100}$	$\frac{14.4}{100}$	0.8 6	$\frac{1.8}{100}$	$\frac{20400}{100}$	$\frac{125}{100}$
	60	$\frac{17.5}{106}$	$\frac{14.9}{103}$	0.8 5	$\frac{1.70}{0.94}$	$\frac{20600}{100.9}$	$\frac{128}{102}$
	180	$\frac{17.8}{106}$	$\frac{15.1}{104}$	0.8 4	$\frac{1.78}{0.98}$	$\frac{21000}{102}$	$\frac{133}{100}$
	360	$\frac{18.0}{108}$	$\frac{15.3}{106}$	0.8 5	$\frac{1.81}{100}$	$\frac{24600}{100}$	$\frac{136}{108}$
В тени В цеху $t = 25 \dots 35^\circ C$ $w = 65 \dots 70^\circ C$	28	$\frac{19.8}{100}$	$\frac{17.5}{100}$	0.8 8	$\frac{2.03}{100}$	$\frac{24600}{100}$	$\frac{118}{100}$
	60	$\frac{20.9}{105}$	$\frac{18.1}{105}$	0.8 6	$\frac{2.2}{108}$	$\frac{25200}{102}$	$\frac{120}{101}$
	180	$\frac{21.4}{108}$	$\frac{18.8}{107}$	0.8 7	$\frac{2.3}{113}$	$\frac{26000}{105}$	$\frac{123}{104}$
	360	$\frac{22.1}{123}$	$\frac{19.0}{108}$	0.8 6	$\frac{2.5}{123}$		$\frac{126}{106}$

Рост призмочной прочности бетона находящегося под воздействием солнечной радиации, был менее интенсивным, чем рост призмочной прочности бетона находящегося в цеху и составлял соответственно 6 % за год. Призмочная прочность бетона за год нахождения сухом жарком климате под влиянием солнечной радиации возрастала в меньшей степени, чем кубиковая прочность. Практический интерес представляют результаты определения коэффициента призмочной прочности K_{Bc} . Так, например, согласно СНиП 2.03.01-96 величина K_{Bc} принята одинаковой для легких и тяжелых бетонов и должна быть не менее 0,72.

Полученные данные коэффициентов призмочной прочности K_{Bc} представленных в табл.1 указывают на некоторое влияние условий твердения. Установлено понижение среднего значения K_{Bc} до 8 % при твердении бетона под влиянием солнечной радиации.

Как следует из рис.1 опытные данные по коэффициенту призмочной прочности образцов находящихся в природных условиях сухого жаркого климата не совпадают с опытными точками для бетона в нормальных условиях.

Прочность бетона на растяжении находящегося под воздействием солнечной радиации меньше, чем прочность бетона на растяжении находящегося в цеху. Это можно объяснить повышением температуры воздуха и понижением его относительной влажности. Прочность на растяжение в возрасте 28 и 360 суток при хранении на открытом воздухе под воздействием солнечной радиации соответственно ниже на 12 % и 14 %, чем прочность бетона на растяжение находящегося в цеху. Существенная разница между прочностью бетона на растяжение твердевшего в условиях сухого жаркого климата и в нормальных условиях является результатом возникновения напряжений от температурного и

влажностного градиентов, приводящих к напряжению в бетоне. Изменение прочности бетона в условиях сухого жаркого климата является результатом влияния циклических суточных и сезонных изменений температуры и влажности среды.



Рис.1 Коэффициент призмной прочности бетона в условиях сухого жаркого климата. --- под солнечной радиацией.

--- в условиях сухого жаркого климата в цеху;

действует низкая относительная влажность воздуха. Это вызывает изменение гигрометрического состояния бетона. Под воздействием солнечной радиации прочность изменяется в большей степени чем для бетона, защищенного от прямого попадания солнечных лучей.

Нарис.2 нанесены опытные значения прочности и сжатие бетона находящегося под влиянием солнечной радиации /3/ и в цеху /4/. Тут же приведена закономерность нарастания прочности тяжелого бетона в нормальных условиях логарифмической зависимости,

$$R_{\tau} = R_{28} \cdot \frac{\lg \tau}{\lg 28} \quad (1)$$

Где R_{τ} – прочность бетона в возрасте τ .

R_{28} – прочность бетона в возрасте 28 суток. τ – возраст бетона, сутки.

Оценка нарастания прочности бетона по формуле (1) была выведена на основе анализа обширного экспериментального материала, полученного для бетонов различной прочности, твердеющих при нормальных условиях.

Опытные данные полученные в работе /6/ применительно к бетонам твердеющим в нормальных условиях также соответствуют установленной теоретической закономерности по (1).

Однако, в условиях сухого жаркого климата прочность на сжатие меньше, чем в нормальных условиях. Чем больше влияние сухого жаркого климата на бетон, тем больше расходятся значения прочности бетона по сравнению с нормальным хранением.




Рис.2. Характер изменения прочности бетона во времени при твердении в нормальных условиях и в условиях сухого жаркого климата.

1 и 2 – по логарифмической зависимости для бетона с прочностью 20 и 15 МПа в нормальных условиях;

3- под влиянием солнечной радиации (темные точки);

4- в условиях сухого жаркого климата в цеху (светлые точки)

Прочность бетона зависит также от времени года изготовления.

Таким образом, в природных условиях на прочность бетона существенное влияние оказывает сезон его приготовления, степень завершенности процесса гидратации и гигрометрическое состояние бетона в момент приложения нагрузки.

Список литературы

- [1]. Камбаров Х. У., Милованов А. Ф. Физико-механические свойства бетона, арматуры и железобетона при воздействии температуры.-Ташкент: ВНИИТИ, 1992. 241 с. Рукопись деп. в УзНИИТИ, N1715 - У392.
- [2]. Милованов А. Ф. ,Камбаров Х У. Расчет железобетонных конструкций для условий жаркого климата, - Ташкент: Укитувчи, 1991. 176 с,
- [3]. Милованов А. Ф. .Камбаров Х У, Расчет железобетонных конструкций на воздействие температуры, - Ташкент: Укитувчи, 1994, 360 с,
- [4]. Низамов Ш. Р. Прочность, жесткость и трещиностойкость железобетонных изгибаемых элементов из аглопоритобетона в условиях сухого жаркого климата, Автореф. дисс. канд. техн. наук., -М, : 1983,
- [5]. Рекомендации по проектированию бетонных и железобетонных конструкций для жаркого климата, --М, : 1988.
- [6]. Камбаров Х У. Сайдуллаев К. И. ,Ризаев Б. Ш. Влияние сухого жаркого климата на прочность бетона. Расчет, проектирование и испытание железобетонных конструкций предназначенных для эксплуатации в условиях сухого жаркого климата. Ташкент: ТашПИ, 1974.
- [7]. Ризаев Б. Ш. Прочность и трещиностойкость железобетонных колонн в условиях сухого жаркого климата. Сб. научных трудов Наманганского филиала ТМИ. -Ташкент: 1989.
- [8]. Ризаев Б.Ш. Изменение температуры и влажности по толщине вне- центренно-сжатых колонн из тяжелого бетона при воздействии солнечной радиации. Сб. научных трудов Наманганского филиала ТМИ. -Наманган. 1990,
- [9]. Ризаев Б.Ш. Прочность и деформативность внецентренно-сжатых железобетонных колонн в условиях сухого жаркого климата. Сборник научных трудов НамМПИ. Наманган, 2009.
- [10]. Ризаев Б.Ш., Мавлонов Р.А. Деформативные характеристики тяжелого бетона в условиях сухого жаркого климата. Журнал «Вестник науки и творчества.» - Россия. Казань, 2017. -Выпуск №3.

УДК 691.7

БИНОЛАРНИ ТАШҚИ ПАРДОЗЛАШ ИШЛАРИДА “МЕТАЛЛ-АПЕХ” ПАНЕЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Хакимов Ш., Турғунпўлатов М.

*Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)*

The article focuses on the types of modern METAL-APEX facade panels and prospects for their use in the exterior decoration of buildings.

Keywords: Metal-apex, heat shield, environmentally friendly construction, polyurethane foam, panel.

В статье рассмотрены виды современных фасадных панелей МЕТАЛЛ-АПЕКС и перспективы их использования во внешней отделке зданий.

Ключевые слова: Металлопластик, теплозащитный экран, экологически чистая конструкция, пенополиуритан, панель.

Мақолада биноларни ташқи пардозлаш ишларида замонавий “МЕТАЛЛ-АПЕХ” фасадбоп панелларни турлари ва улардан фойдаланиш истиқболлари ҳақида тўхталиб ўтилган.

Таянч сўзлар: Металл-апех, иссиқлик сақловчи, экологик соф конструкция, пенополиуретан, панел.

Ҳозирги даврда биноларнинг ташқи кўринишини замонавий енгил қурилиш материаллари асосида тайёрланган “МЕТАЛЛ-АПЕХ” фасадбоп панеллардан фойдаланиб ва

улар асосида бинонинг фасад қисмини қоплаш технологияси самарали ҳисобланади. Ушбу енгил, иссиқлик сақловчи “МЕТАЛЛ-АПЕХ” панели ёнмайдиган, узоқ муддатга чидаши ва мустаҳкамлиги юқори бўлган материал бўлиб, қурилишда ўзининг муносиб ўрнига эга. Ушбу панеллардан фойдаланилганда бинонинг ташқи қисмини безаш-қоплаш ва монтаж ишлари осон, тез ва соз бажарилади.

Бундай панеллар ҳароратни тез ўзгариб туришига ҳам бардошли, шунингдек, оловбардошлиги юқори, кичик хажмий оғирликга эга. “МЕТАЛЛ-АПЕХ”

панелларининг турли-туман ва кўп қатламлилиги уларни кенг миқёсда ишлатилишига ва ташқи бозорда уни камёб эканлигини кўрсатмоқда. Экологик соф материал бўлиб, у ҳар қандай шароитда ҳам

ўз хусусиятини ўзгартирмайди, зарарли моддаларни ажратмайди, қайта ишлов учун ҳам хомашё ҳисобланади. Атроф-муҳитни ифлосланиш ҳолатларини олдини олади. Бундан ташқари, фойдаланувчиларнинг иш вақтини тежайди, ўрнатилиши оддий ва тез фурсатда амалга оширилади. Ушбу “МЕТАЛЛ-АПЕХ” панелларни тайёрлашда алюмин-руҳ асосидаги эритмадан юпқа металл варақ тайёрланади.

Унинг таркиби алюминли эритма-55%, руҳ эритмаси-43,3% ва кремний моддаси-1,6% дан иборат бўлган қоришмани ташкил этади. Варақнинг четки юзаси ультра бинафша нурларини қайтарувчи хусусиятга эга. Бу ўз навбатида ҳар қандай ҳароратда ҳам ишлатилиш имкониятини яратади. Энг юқори қатлами қуюқ бир жинсли “полиуретан” кўпигидан тайёрланганлигидан ғоваксимон тузилишга эга. Шу сабабли, унинг енгиллиги ва мустаҳкамлилиги бошқа материаллардан кескин ажратиб туради. Пенополиуретанни физик-кимёвий кўрсаткичлари 1-жадвалда кўрсатилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

1-жадвал

Т.р.	Кўрсаткични номи	Меъёр
1	Зичлиги, кг/м ³ , кўп эмас	50
2	Иссиқлик ўтказиши коэффиценти, Вт/(м °С), кўп эмас(қуруқ ҳолатда)	0,028
3	Сув билан тўйинганда 24 соат давомида сув ютувчанлиги, % хажми кўп эмас	2,0
4	Чўзилишда мустаҳкамлиги, МПа(кг/см ²), кам эмас	0,2(2,0)

“Кўпикланганполиуретан” атроф-муҳитнинг салбий таъсирларига, шунингдек, намликга “кўпикланганполиуретан” чидамли ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида унинг юқори намлик ва иссиқликни ўтказмаслик хусусиятини оширади. “кўпикланганполиуретан” қолип ёнларига ёпишмайди, қурт-қумурсқа, чиришга ва бошқа биологик таъсирларга бардошли ҳисобланади. Ёнғин содир бўлганда “кўпикланганполиуретан” юза қатламида углерод асосли шиша толали қобиқ(парда) ҳосил бўлади, яъни уни кейинги ёниб кетишига қаршилиқ кўрсатади.



Кейинги пайтларда “МЕТАЛЛ-АПЕХ” қоплама материалларини ишлаб чиқариш тўла ҳолда рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган. Юқори даражадаги ҳарорат ва кучли босим остида ушбу учта қатлам бир бутун ҳолатда бирлаштирилади ва натижада юқори сифатли ташқи пардоз “МЕТАЛЛ-АПЕХ” панели ҳосил бўлади. Аънавий материалларга нисбатан солиштирилганда бундай панеллар пардозлаш материаллари сифатида ҳозирги бозор шароитида энг самарали қурилиш материаллари ҳисобланади. Бинонинг фасад қисмига монтаж қилинган турлича шакллардан тайёрланган

“МЕТАЛЛ-АПЕХ” панеллари ўзида 40 дан ортиқ соя(ғишт, турли шаклдаги тош, ёғоч, сопол, травертин, сайдинг, сувоқ ва х.к) кўринишидаги ранглари мужассамлаштиради. Унинг таркиби енгил ва солиштира оғирлиги(зичлиги)-170кг/м³га тенг. Устки қисми ялтироқ юпқа металл варақлардан иборат бўлиб, қалинлиги 1,5мм ни ташкил этади. “Кўпикланганполиуретан” қатламлар устига “алюмин-фолга” қоғози тўшалади ва унинг умумий қалинлиги -15 мм ни ташкил этади.

Хулоса ушбу замонавий фасадбоп “МЕТАЛЛ-АПЕХ” панеллардан фойдаланиш аънавий материалларга қараганда анча арзон, сифатли, енгил, узоқ муддатга чидамли, меҳнат талаблиги кам, монтаж ишларини тез бажарилиши билан ҳам самарали ҳисобланади.

Адабиётлар

- [1]. Панели фасадные бескаркасные трехслойные с утеплителем из пенополиуретана “МЕТАЛЛ-АПЕХ” технические условия.-Тошкент., 2015

УДК 691.327.624.072

ҚУРУҚ- ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИДА БЕТОННИНГ ҚОТИШ ЖАРАЁНИДАГИ ДЕСТРУКТИВ ЖАРАЁНЛАРНИ КАМАЙТИРИШ

Хакимов Ш.А, Тўхтабоев А.А, Муминов. К.К.

Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й)

In this article it is given the issues of heat processing of concrete in winter and the results of experiments of the effects of the water cement of the concrete.

Keywords: heat treatment, temperature gradient, cement exotherm, temperature rise, cooling, temperature field, isothermal exposure, surface modulus, environmental heat

В данной статье освещены физические деструктивные процессы в начальной период твердения, а также физико-механические свойства бетона и результаты эксперимента твердеющего бетона в летнее время года.

Ключевые слова: деструктивные процессы, пластическая усадка, уход за бетоном, испарение воды, температура окружающей среды, водно дисперсной состав, температура окружающей среды.

Ушбу мақолада қуруқ иссиқ - иқлим мавсумларида бетоннинг қотиш жароёнида ҳосил бўладиган физик деструктив ўзгаришларни камайтириш – бартараф этиш масалалари ва шунингдек физик-механик хоссалари тўғрисида тажриба натижалари келтирилган.

Таянч сўзлар: қуруқ иссиқ иқлим, буғланиш, пластик чўкиш, бетон парвариши, сувда эрувчи таркиб, парда ҳосил қилувчи таркиб, атроф-муҳит ҳарорати.

Биз биламизки, қуруқ иссиқ - иқлим шароитларида бетон ишларидаги энг асосий жароёнлардан бири, бетон қотишининг бошланғич фазаларида турли босқичдаги физик деструктив жароёнларни камайтириш масалалари ҳисобланади. Бу муаммолардан бири янги ётқизилган бетонда пластик чўкишни ҳосил бўлиши ва бунинг натижасида бетонда ёриқ (дарз)ларнинг пайдо бўлиши ҳисобланади.

Тадқиқотлар натижасига кўра (А.Лыков назарияси), бетон таркибидаги сувни нотекис тарқалиши ва юқори ҳарорат таъсирида капилляр-ғовак жисмидан унинг буғланиши натижасида рухсат этилмаган катта чўкиш деформациялари ҳосил бўлади. Шу сабабли, бетонда ёриқлар ва шунингдек бошқа дефектлар ҳам пайдо бўлиши мумкин [1]. Паст

намгарчилик муҳитида қотаётган бетоннинг тез суръатда сувсизланиши цемент тошининг гидратация механизмига салбий таъсир этади, натижада катта пластик, умумий чўкишларга ва конструкцияларда ёриқлар ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Малинский Е.Н, Крылов Б.А. тадқиқотларига кўра, қуруқ иссиқ иқлимда бетондаги пластик чўкиш физик деструктив жараёнлар ва физик механик хоссаларининг ёмонлашиши таъсиридаги асосий омиллардан биридир [2]. Янги ётқизилган бетоннинг пластик чўкиш жараёни бетондаги сувни критик буғланиш даражасигача давом этади ва секин-аста вақт мобайнида стабил ҳолатга кела бошлайди. Чет эллик олимлар ҳам (В.Лерч, Д.Тинза, С.Фридман ва бошқалар) қуруқ-иссиқ иқлим шароитларида қотаётган бетон юзасида бошланғич соатлардаёқ ёриқлар пайдо бўлишини ва бетон сифатини кескин пасайишини таъкидлашади. Пластик чўкиш жараёнига Америка меъёрларида ҳам «Иссиқ иқлимда бетон ишлари» жиддий эътибор берилган [5,6]. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қуруқ иссиқ иқлим шароитларида қотаётган бетонда содир бўладиган пластик чўкиш масаласига жиддий эътибор қаратирилиши керак.

Москвада жойлашган Бетон ва темир-бетон илмий тадқиқот институти(НИИЖБ) томонидан ишлаб чиқилган «Парда ҳосил қилувчи таркибларни самадорлигини аниқлаш» меъёрий кўрсатмасидан фойдаланиб, Оқтош шаҳарчасида жойлашган «Тажриба синов қурилиш конструкциялари заводи»да бетон ва темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида тажриба сифатида парда ҳосил қилувчи таркибларни янги ётқизилган бетоннинг пластик чўкиш жараёнига таъсирини синов тариқасида ўргандик. Ушбу тажриба янги ётқизилган бетон парвариши учун турлича парда ҳосил қилувчи таркибларни қўллаганда бетон қотишининг бошланғич даврида пластик чўкиш жараёнини ҳисобга олади. У ҳолда бетон қоришмасининг бошланғич даврида унинг парвариши учун қўлланилаётган турлича парда ҳосил қилувчи таркибларни (ПХТ) пластик чўкиш жараёнига таъсирини баҳолаш, бетон парвариши коэффициенти- Кэф орқали қуйидаги формуладан аниқланади:

$$K_{\text{эф}} = 1 - \frac{E_i - E_o}{E_{\text{мах}} - E_o}$$

Бунда: E_o - янги ётқизилган бетондаги(сув буғланишига йўл қўйилмаган) бошланғич деформациялар, мм/м;

$E_{\text{мах}}$ - парваришсиз қотаётган бетон пластик чўкишининг максимал миқдори, мм/м;

E_i - ПХТ билан химояланган бетоннинг пластик чўкиш миқдори, мм/м.

Формуладан кўриниб турибдики, энг самарали


ПХТ қўллаганда $K_{\text{эф}} = 1$, самарасиз ПХТ

қўллаганда $K_{\text{эф}} = 0$.

Завод шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, янги ётқизилган бетон парвариши учун сувда эрувчи таркиб(СЭТ) ни қўллаганимизда $K_{\text{эф}} = 0,89$ ва сувли дисперсияли таркиб(СДТ) қўллаганимизда $K_{\text{эф}} = 0,81$. 1-расмда тадқиқотлар натижаси кўрсатилган.

Изоҳ: бетон қоришма таркиби 1:2,91:4,08, С/Ц =0,54; Махсус климатик камеранинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: $t=43 \pm 3^\circ\text{C}$; $\alpha=35\%$.

Графикдан кўриниб турибдики, тажриба-синов сифатида амалга оширилган бетон парвариши учун парда ҳосил қилувчи таркибларни қўлланилганда, бетоннинг қотиш жараёнидаги пластик чўкиши сезиларли даражада пасаяди. Тадқиқотлар натижасига кўра, қотаётган бетон атроф-муҳитнинг харорати кўтарилиши билан(агар ҳаво намлиги ўзгармас бўлганда) унинг мустаҳкамлигини пасайишига олиб келишини кўрсатди [3]. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ёз шароитларида қотган бетоннинг(қуруқ иссиқ иқлимда



1-расм. Бетоннинг пластик чўкиши парвариш усулига боғлиқлиги.

1-СЭТ(сувда эрувчи таркиб) қўлланилганда


2-СДТ(сувли дисперсияли таркиб) қўлланилганда

3-парваришсиз ҳолатда бўлган намуна.

каровсиз холатда) мустахкамлиги нормал шароитда қотган бетон мустахкамлигига нисбатан 50% гача пасайиши мумкинлигини кўрсатди[4].

Бетоннинг мустахкамлигига сувнинг буғланиш миқдори ҳам катта салбий таъсир кўрсатади. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, агар бетон атроф-мухитнинг юқори харорат таъсирида қотса, гидратацияланаётган цемент заррачалари атрофида зич қатламлар (гидратация жароёни) ҳосил бўлади. Шу сабабли, сувни тўла ҳолда гидратацияланмаган цемент заррачалар олдида киришига тўсқинлик қилади. Натижада, цементнинг гидратация жароёни секинлашади ёки умуман тўхтаб қолиши мумкин. Натижада, бетоннинг потенциал мустахкамлиги сезиларли даражада пасаяди.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, сувсизланиб қолган бетон мустахкамлиги (сувсизланиш бетон қоришмаси ётқизилган вақтгача ёки ётқизилгандан сўнг содир бўлганда) 20-35%гача, ҳатто 50%гача пасайиши мумкинлиги кўрсатди. Бетон мустахкамлигининг пасайиши қотиш жараёнининг сўниш даврида сувнинг жадал буғланиши натижасида бетонда ғовақлар ҳосил бўлиши билан изоҳланади. Янги ётқизилган бетоннинг қуруқ– иссиқ иқлим мухитида ($t = 43^{\circ}\text{C}$, $\alpha = 35\%$) фильтрация қобиляти «нормал» шароитда қотаётган бетонга нисбатан 70 марта катта. Бу кўрсаткич бетон мустахкамлиги ва унинг эксплуатация қобилятига ҳам жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Бетоннинг қотиш жараёнида, сувсизланиб қолишига қарши қаратилган ҳар қандай тадбирлар, унинг мустахкамлик кўрсаткичларини сезиларли даражада ошишига олиб келади.



Бетоннинг сиқилишга бўлган мустахкамлигини аниқлаш учун 100x100x100 мм ўлчамдаги намуналар тайёрланди. Тайёрланган намуналар устига парда ҳосил қилувчи (СЭТ-сувда эрувчи ва СДТ-сувди дисперсияли) ва сарфи 350-400 г/м² таркиблар сепилди.

Намуналарнинг қотиш мухити $t = 43^{\circ}\text{C}$, $\alpha = 35\%$ ташкил этди. Эталон учун намланиб турган кум остида қотувчи намуналар олинди.

Намуналар 1, 3, ва 28 суткадан кейин синалди. Бетоннинг лойиха маркаси-300. тадқиқотлар натижаси 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Парвариш усулига боғлиқ бўлган бетоннинг сиқилишдаги мустахкамлиги
 $t = 43^{\circ}\text{C}$, $\alpha = 35\%$, бетоннинг лойиха маркаси-300

№	Бетон парвариши	Рск, МПа, муддати		
		1	3	28
1	СЭТ	12,3	20,1	31
2	СДТ	13,5	20,3	30,5
3	Намланган кум қатлами	13,4	20,1	26,4
4	Парваришсиз	12,3	1,1	23,7

1-жадвалдан кўриниб турибдики, парда хосил қилувчи таркибларни қўлланилганда бетон мустахкамлиги лойиха мустахкамлигидан юқори, намланиб турилган қум остида қотган бетон мустахкамлиги эса, лойиха мустахкамлигидан пастлигини кўрамайди.

Парваришсиз қотган бетон намуналарнинг мустахкамлиги лойиха мустахкамлигини 78%ни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Парваришсиз қотган бетон намунасининг мустахкамлигига нисбатан (78%) юқори бўлишига қарамай, унинг тузилиши шуни кўрсатмоқдаки, бундай бетонлар эксплуатация давомида бузилишга мойил ва шунинг учун узоққа чидамайди.

Адабиётлар

- [1]. Лыков А.В. Тепломассообмен (справочник), Москва, 1978.
- [2]. Малинский Е.Н.. Исследование пластической усадки бетона в условиях сухого жаркого климата. – Строительство и архитектура Узбекистана, 1975, №5.
- [3]. Худовердян В.М. К вопросу о вторичном твердении бетонов, высохших в раннем возрасте. – Известия АН.Арм., IV, 1971.
- [4]. Lerch W. «Plastic shrinkage» ACI, vol 28, n. 8, 1978, pp.797-802.

УДК 72:725

ЯНГИ АВЛОД ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Хусаинов М.А.

Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)

The article contains proposals on the construction of ecologically adapted industrial buildings as well as spatial, architectural, construction and constructive solutions that meet the requirements of modern business.

Key words: projects based on innovative approaches, harmony with the natural environment, environmentally adaptable, architectural and composition elements of industrial buildings, energy-efficient building structure, planning of the problem of obsolescence, tourist routes, demonstration halls.

В статье внесено предложения по возведению экологически взаимодействующих с природной сферой промышленных зданий а также по объемно-пространственным, архитектурно-строительным и конструктивным решениям, соответствующие требованиям современного бизнеса.

Ключевые слова: проекты на основе инновационных подходов, гармоничность с природной средой, экологически приспособляемость, архитектурно-композиционные элементы промышленных зданий, энергоактивное строение здания, планирования проблемы морального износа, туристические маршруты, демонстративные залы.

Мақолада замонавий экологик мослашувчан ишлаб чиқариш имкониятини ўзда мужассам қилган биноларни барпо этиш билан бирга, уларда замонавий бизнес талаблари инобатга олинган ҳажмий-фазовий, меъморий-қурилиш ва конструктив ечимлар бўйича таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: инновацион ёндошувларга асосланган лойиҳалар, табиий муҳит билан уйғунлик, экологик мослашувчанлик, саноат биносининг меъморий-композицион унсурлари, бинонинг энергофаол тузилиши, маънавий эскириш муаммосини режаслаштириш, туристик йўналишлар, намоиш этиш заллари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, мамлакат Президенти қурилиш соҳасига тўхталиб, “Иқтисодиётимизнинг тўла ишга солинмаган, катта салоҳиятга эга йўналишларидан бири – бу қурилиш соҳасидир. Келгуси йилда қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш асосий вазифалардан бири бўлади.” [1] деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан 2017-2021 йилларда мамлакатимизда иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсадида ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш [2] вазифалари белгиланган.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини куриш ва мавжудларини реконструкция қилишни тақозо этади. Курилиш соҳасини ислоҳ қилиш авваламбор, бино ва иншоотларни лойиҳалашда мавжуд эски қолиплардан воз кечиш ва жаҳон андозаларига мос инновацион ёндошувларга асосланган лойиҳалар устида изланишлар олиб боришдан бошлашни талаб этади.

Меъморий-қурилиш соҳасида лойиҳалаштиришнинг мавжуд амалиётида ишлаб чиқариш биносини экологик объект сифатида қараш одат тусига кирмаган. Аксинча, ишлаб чиқаришнинг технологик чиқиндилари орқали атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи саноат корхонаси экологик объект деб деб қабул қилинади. Лекин, чет эл тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги замонда барпо этилаётган бир мақсадли ва кўп мақсадли ишлаб чиқариш корхоналари ўзидаги ишлаб чиқаришни ва технологияни тез-тез ўзгартириш имкониятига эга бўлиб, атроф-муҳит билан ўзаро мувофиқ тарзда таъсир кўрсатувчи экологик объект сифатида қаралади. Бунда ишлаб чиқариш корхоналарининг экологик мусавфоллигига комплекс вазифа сифатида қаралади, яъни унда инсоннинг самарали меҳнат қилиши учун муътадил ва шинам муҳит яратиш; ёпик тизим кўринишида энергия ресурсларидан чиқиндисиз фойдаланишни йўлга қўйиш; меъморий-қурилиш шаклларини (бино элементлари) табиий муҳит билан уйғун ва мутаносиб бўлиши таъминланади [3].

Мазкур учта вазифани назарда тутган ҳолда экологик ишлаб чиқариш биноларини лойиҳалаштириш, фақатгина фазовий-режавий ва конструктив ечимларнинг иситиш тизими, вентиляция, ҳавони совитиш, табиий ёритиш, санитар-маиший хизмат кўрсатиш, дам олиш ҳудуди ва саноат биносининг меъморий-композицион унсурларини тизимли тарзда ўзаро уйғунлигини ва мутаносиблигини таъминлаш орқали эришилади.

Мазкур вазифаларнинг мақбул ечими энергофаол ва махсус технологик тузилишга эга бўлган бино лойиҳасини ишлаб чиқиш устида изланиш олиб боришга ундайди. Бундай изланишнинг натижаси бўлиб бинонинг оптимал экологик даражада бўлиши - ишлаб чиқариш технологиясининг имкон қадар максимал чиқиндисиз ва қайта тикланиш йўли билан энергиядан такроран фойдаланиш, яъни табиий муҳитни зарарли чиқитлар билан ифлослантирмаслик имкониятини яратишдир.

Бинонинг экологик жиҳатдан тоза ва энергофаол тузилиши билан унинг муътадил ва шинамлиги ҳамда технологик жиҳатдан мукамаллигини ўзаро боғлаш борасидаги изланишлар, жуда ҳам қизиқарли бўлган меъморий-композицион ечимларларни қабул қилиш сари етаклайди. Унинг асосий тамойили – турланувчан, яъни керак томонга ўзгартириш имкони бўлган ишлаб чиқариш муҳити ва экологик инфратузилмани яхлит ифодасини ўзида мужассамлаштирган бинони бапро этиш: қишки боғлар, энергофаол витражлар, табиий ёруғликдан максимал фойдаланиш имконияти, куёш энергиясини қабул қилувчи қурилмалар, ҳаво алмаштириш қурилмалари ва бошқалардир. Умуман олганда, саноат биноси худди фазовий тузилма ва жисмоний муҳитдан иборат бўлган ягона экотизим сифатида қаралиши лозим [4]. Экологик “тоза” саноат биносига бўлган миқдорий талаблар лойиҳалаштириш учун топшириқномада акс эттирилади ва у бинонинг фазовий-конструктив ечимларини танлашда асос бўлиб хизмат қилади. Бундай бинолар ҳозирги замондаги тез ўзгарувчан хилма-хил технологиялар ва ишлаб чиқариш соҳаларига мослашувчан бўлиши керак.

Ҳозирги замондаги рақобат муҳити ишлаб чиқаришда интеллектуал жиҳатдан юксак даражадаги технологияларни қўллашни тақозо этмоқда. Шу билан бирга, техника ва технологиянинг жадал суратларда ривожланиб бориши уларнинг маънавий эскириш

муддатини қисқартирмоқда. Ҳозирги вақтда технологияларни маънавий эскириши 2-3 йилдан бошланиб, кўпи билан 5-7 йилни ташкил қилмоқда. Саноат бинолари ва иншоотларининг жисмоний эскириши эса 50-70 йил ва ундан ортиқ вақтга мўлжалланган бўлади. Ана шу жойда муаммо юзага келади: ҳозирги кунда барпо этилаётган бинолар жисмоний эскиришдан кўра маънавий эскиришга тезроқ йўлиқади. Бу муаммонинг ечими ягонадир: ҳозирги кунда лойиҳалаштирилаётган бинолар вақт чақириқларига жавоб бера оладиган шундай фазовий-конструктив ва меъморий ечимларга эга бўлиши керакки, фан, техника ва технологияларнинг келгуси 50-70 йилдаги тараққиёт даражасини ўзига сиғдира олсин. Бунинг учун маънавий эскириш муаммоси олдиндан режалаштирилган бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш биноларининг маънавий жиҳатдан умрбоқийлигини таъминлашга қаратилган талаблар шундай ҳажмий-фазовий тузилма шакллларини қўллашни назарда тутиши лозимки, улар қуйидаги тамойилларга асослансин:

- биноларнинг ҳар хил мақсадларда фойдаланиш имконияти ва технологияларни тез-тез алмаштиришга мослаштирилган ҳажмий-режавий ва конструктив ечимларга эга бўлиши;

- бинонинг ҳажмий-режавий, конструктив ва муҳандислик ечимларини ўзгартиришларга мойиллиги ва қўзғалувчан (мобил) характерда бўлиши, яъни улардаги барча мавжуд коммуникацияларнинг ўрни, тури ёки тавсифини ўзгартириш ва янгилаш имкониятини мавжудлиги;

- қурилиш конструкцияларининг ҳисобга олинган давр давомида самарали ишлаб чиқаришни таъминловчи мустаҳкамлиги;

- ишчилар ва техниканинг ўзаро таъсир шароитларини мақбуллаштирилганлиги;

- ташқи муҳит билан экологик мослашувчанлиги;

- жамиятнинг ижтимоий-маданий ривожланиш даражасига ҳамоҳанг бўлган биноларнинг меъморий жиҳатдан кўркемлиги;

- замонавий бизнес таомиллари ва анъаналарини (махсулот сотиш, реклама қилиш, ишлаб чиқаришнинг экологик жиҳатлари) ўзида мужассамлаштирилганлиги.

Шу ўринда, ҳозирги замон ишлаб чиқариш технологияларидаги ўзгариш анъаналаридан келиб чиқиб, тобора робототехника ва манипуляторларнинг ишлаб чиқариш технологияларида кенг қўлланилаётганини эътироф этиш лозим. Маълумки роботлаштирилган технологияни баландлиги нисбатан кам бўлган биноларга жойлаштириш мумкин. Шу нуқтаи-назардан, саноат бинолари ва уларнинг конструктив элементларини лойиҳалаштиришда келажакда бинонинг ишчи баландлигини бир нечта қаватдан иборат бўлган вертикал қисмларга (модулларга) бўлиш имкониятини яратувчи элементларни назарда тутиш муҳимдир. Бу тадбир вертикал юк кўтарувчи элементларга (устун, фахверк) маълум масофаларда қўшимча монтаж элементлари ва юк кўтариш ўстирмаларни лойиҳалаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонасининг асосий мақсади ўз маҳсулотини муваффақиятли сотишдан иборат. Замонавий бизнес юритишнинг долзарб анъаналаридан бири-бу харидор (импортёр) ларни ишлаб чиқариш жараёни билан таништириш орқали экологик тоза ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигини намойиш этиш ва уларнинг ишончини қозониш билан мустаҳкам иқтисодий алоқаларни ўрнатишдир. Ана шу нуқтаи-назардан, лойиҳалаш даврида корхона ҳудудида туристик йўналишларни ва бевосита ишлаб чиқариш биносида намойиш этиш заллари ва майдончаларини, пиёда сайр қилишга мўлжалланган махсус йўлакларни назарда тутишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, саноат биносининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолашда бошқа кўрсаткичлар қаторига бинонинг ишчи ҳажмининг бир бирлигига (1м^3) га тўғри келадиган технологик жиҳознинг (робот, манипулятор, кран, ускуна) ҳаракатланиш фазосининг траекторияси коэффицентини киритиш таклиф қилинади. Чунки, фақат бинонинг ҳар бир метр квадрат майдонидан унумли фойдаланиш билан чегараланмасдан, унинг баландлигидаги фазодан ҳам унумли фойдаланишга рағбат пайдо бўлади.

Юқорида келтирилган параметрларга эга бўлган экологик ишлаб чиқариш биноларда

меъморий, фазовий-режавий ва конструктив ечимларни ўзаро уйғунлиги ва мутаносиблигини таъминлаш масаласини амалга тадбиқ этишни намунавий инновацион марказлар биносини куриш орқали оммалаштириш таклиф қилинади.

Таклифнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, инновацион марказлар биноларининг ишлаб чиқилган меъморий-қурилиш ва муҳандислик-техник ечимлари уларнинг кўп функционаллиги ва экологик жиҳатдан қулайлигини таъминлайди, шунингдек, ҳаёт муҳитини ташкил этишнинг замонавий талабларига жавоб берадиган янги турдаги биноларни шакллантиришга комплекс ёндашиш ҳисобига энергия ресурсларини тежаш ва табиатдан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Таклифнинг концептуал тамойиллари:

- инновацион марказларда тажриба асосидаги ишлаб чиқариш, илмий тадқиқотлар ва тадбиркорлик фаолиятини интеграциялашган ҳолда жойлаштириш кўп функционалли биноларнинг универсаллиги ва мослашувчан ечимларга эга эканлиги ҳисобига эришилади;

- инновацион марказларда тажрибали ишлаб чиқаришни кўп қаватли биноларининг универсаллиги ва ички фазонинг мобиллиги (ўзгарувчанлиги) фазовий-режавий ечим ҳисобига, мослашувчанлиги эса- меъморий-қурилиш ечимлари ва муҳандислик тизимларининг ўзаро алмашувчанлиги билан изоҳланади;

- энергия тежаш муаммоси энергия самарали муҳандислик тизимлари билан, энергия тежайдиган меъморий-қурилиш (ҳажмий-режавий ва конструктив) ечимларининг ягона мажмуи сифатида, комплекс ёндашув асосида ҳал этилади;

- экологик биноларга экологик компонент сифатда тизимли ёндашув, биноларни куриш ва фойдаланиш жараёнида атроф-муҳит ва табиатдан фойдаланиш бўйича комплекс талабларга риоя этиш орқали таъминланади.

- инновацион меъморий-қурилиш ва муҳандислик-техник ечимларга эга кўп функцияли энергия тежамкор биноларнинг типологик сериясининг мавжудлиги.

- максимал эстетик жозибadorликка эришиш — атроф-муҳит билан органик равишда боғланган, турли хил режада ва баландликдаги қурилиш ва технологик модуллардан таркиб топган меъморий композицияларни яратилиши;

Янги концепция ва унинг тамойиллари асосида ишлаб чиқариш биноларини лойиҳалаш ва куриш илмий ва технологик тараққиётнинг ҳозирги босқичида амалга оширилиши мумкин, чунки улар қурилиш фани ва амалиётини ривожлантиришнинг мавжуд ва истиқболли даражасини, шунингдек, қурилиш конструкциялари ва материалларини ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳисобга олади.

Таклиф этилаётган концепция ва принципларни амалга ошириш ишлаб чиқариш бинолари қурилишининг давомийлиги ва ресурслар сарфини камайтириш, саноат ишлаб чиқаришини жадаллаштиришни таъминлаш, капитал қуйилмалар самарадорлигини ошириш ва энг муҳими, саноат қурилишини экологик жиҳатдан хавфсиз ҳолга келтириш муаммосини комплекс ҳал этиш имконини беради.

Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабрь.
- [2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли фармони.
- [3]. Булгаков С.Н. Производственные здания нового поколения: // “Строительство и научно-технический прогресс”. Научно-популярная серия. 7' 09., с.38
- [4]. Frederick S., Jonathan T. Building desing and construction. Handbook. New York San. 2016 years.

THEORETICAL AND PRACTICAL SIGNIFICANCE OF THE PHYSICAL EDUCATION AND SPORT

Makulov Sh.Z., Jurayev E.V.

*Namangan enjineering-construction institute
(Received December 15, 2020 y.)*

This article discusses the role of physical education and sports in shaping the students' moral and ethical image. The impact of physical education and sport on the human spirit, spirituality and morality is analyzed.

Keyword. Physical Education, Sports, Motivation, Healthy Lifestyle, Spirituality, Aesthetics.

В статье рассматривается роль физического воспитания и спорта в формировании морально-этического имиджа студентов. Анализируется влияние физического воспитания и спорта на человеческий дух, духовность и нравственность.

Ключевые слова. Физическое воспитание, спорт, мотивация, здоровый образ жизни, духовность, эстетика.

Maqolada o'quvchilarning axloqiy va axloqiy qiyofasini shakllantirishda jismoniy tarbiya va sportning o'rni hamda jismoniy tarbiya va sportning inson ruhi, ma'naviyati va axloqiga ta'siri ta'siri haqida nazariy va amaliy ma'lumotlar keltirilgan..

Tayanch so'zlar. Jismoniy tarbiya, sport, motivatsiya, sog'lom turmush tarzi, ma'naviyat, estetika.

Nowadays, the main features of students' moral education in physical education and sport, and the way it is organized, focuses on the following areas:

1. Social relation to public duty, equality of the society with its own work, not reducing the level of public and state activity. It is a common duty of every member of society to have a conscious attitude to the education of his or her body, to be ready for defense of the Motherland. the ability to summarize the strength of the community for the history, traditions, and the glory of the nation. The fact that a country's athlete is a decisive factor in international victories is a way for people to feel the responsibility of their country.

2. Formation of social attitude to public property (sports facilities, equipment and supplies). Participate in equipping and refurbishing sports grounds.

3. The basic principle of community members' ethical behavior is social attitudes. Exercise provides the opportunity for a harmonious development in the work and production process. The success of an athlete is a challenge and requires endurance. By establishing a record, he develops the will, discipline, work habits, and appreciation for labor.

4. Physical culture teaches obedience to the laws of society. Gymnastics, games, sports, tourism and other physical activities require students to follow the rules and regulations. Disobeying them will keep the athlete or pupil away from the common goal. Sports can put an athlete's life in jeopardy - for example, when players are fighting for a ball, players have collided with each other. Someone is to blame. You want to respond to rudeness. However, it is an athlete that prevails over ethical norms, requirements for self-control and peaceful resolution of disputes.

5. Humanitarianism, respect for humanity, the basis for fighting for the future, peace, support, mutual support, especially in the face of competitions, are highly respected by Turkic peoples in the spirit of their competitors. The fact that health, physical training and physical fitness are all shaped by the ethics, will and other characteristics of a member of society.[1]

At the same time, students will gain the ability to work in groups and understand each other during teamwork and coaching. Healthy student competition results in the formation of a healthy socio-psychological environment in the group. Physical education is an integral part of the general education aimed at improving the health and harmonious development of the human body. One of the indicators of the physical culture in the community. The main means of physical education: physical activity, physical training, work and hygiene. Physical education is combined with mental, ethical, hard work and aesthetic education. Physical education and sport, along with the physical development of students, are also important factors in the formation of moral and aesthetic traits. Physical education and sports not only meet the needs of adolescents but also play an important role in shaping their aesthetic education.

As with other forms of education, aesthetic education focuses on the individual and the social group. Aesthetic education also promotes the formation of universal and national values. It is clear that education has a purpose and a purpose to influence the human mind, emotions, imagination, beliefs, worldview, behavior and behavior. Aesthetic upbringing is also an integral part of this common purpose and mission, and represents a historically and socially significant event. It is

worth noting that in the ancient world, the purpose of education in general was aesthetic. For example, in the ancient Greeks, the aesthetic education was aimed at the comprehensive development of citizens, the establishment of "spirit and body" harmony. In the teachings of such powerful thinkers as Plato and Aristotle, the aesthetic education system had some differences, and it helped to establish a single aesthetic dream, to form a single moral character and civic character. In medieval East and Europe, aesthetic education was intended to help the believer in God, the source of divine power, and to make the world of this world a trifle. The desire to enhance the spiritual and theological significance of the aesthetic education is still relevant, as in the aesthetic education the spirituality of the aesthetics is closely intertwined with the work and life of the people. As social tensions weaken in a particular society and social equality and social justice become more specific, the socio-political and moral ethical conditions necessary for aesthetic upbringing of the people are expanding, and the material, economic, and general opportunities available. Aesthetic upbringing will be an important factor in the community's life only if poverty and illiteracy are eliminated.[2]

The aesthetic value of physical education and sports has a long history. In the early days of human history, physical activity emerged as a form of struggle for survival, but later competitions, tournaments, and games led to the development of culture and sports. Wrestling, boxing, weight lifting, archery, equestrian sport, soccer and more have been developed and improved over the centuries. Each of them can be thought of as a combination of beauty and perfection, a common aesthetic of a particular sport. Later, sports equipment, balloons, balls, sticks, and so forth appeared. Sports facilities, special buildings were built. They are equipped with the necessary equipment. Championships, tournaments and competitions in various sports have become an integral part of the sport.

All kinds of sporting events, events, Olympic Games and tournaments are complemented by national elements of traditional sports. Playgrounds, gyms, tournaments will be decorated in the national spirit. These aspects also enhance one's aesthetic taste and have a significant impact on the formation and development of aesthetic taste. Aesthetics have always been one of the criteria for evaluating sports achievements. The body of the athlete is physically strong and the body is the main symbol of sports beauty. The athlete's agility, agility, flexibility in working with sports equipment, the combination of them, the use of sporting elements and exercises with high technique and skill are an aesthetic attitude to the athlete's attitude toward sports.

Physical perfection is the highest level of development of a person's physical quality and ability. One of the characteristics of the hormonal development of a person is a certain understanding of the physical beauty, refined behavior and secrets of the body. However, it is physically beautiful in harmony with one's spiritual wealth and moral purity, self-expression and social activity. This means that the beauty of the sport is primarily because of its body, especially its symmetry and balance. The artistic portrayal of sport and its aesthetics are often found in the cultural legacy of ancient civilizations. Ancient sculpture provides the first images of the history of sports, ancient sports competitions, and historical imagery through the use of ceramics and mosaics. Especially in sculptural works, there are powerful moments that represent the essence of a particular kind of sport, the use of them as a material of aesthetic education is of great educational importance. It would be correct to say that it serves as the key to understanding the wonderful movement of the horse.[3]

The human body is beautiful in its symmetry, for example, when a person runs, the body shape becomes asymmetrical. To find out, let's look at the Greek classic statue Dorifor. (Figure 1) It illustrates the symmetry of asymmetrical movements in sport. Sculptor - Poliklet, in his art, learns that the figure of a person is in a state of calm or slow motion. "Dorifor" is a statue of a young man bearing a spear. This sculpture was made of a bronze copy of the original and is now a stone copy. In this image, both the physical and the inner worlds are intertwined, which is not only a statue but also a law of art. The body of the sculptor revealed her inner self and self-confidence through her body. Poliklet devoted his entire creative life to finding the ideal proportion of the human body. According to the calculation of the picnic the person is of the whole length: 7.7 parts of the head,


1.10 parts of the face and palms, 1.6 of the foot. That is to say, the beauty of the human body is in the balance of the body parts.

The great sculptor Miron lived and worked in Athens in the middle of the fifth century BC. He had a great influence on the development of the fine arts. It is a bronze statue made of bronze. Unfortunately, we have a copy of it made of marble. "Diskobol" (Fig. 2) created the image of the athlete as he was ready to throw the heavy disc away. Her muscles are tense, her body bent over her, but her face is calm. Perhaps he had no face of nobleness.[4]

In this work the movement and peace are intertwined. The man with a spear in his hand depicts a lightweight, slow-moving man. His strong shoulder, abdomen, and leg muscles represent physical strength. This sculpture has been an example for the Greeks to emulate the ideal of human beauty. In sport, it stimulates people to have fun and enjoy themselves. Champions make great combinations in front of millions of fans. They also stimulate aesthetic pleasure. Aesthetic sports include figure skating, rhythmic gymnastics, synchronized swimming, equestrian sport, fencing. These sports are essentially artistic. In this context, physical culture and sports play an important role in shaping aesthetic education in young people.



1-picture



2-pictur

Conclusion.

In the process of physical training and sports, the special tasks of aesthetic education are solved and allowed. They can be described as follows:

1. Educating aesthetics of communication. Gymnastics, sports, games, tourism, as described above, represent all aspects of the individual. Athletes are humble and respectful of others will increase their enthusiasm.

2. Mutual shape and shape of the human body is the result of regular physical activity. The physical appearance of a physically harmonious person is a sign of good health. Chernyshevsky: "The beauty of the human body makes a great impression on us. Then he will come to life and we will understand it. V.V. Gorinevsky said: "Beauty is not in the opposite of

happiness, but inaccuracy, on the contrary, distorts the notion of beauty."

3. Training the ability to perceive beauty, the ability to feel the beauty of sports, and the subtlety of movement. The technique of action is beautiful, the breath of action and the expressiveness of its content.

The activities used in physical education are not the same. But each of them is beautiful in terms of running, jumping, lifting techniques, and gym skills. Judging by the game on the soccer field: "it was a beautiful game", "the game was very interesting", "the team demonstrated a high level of art in the ball during the attack" and so on.

Understanding the beauty of sports is pleasing to the viewer or to the audience. When we see beauty and beauty in sports, it shows our aesthetic taste and level. In conclusion, it is important to note that physical culture and sports play an important role in the full development of the basics.[5, 6, 7]

References

- [1]. Makarenko V. K. Formation for physical education and sports // Bulletin of the Penza State Pedagogical University. VG Belinsky. - 2008. - No. 10.
- [2]. Firsin S. A., Maskayev T. Yu. Material and technical conditions for the organization and conduct of classes in physical education and sports // Man. Sport. The medicine. - 2015. - T. 15. - No. 1.
- [3]. Markin E.V. Social significance of sport in human life // Actual issues of vocational guidance of rural schoolchildren in modern conditions of development. - 2017. -- S. 171.
- [4]. Firsin S. A. Physical education and sport in the system of values of schoolchildren // Uchenye zapiski universiteta im. PF Lesgaft. - 2015. - No. 1 (119).
- [5]. Kosharnaya G. B., Ionova O. V. Attitude of students to physical education and sports // Social and humanitarian knowledge. - 2017. - No. 9. - S. 263-270.

- [6]. Mamajonova, G. K. (2019). The role of bioethics in fostering the family's spiritual foundations. International Journal of Advanced Science and Technology, 28(12), 397-401.

УДК 621.01

ОСОБЕННОСТИ ТЕХНОЛОГИИ АНТИКОРРОЗИОННОГО ОЦИНКОВАНИЯ МЕТОДОМ НАПЫЛЕНИЯ ЦИНКА

Абдуллаев К.Х., Хайдаров А.К.

Наманганский инженерно-строительный институт
(Получена 15.12.2020 г.)

The article discusses modern methods of applying zinc coatings, which are the most effective for protecting metal surfaces from corrosion. Over the past few decades, zinc coatings have demonstrated high consumer qualities, allowing them to be used in almost all areas of industry. This paper discusses the features of the technology of anti-corrosion galvanizing by zinc spraying.

Key words: corrosion, zinc plating, zinc coating, coating thickness, galvanic steam, surface crust, metallization, service life.

В статье рассмотрены современные методы нанесения цинковых покрытий, которые являются наиболее эффективными для защиты металлических поверхностей от коррозии. За последние несколько десятилетий цинковые покрытия продемонстрировали высокие потребительские качества, позволяющие использовать их практически во всех сферах промышленности. В данной работе рассмотрены особенности технологии антикоррозионного оцинкования методом напыления цинка.

Ключевые слова: коррозия, цинкование, цинковое покрытие, толщина покрытия, гальваническая пара, поверхностная кора, металлизация, срок службы.

Мақолада металлар сиртларини коррозиядан ҳимоялашнинг замонавий усуллари билан рух билан қоплаш усули кўриб чиқилган. Хозирги кунда металлар сиртларини рух билан қоплаш технологиялари саноатнинг барча тармоқларида кенг қўлланилиб келинмоқда. Чунки рух билан қопланган металл буюмлар узоқ муддат коррозиябардошлилигини намоён этди. Мақолада металлар сиртларини рух билан қоплаш технологияларидан бўлган рух пуркаш усулининг алоҳида хусусиятлари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: коррозия, рухлаш, рух қоплама, қоплама қалинлиги, галваник жуфтлик, юзадаги қолдиқ, металлаштириш, хизмат муддати.

В современном мире коррозия металлов и защита их от коррозии является одной из важнейших научно-технических и экономических проблем. Ее актуальность особенно проявляется на предприятиях, где используются металлические конструкции, оборудование, техника, инструментарий и транспорт со значительным износом срока службы. Процессы коррозии имеют разную природу своего возникновения, но всех их связывает одно – они появляются в результате соприкосновения и взаимодействия металлов со средой.

Коррозия (лат. corrosio) – это самопроизвольное разрушение металлов под воздействием химического или физико-химического влияния окружающей среды. Процесс разрушения металлов и их защита от коррозии является одной из важнейших научно-технических и экономических проблем. Во многих областях промышленности технический прогресс тормозится из-за нерешенности, а подчас и нерешаемости целого ряда коррозионных задач. И особенно актуальными они становятся сегодня, когда использование металлов в самых разных отраслях производства достигло исторического пикового показателя.

Многочисленные исследования коррозии позволили разработать ряд методов ее предотвращения. Одним из самых эффективных является метод цинкования.

Цинкование – нанесение слоя цинка или его сплава на поверхность металлических изделий или насыщение цинком поверхностных слоев для защиты от коррозии. Метод защиты основан на том, что цинк в составе покрытия вступает в реакции коррозии первым,

не подвергая воздействию сам металл. Цинк способен уберечь железо от ржавчины, которая неизбежно появляется в ходе эксплуатации металлических предметов. И защита эта не чисто механического характера – вместе с железом цинк образует гальваническую пару, а результат взаимодействия цинка с кислородом обеспечивает ещё большую защиту – на цинке образуется поверхностная кора. Антикоррозийные покрытия с использованием цинка, а именно цинкование, обладают рядом очевидных преимуществ: увеличение срока службы металла до 60 лет; покрытие всего изделия равномерным слоем; устойчивость к отслаиванию.

Цинкование применяется в строительстве, нефтедобывающей и нефтеперерабатывающей промышленности, энергетики, газодобывающей промышленности, автомобилестроении, сельском хозяйстве. Современные технологии предусматривают несколько видов цинкования. Каждый из них отличается временем операции, свойствами, применяемым оборудованием и толщиной образующейся цинковой пленки. Выбор того или иного метода нанесения определяется требованиями к защите, эксплуатационными факторами, условиями нанесения и экономическими аспектами.

Производственные процессы, связанные с применением различных металлов и их сплавов на сегодняшний день наращиваются стремительно высокими темпами. Технологии их производства, методы получения развиваются, при этом параллельно решаются вопросы экономического характера, т.е. снижаются энергетические затраты, себестоимость конечной продукции уменьшается. Задача оцинковки стальных конструкционных и деталей в современных условиях решается разными способами. Актуальность вопроса для нашей реалии очевидна.

В Узбекистане, в частности электроэнергетическом комплексе защита стальных конструкций от воздействия коррозии и впоследствии долговечность, и устойчивость энергетических передающих линий, мостов и других объектов жизненно важна. Внедрение новых технологий в производственный процесс в текущий момент не имеет альтернативу. При решении высокотехнологичных задач проявляются необходимость комплекс требований, без выполнения которых не получается ожидаемый результат. Во-первых, вопрос сырья, во-вторых, методы использования её в конкретном технологическом процессе, в-третьих, энергоёмкость при осуществлении данной работы, и в совокупности конечный результат. По данным экспертов в мировом масштабе, производство цинка и его потребление - около 10,0 млн. тонн в год. Спрос на металл остается высоким, благодаря бурному росту производства антикоррозионных покрытий. Для получения таких покрытий используют различные способы. Примерно, половина всего производимого цинка используется для производства оцинкованной стали, одна треть - в горячем оцинковании готовых изделий, остальное - для полосы и проволоки. За последние 20 лет мировой рынок этой продукции вырос более чем в 2 раза, в среднем прибавляя по 3,7 % в год. Возможность долгосрочного использования изделий из металла и стали находится в зависимости от возможности предотвратить коррозию этих материалов. Цинковое покрытие служит тем дольше, чем больше цинка в нем содержится. Способ нанесения покрытия выбирают в зависимости от условий дальнейшего использования изделия и необходимых свойств защитного слоя.

Нами предложены металлизация, т.е. оцинкование посредством распыления. Покрытия наносят путем распыления струей воздуха или горячего газа расплавленного цинка. В зависимости от способа напыления используют цинковую проволоку (пруток) или порошок цинка. В промышленности используют газопламенное напыление и электродуговую металлизацию. Все виды оцинкования имеют широкую область применения. Отметим, основные отрасли-потребители и конкретные сферы использования данного вида защиты: энергетика, связь, дорожное, промышленное и гражданское строительство, промышленность, нефтедобыча и нефтепереработка, городская инфраструктура и коммунальное хозяйство. Примеры металлоизделий, рекомендуемых для нанесения антикоррозионных покрытий методами газового термического напыления: нефте- и

бензохранилища, газгольдеры, трубопроводы в теплотрассах, бункера шахтных вагонеток, профилированная кровля и стеновые панели, автомобильные кузова, глушители, крупногабаритные строительные профили (швеллера, двусторонние тавры, уголки), стальные листы, закладная арматура, сварные и сборные строительные конструкции мостов, дымовых труб, резервуаров, гидротехнических сооружений, нефтяных буровых вышек, металлических ограждений дорог, дорожные знаки, опоры высоковольтных передач, палубное оборудование, пристани, понтоны, шлюзы, доки, рефрижераторы, ёмкости для хранения и перевозки химических реактивов металлические орнаменты, решётки, ограды, уличные осветительные столбы, затворы гидроэлектростанций, металлоконструкции контактной сети железных дорог (опоры, кронштейны, подвески, жёсткие поперечины), шасси подвижного состава, обода колёс, элементы рельсовых скреплений, коммуникации животноводческих ферм и др. Надо отметить экологическую чистоту процесса в связи с отсутствием отходов производства.

Газовое термическое напыление антикоррозионных покрытий имеет преимущества: преграды для проникновения коррозионных возбудителей, длительный срок службы, возможность нанесения покрытия на детали любых габаритов и сложной конфигурации, отсутствие коробления и ухудшения свойств основного металла из-за возникновения водородной хрупкости вследствие обработки травителем (травление, как способ подготовки поверхности, при газовом термическом напылении не требуется), повышенные характеристики усталостной прочности за счёт создания сжимающих остаточных напряжений, микроскопическая пористость антикоррозионного покрытия способствует сохранению в порах продуктов коррозии, обеспечение хорошего сцепления с бетоном в различных закладных элементах, возможность обеспечения дополнительной защиты зон сварки, обработанных изделий непосредственно на месте монтажа конструкций, относительная простота процесса, не требующего повышенной квалификации обслуживающего персонала.

Экономическая эффективность процесса выражается в сроке службы конкретного изделия. Применение газового антикоррозионного термического напыления покрытий обеспечивает долговременную защиту металлоконструкций, работающих как в атмосферных условиях, так и в водных и других средах. Тем самым, исключается необходимость частого восстановления, что, помимо больших затрат труда и материалов, может быть связано и с временным прекращением эксплуатации объектов. Расходы на газовое термическое напыление по сравнению с окраской составляют около 250%. Однако, такие покрытия требуют восстановительного ремонта только через 30-50 лет, причём, расходы на его ремонт составляют лишь 25% расходов на восстановление лакокрасочного покрытия.

Как показывают данные сравнительной стоимости различных видов антикоррозионной защиты, в зависимости от сроков эксплуатации при условии не менее 20-летнего срока службы защищаемого изделия, затраты на газовое термическое напыление составляют менее половины затрат на окраску.

Список литературы

- [1]. Лайнер В.И. Защитные покрытия металлов: Учебное пособие для вузов. -М.: Металлургия, 1974. -559 с.
- [2]. Хунцария Э.М. Структура и защитные свойства цинковых покрытий в зависимости от технологии их нанесения на сталь. -М.: Альфа, -1993. -132 с.
- [3]. ГОСТ 9.307-89. Покрытия цинковые горячие. Общие требования и методы контроля. -М.: Изд-во стандартов, 1989. -7 с.

УДК 691.327.624.072

ЮҚОРИ ҲАРОРАТДА ЯНГИ ЁТҚИЗИЛГАН БЕТОН ҚОРИШМАСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ САЛБИЙ ТАЪСИРЛАРНИ КАМАЙТИРИШ

Хакимов Ш.А, Мамадов Б.А, Мақсуд ўғли Бахтиёр

*Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)*

In this article it is given the issues of heat processing of concrete in winter and the results of

In this article it is given the issues of heat processing of concrete in winter and the results of experiments of the effects of the water cement of the concrete.

Keywords: heat treatment, temperature gradient, cement exotherm, temperature rise, cooling, temperature field, isothermal exposure, surface modulus, environmental heat

В данной статье освещены физические деструктивные процессы в начальной период твердения, а также физико-механические свойства бетона и результаты эксперимента твердеющего бетона в летнее время года.

Ключевые слова: деструктивные процессы, пластическая усадка, уход за бетоном, испарение воды, температура окружающей среды, водно дисперсной состав, полимер плёнка.

Ушбу мақолада қуруқ иссиқ - иқлим мавсумларида бетоннинг қотиш жароёнида ҳосил бўладиган физик- механик ўзгаришларни камайтириш – бартараф этиш масалалари ва шунингдек бетоннинг физик-механик хоссалари, тажриба натижалари келтирилган.

Таянч сўзлар: қуруқ иссиқ иқлим, буғланиш, бетон парвариши, сувда эрувчи таркиб, парда ҳосил қилувчи таркиб, полимер плёнка, атроф-муҳит ҳарорати.

Маълумки, бетон қоришмасининг қотиш жароёни, цемент клинкерининг гидратация давриданок бошланади. Бунинг учун иссиқ ва нам ҳаво муҳити бўлиши зарур. Қуёш радиацияси ва юқори ҳарорат таъсирида янги ётқизилган бетон қоришмасидаги сув микдори жадал суръатларда буғлана бошлайди [1]. Бетон қоришмасидаги сувнинг пастки қисмидан юқорига қараб интенсив буғланиши натижасида бир – бири билан боғланган ғовақлар ҳосил бўлади, натижада бетон нуқсонли тузилишга эга бўлади ва бу ҳолат бетоннинг мустаҳкамлигини пасайишига олиб келади. Бетон қоришмасининг сувсизланиши натижасида цемент гидратацияси жароёни секинлашади ва тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Бетоннинг қотишини етарлича назорат қилиб турилмаса, унинг мустаҳкамлиги лойиҳа мустаҳкамлигининг 50%ни эгаллаши мумкин ҳолос. Ушбу салбий таъсирларни камайтириш ёки бартараф этиш учун янги ётқизилган бетонни парвариш (қаров) қилиш тавсия этилади. Қотаётган бетон парвариши қуйидаги бир неча асосий усулларда олиб борилиши мумкин: Бетон устини полимер плёнкалар билан қоплаш(беркитиш) усули [2]. Бунда:

-полимер плёнкаларнинг алоҳида бўлақларини пайвандлаб яхлитлаш ва юзани яхлит плёнка билан беркитиш;

-плёнкаларнинг четларини тахта, кум ёки тупроқ билан бостириб қўйиш;

-бетоннинг текисланган юзасига плёнкани бир текис йиғилиб қолмайдиган ва зич тутиб турадиган қилиб ёпиш;

-плёнкани механик шикастланишдан сақлаш;

-бетонга қаров тугаллангандан сўнг плёнкани кечқурун олиб ташлаш тавсия этилади.

Янги ётқизилган бетонни полимер плёнкалар остида тутиб туриш муддатларини қурилиш лабораторияси конкрет иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаб беради. Бетон юзасини инвентар термоизоляция қопламалари (ИТВП) билан беркитиш. Бу қопламалар икки қаватли полиэтилен плёнкасини ёғоч ёки метал рамкаларга тортиб тайёрланади. Уларни ёйиб йиғиштириб олиш ҳам мумкин. Бу усулнинг қўллаш самарадорлиги унча юқори эмас, сермехнат ҳисобланади. Булардан ташқари, янги ётқизилган бетон юзасига парда ҳосил қилувчи таркибларни сепиш. Янги ётқизилган бетонни сувсизланишидан сақлаш, тез қотиши ва яхши нам шароитни яратиш учун, унинг юзасига парда ҳосил қилувчи таркиблар сепилади. Бу таркиблар қисқа вақт ичида бетон юзасида нам ўтказмайдиган парда (плёнка) ҳосил қилади. Бошқа усулларга қараганда унинг афзаллиги бу таркибларни бетон юзасига ётқизилгандан сўнг 10-15 минут ичида сепиш мумкин. Очiq юза модули (юза сатхини унинг ҳажмига нисбати) катта бўлган қурилмаларни (автомобил йўллари ва аэродром қопламалари, канал кошинлари ва хоказо) бетонлашда, шунингдек сув етишмайдиган жойларда бетон ишларини бажаришда уларнинг юзасини ана шундай материаллар билан қоплаш аниқса мақсадга мувофиқдир. Парда ҳосил қилувчи таркибларни қўлланилганда янги қуйилган бетоннинг совуққа чидамлилигини аниқлаш учун бетон қоришмаси тайёрланиб, бир неча тадқиқотлар ўтказилди. Тажрибалар асосан, Оқтош шаҳарчасида жойлашган ”Тажриба синов қурилиш конструкциялари заводи”да бетон ва

темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида тажриба сифатида парда ҳосил қилувчи таркибларни янги ётқизилган бетоннинг совуққа чидамлилиги кўрсаткичларини синов тарикасида ўрганилди[3]. Завод шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, янги ётқизилган бетон парвариши учун сувда эрувчи таркиб(СЭТ) ни қўллаганимизда $K_{эф} = 0,89$ ва сувли дисперсияли таркиб(СДТ) қўллаганимизда $K_{эф} = 0,81$ микдорда бўлишини кўрсатди.

Янги ётқизилган бетон сиртига қопланувчи парда ҳосил қиладиган материалларга нисбатан қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

- а) улар бетон юзасига яхши пуркалиши, юзада сув ўтказмайдиган яхлит парда ҳосил қилиши, бу парда бетонни сувсизланишидан ҳимоялаши ва унинг сиртига ёпишиши керак;
- б) бетон ва арматурани занглатмаслиги; в)захарли бўлмаслиги; г)сақлаш ва ташиш вақтида бир хил бўлиши зарур.

Парда ҳосил қилувчи таркибларни янги ётқизилган бетон парвариши учун қўллаш катта самара беради, чунки бу усулни қўллаш технологияси оддий, бошқа усулларга қараганда нисбатан арзон, хом ашёси етарли. Парда ҳосил қилувчи қопламалар остида бетон қотиши учун қулай намгарчилик шароити яратилади. Бетоннинг мустаҳкамлиги бўйича унинг совуққа чидамлилиги кўрсаткичларини аниқлаш учун, тадқиқот натижаларига асосан, қуйидаги таркибда бетон қоришмаси тайёрланди. Бунда, 1 м³ бетон қоришма таркиби (1:2,20:4,07, С/Ц = 0,55) учун цемент (кувасой цемент маркаси М400) - 334 кг/м³; Сув - 186 л/м³; кум – 734 кг/м³; чақиқтош (фракцияси-5-20мм) -1356 кг/м³.

Янги тайёрланган 100х100х100 мм ўлчамли намуналар устига парда ҳосил қилувчи таркиблар сепилди. Таркиб сарфи 350-400 г/м² ни ташкил этди. Назорат учун устига таркиб сепилмаган намуналар (парваришсиз) қабул қилинди. Намуналар устига парда ҳосил қилувчи таркиблар сепилгандан сўнг бир қисм намуналар табиий шароитда ва бир қисми махсус климатик камерага жойлаштирилди($t = 430C$, $\alpha = 35\%$)[2]. R28 суткадан сўнг намуналар қолипдан ажратилиб “Бетонлар совуққа бардошлиликни аниқлашнинг таянч усули” ЎзРСТ 10000.0-95 га асосан синовлар ўтказилди. Тадқиқотлар натижаси 1-расмда ва 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Бетоннинг мустаҳкамлиги бўйича унинг совуққа чидамлилиги кўрсаткичлари

т/р	Парвариш усули	Бетоннинг сиқилишга мустаҳкамлиги				Совуққа чидамлилиги, цикл
		Синовдан олдин, 100 цикл	Синовдан сўнг, 100 цикл	Синовдан олдин, 150 цикл	Синовдан сўнг, 150 цикл	
1	СЭТ(сувда эрувчи таркиб)	304	265	310	278	150
2	СДТ(сувли дисперсияли таркиб)	298	258	309	276	150
3	Парваришсиз бетон	284	214	-	-	75

1-жадвалдан кўриниб турибдики, парда ҳосил қилувчи таркибларни бетон парвариши учун қўлланилганда унинг совуққа чидамлилиги 150 циклни ташкил этишини кўриш мумкин.Парвариш қилинмаган бетон намунасининг совуққа чидамлилиги 75 циклни ташкил қилди.Тадқиқотлар натижасига кўра, янги ётқизилган бетон парвариши учун СЭТ(сувда эрувчи таркиб) ва СДТ(сувли дисперсияли таркиб)қўлланилганда, унинг совуққа чидамлилиги 150 циклни ҳосил қиладиган шунинг учун бу таркиблар қуруқ иссиқ иқлимда қотаётган бетон мустаҳкамлиги ва совуққа чидамлилигини таъминлай олади[4].

Янги ётқизилган бетон парвариши учун парда ҳосил қилувчи таркибларни қўлланилганда унинг ишлатилиш самарадорлиги $K_{ф} = 0,90$ ва $0,80\%$ ни ташкил этади. Шунингдек, совуққа бардошлиги, сув ўтказмаслик қобилиятлари ҳам юқори бўлади.

Бундан ташқари, курук-иссиқ иқлим шароитида парда қатлами остида қотган бетонда цемент тоши ва тўлдирувчиларнинг ўзаро боғланиши яхши содир бўлади. Цемент гидротацияси эса (парваришсиз бетонга нисбатан) 1,5-2 баробарга юқори бўлишини кўрсатди.

Адабиётлар

- [1]. Лыков А.В. Тепломассообмен (справочник), Москва, 1978.
- [2]. Малинский Е.Н.. Исследование пластической усадки бетона в условиях сухого жаркого климата. – Строительство и архитектура Узбекистана, 1975, №5.
- [3]. Худовердян В.М. К вопросу о вторичном твердении бетонов, высохших в раннем возрасте. – Известия АН.Арм., IV, 1971.
- [4]. Lerch W. «Plastic shrinkage» ACI, vol 28, n. 8, 1978, pp.797-802.

УДК 33:004+338(075)

ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ПРЕДПОСЫЛКИ ЕЁ РАЗВИТИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Исаков М.Ю., Убайдуллаев Т.А.

*Наманганский инженерно-строительный институт
(Получена 15.12.2020 г.)*

The thesis examines the issues of the concept of the digital economy, its content and essence, as well as its development.

Key words: Simpleeconomy, digitaleconomy, interneteconomy, neweconomy, web-economy, digital dividends, plasticcards, newtechnologies, FIDBEC, Alibaba e-commerce system, development of the digitaleconomy

В статье рассматриваются вопросы понятия цифровой экономики, её содержание и сущность, а также её развитие.

Ключевые слова: Простая экономика, цифровая экономика, интернет-экономика, новая экономика, веб-экономика, цифровые дивиденды, пластиковые карты, новые технологии, ФИДБЕК, система электронной коммерции Алибаба, развитие цифровой экономики.

Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти ҳамда уни ривожлантирилиши масалалари ёритилган.

Калит сўзлар. Оддий иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, интернет иқтисодиёт, янги иқтисодиёт, веб- иқтисодиёт, рақамли дивидендлар, пластик карта, янги технология, ФИДБЕК, Алибобо электрон тижорат тизими, рақамли иқтисодиётни ривожлантирилиши.

В своем Послании к Сенату и Законодательной палате Олий Мажлиса Президент Республики Узбекистан Шавкат Миромонович Мирзиёев объявил 2020 год Годом науки, просвещения и цифровой экономики [1].

В связи с этим среди граждан возникли вопросы об определении и значении термина «Цифровая экономика».

Ниже мы разясняем наиболее важные из них.

Что такое цифровая экономика? Цифровая экономика - это система экономических, социальных и культурных коммуникаций, основанная на использовании цифровых технологий. Иногда это называют интернет-экономикой, новой экономикой или веб-экономикой [2].

В 1995 году американский программист Николас Нетропonte ввел термин «цифровая экономика». Сегодня по всему миру этот термин используют почти все политики, экономисты, журналисты и предприниматели.

В 2016 году Всемирный банк опубликовал первый отчет о состоянии цифровой экономики в мире. (* Цифровые дивиденды *)

В чем разница между цифровой экономикой и простой экономикой? Например, покупателю нужна обувь. Это традиционная экономика, если вы идете на рынок, выбираете его напрямую и покупаете за наличные.

Телеграмм (Интернет) - это цифровая экономика, в которой потребитель выбирает товар через торговый бот-сайт, платит владельцу товара через систему электронных платежей и получает товар через службу доставки.

Фактически, мы все пользуемся цифровой экономикой. Самый простой способ объяснить эту проблему на примере заработной платы. Например, наша зарплата переводится на пластиковые карты, при помощи её каждый человек оплачивает коммунальные услуги, мобильные телефоны, Интернет и другие товары и услуги посредством электронных платежей, подаем налоговые декларации в электронном виде, переводим деньги с карты на карту, заказываем еду на дом и так далее. Цифровая экономика - это не какая-то другая экономика, которую нужно создавать с нуля.[3]

Это означает преобразование существующей экономики в новую систему путем создания новых технологий, платформ и бизнес-моделей и их внедрения в повседневную жизнь [4].

Симптомы:

- высокий уровень автоматизации;
- электронный документооборот;
- электронная интеграция систем бухгалтерского учета и управления;
- электронные базы данных;
- Наличие GRM (системы взаимодействия с клиентами);
- корпоративные сети.

Удобства:

1. Снижены затраты на платежи. (например, поездка в банк экономит командировочные и другие ресурсы).
2. Все больше и больше информации о товарах и услугах.
3. Возможности выхода на мировой рынок товаров и услуг в цифровом мире огромны.
4. Товары и услуги будут быстро улучшаться за счет быстрого приобретения ФИДБЕК (мнение потребителей).
5. Быстрее, качественнее, проще [5].

Наглядный пример.

Одним из ярких примеров развития цифровой платформы является китайская компания Алибаба, у которой есть система электронной коммерции.

Опыт показывает, что в процессе сбора данных создаются конкурентные преимущества для экспансии в различные сектора экономики. Алибаба - это не просто цифровая платформа, а экосистема платформы.

Джек Ма основатель и владелец платформы электронной коммерции Алибаба, а также во время пандемии коронавируса он остается самым богатым человеком Китая. Его капитал на 2020 года составляет 58,8 миллиард долларов.

Что дает нам развитие цифровой экономики? Цифровая экономика значительно повышает уровень жизни людей, что является ее основным преимуществом.

Цифровая экономика - главный противник коррупции и «скрытой экономики». Потому что именно цифровая экономика даёт возможность сохранить в памяти все данные операции связанные с экономикой и быстро предоставляют информацию при необходимости.

В такой ситуации невозможно не скрыть какую-либо информацию, совершить секретные транзакции или не предоставлять полную информацию об этой активности, компьютер сделает все видимым [6].

Обилие и структура данных не допускают лжи и фанатизма, потому что обмануть систему невозможно.

В результате невозможно отмыть «грязные деньги», присвоить средства, тратить неэффективно и бесцельно, преувеличить или скрыть. Это увеличит приток легальных средств в экономику, налоги будут уплачиваться вовремя, бюджет будет прозрачным. Средства не присваиваются лицами не законно, выделяемые в социальную сферу то есть средства для школ, больниц и дорог.

Тот факт, что государство избрало путь развития цифровой экономики, открывает новые направления в области информационных технологий и электронного документооборота в целом. Переход к «цифровым технологиям» был обусловлен развитием всемирной паутины и качественной связи.

Насколько развита цифровая экономика в Узбекистане? Стоит отметить, что сегодня пользователи Телеграмм активно используют ботов для заказа еды. Также активно развиваются различные интернет-магазины и электронные платежные системы. Это означает, что наши граждане верят в осуществление электронных транзакций. Но на сегодняшний день пользователи совершают небольшие транзакции, не требующие больших затрат, и менее склонны увеличивать средний объем покупок.

Нынешняя задача состоит в том, чтобы способствовать осуществлению средних и крупных экономических транзакций и финансовых операций с помощью цифровых технологий.

Также существуют для цифровой экономики терминалы, такие как собственная валюта (криптовалюта, биткоин), сберегательный кошелек (блокчейн), методы расчета (майнинг). Рекомендуются получить о них более подробную информацию [7].

Кто будет развивать цифровую экономику?

Национальное агентство проектного управления при Президенте Республики Узбекистан является компетентным органом в области внедрения и развития цифровой экономики.

Кроме того, на Министерство экономического развития и сокращения бедности, Финансов, Информационных технологий, Юстиции и ряд других государственных ведомств возложены конкретные обязанности и задачи по развитию цифровой экономики. Об этом говорится в Послании Президента Республики Узбекистан Шавката Миромоновича Мирзиёева Сенату и Законодательной палате Олий Мажлиса (24 января 2020 года).

Недавно, 5 октября 2020 года, был издан Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-6079 (к Указу 26 приложений) об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации.

В заключение, нет никаких сомнений в том, что «цифровая экономика» получит дальнейшее развитие в нашей стране в будущем благодаря реализации этого Указа.

Список литературы

- [1]. Обращение Президента Республики Узбекистан Шавката Миромоновича Мирзиёева к Сенату и Законодательной палате Олий Мажлиса (24 января 2020 г.). газета «Народное слово» 25.01.2020 г.
- [2]. Гуломов С., Бегалов Б. «Экономическая информатика» - Таш. ТГЭУ, 2002 г.
- [3]. Шодиев Т., Агзамов С. «Возможности и проблемы интернет-системы» Таш. «Наука и технологии», 2006 г.
- [4]. Инновационная экономика / Под ред. Дынкина А.А., Ивановой Н.И. - М: Наука, 2001 г.
- [5]. Соатова Ш. «Вы знаете, что такое цифровая экономика?» газета «Зеркала справедливости» №5. 5.02.2020 г., 5-6 стр.
- [6]. Беркинов Б.Б., Ергашходжаева Ш.Дж. «Научно-методологические основы управления транзакционными издержками» Таш. «Наука и технологии» 2017 г., 236 страниц.
- [7]. <http://www.russianlaw.net>.

ISSIQ SUV TA`MINOTI TIZIMLARIDA QUYOSH ENERGIYASIDAN FOYDALANISH

Majidov N.N.

*Namangan muhandislik-qurilish institute
(Qabul qilindi 15.12.2020 y.)*

This article discusses the possibility of using solar energy in hot water supply systems. The perspective developments of the direction of solar heat power engineering are stated.

Key words: *alternative energy, renewable energy sources, solar radiation, thermal energy concentrates, accumulation, solar collector, natural energy sources.*

В данной статье рассмотрены о возможности использования солнечной энергии в системах горячего водоснабжения. Изложены перспективные развития направление солнечной теплоэнергетики.

Ключевые слова: *альтернативная энергия, возобновляемые источники энергии, солнечная радиация, концентраты тепловой энергии, накопление, солнечный коллектор, природные источники энергии.*

Ushbu maqolada issiq suv ta`minoti tizimlarida quyosh energiyasidan foydalanish imkoniyatlari ko`rib chiqilgan. Quyosh issiqlik energetikasi rivojlanishining maqbul yo`nalishlari bayon etilgan.

Tayanch so'zlar: *muqobil energiya, tiklanadigan energiya manbalari, quyosh radiyasiyasi, issiqlik energiyasi konsentrlantlari, akkumulyatsiya, quyosh kollektori, tabiiy energiya manbalari.*

Mamlakatimiz iqtisodiyotida amalga oshirilayotgan yangilanish va o'zgarishlar sanoat tarmoqlariga "yashil iqtisodiyot" tizimini joriy qilish, innovatsion taraqqiyotni -jadallashtirish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanishga qaratilgani bilan e'tiborga molikdir. Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning muhim omili — energetika tizimini modernizatsiyalash, energiya hosil qilishning muqobil manbalaridan kengroq foydalanish borasida olib borilayotgan izchil islohotlar bugun o'z samarasini bermoqda.

Noan'anaviy energiya resurslari, jumladan, quyosh energiyasidan foydalanish uchun O'zbekistonimizning deyarli barcha hududi yetarli salohiyatga ega. Tabiat ato etgan -benazir bu tuhfanini o'z o'rnida ishlatish maqsadida turli quvvatlardagi fotoelektr stantsiyalar, quyosh energiyasi bilan suv isitadigan qurilmalar ishlab chiqarish o'zlashtirilayotir.

Yurtimizda elektr energiyasiga bo'lgan talabning ortib borishi sababli yoqilg'i-energetika resurslarini iqtisod qilish masalasi nihoyatda dolzarb vazifaga aylanib bormoqda. Shu ma'noda energiyani tejaydigan uskuna va texnologiyalarni qo'llash va ulardan foydalanish orqali ham ushbu masalani qisman hal etish mumkin.

Respublikamizda elektr va issiqlik energiyasi ishlab chiqarish sur'ati oshirilishi -barobarida, bu jarayonda ishlatiladigan tabiiy resurslar sarfini kamaytirish, ayniqsa, muqobil energiya manbalaridan foydalanishni takomillashtirishga erishilayapti.

Hozirgi zamonda energiyalar bilan ta'minlashda energiya tejamkorligini oshirish davlat oldida turgan asosiy masalalardan biri xisoblanadi. Shu sababli qayta tiklanadigan va noan'anaviy manbalar va ulardan foydalanuvchi qurilmalardan foydalanishga bo'lgan qiziqishlar yildan-yilga ortib bormoqda.

Iste'molchilarni an'anaviy usul bilan issidlik bilan ta'minlash katta miqdordagi tabiiy yoqilg'ilarni sarfini talab etadi. Issiqlik ishlab chiqaruvchi qurilmalarni takomillashtirish, tabiiy energiya manbalarini iqtisod qilish imkonini beradi. Lekin an'anaviy bo'lmagan energiya (quyosh, shamol, geothermal va x.k.) manbalardan foydalanish an'anaviy energiya manbalaridan to'la voz kechish imkonini bermaydi.

Tiklanadigan energiya manbalari tugalmas bo'lib, ekologik toza, to'la ishlatiladi va arzon. Shunday bo'lsada ulardan foydalanish qurilmalarida energiyani xosil qilish narxi ortib ketadi. Shunga qaramay bunday qurilmalardan foydalanish ortib bormoqda. Yaqin kelajakda issiqlik ta'minoti bilan shug'ullanuvchi soha mutaxassislariga noan'anaviy energiya manbalaridan

foydalanuvchi turli tizimlar bilan ishlashlariga to'g'ri keladi. Bunday tizimlardan biri quyosh nurlanishidan issiqlik oluvchi tizim xisoblanadi.

Quyosh radiyasiya amaliy jihatdan tugalmas energiya bo'lib, ekologik toza energiya manbai xisoblanadi. Yuqorida aytib o'tilganlar ushbu ishning dolzarbligini belgilaydi. Quyosh energiyasi deyarli chegaralanmagan manba xisoblanib yer yuzasiga tushish quvvati 20 Mlrd Kvt ($20 \cdot 10^{12}$ Bt yoki 2000 GBt) ga teng. Quyosh energiyasi yillik miqdori $1,3 \cdot 10^{14}$ tonna shartli yoqilg'i ekvivalentiga to'g'ri keladi.


Texnik talablar asosida quyosh energiyasidan foydalanish ikki turga bo'linadi. Birinchi xolatda quyosh energiyasidan elektr energiyasi olinadi. Ikkinchi xolatda quyosh energiyasidan issiqlik energiyasi olinadi.

Hozirgi vaqtda issiqlik energiyasi konsentrlantlari issiqlik olish uchun katta yuza talab etadi. Bundan tashqari issiqlik energiyasi konsentrlantlari modulini tayyorlash qimmatga tushadi. Ikkilamchi energiya tashuvchilarni uzuluksiz taminlashni yaratish uchun akkumulyator talab etiladi. Akkumulyatsiya tizimini yaratish zarurati qo'shimcha mablag' bilan bog'liq bo'lsada, uni yechish mumkin.

Issiq suv ta'minoti uchun quyosh energiyasidan foydalanishning har-xil sxemalari mavjud: sodda, tabiiy aylanuvchi (asosiy elementlari-quyosh kollektori, bak akkumulyator) tizimdan tortib, murakkab majburiy suv aylantirish (asosiy elementlari- quyosh kollektori, bak akkumulyator, nasos (1-rasm)) tizimgacha. Har bir tizimning o'ziga yarasha avfzallik va kamchiliklari mavjud. Tizimni tanlashda avvalambor energiya tejamkorlik omiliga amal qilishga rioya etilishi kerak. Konstruktiv tugunlar ishonchliligiga, muzlab qolish va kollektor quvurlarining uzoq muddat ishlashini ta'minlanganligiga etiborni qaratilishi lozim. Tizimni ishlatilish shartlari va qurilmani o'rnatilish joylarini tanlash masalalarini, joyning rel'efi va iqlimning xususiyatlaridan kelib chiqqan xolda tanlash kerak.

Har qanday quyoshli issiqlik ta'minoti tizimlari uchun quyosh energiyasining o'zgaruvchan tarqalishi muammo xisoblanadi. Shunday bo'lsada suvni quyosh orqali isitilishi qo'yoshli isitish tizimlari oldida bir qator avfzalliklarga ega bo'ladi.

Issiq suv tayyorlashga qo'yilgan talab isitish tizimiga qo'yiladigan talabdan bir muncha yumshoqroq bo'ladi. Ya'ni quyoshsiz davrlarda kir yuvish va dush qabul qilishni ortga surib turish mumkin bo'ladi.



1-Rasm. Issiq suv ta'minoti uchun quyoshli tizim.

Yassi quyosh kollektorlari tik va tarqalgan xolatda tushayotgan nur energiyalarini issiqlik energiyasiga aylantirib beradi. Ulardan past potentsialli, harorati 70°S dan past bo'lgan issiqlik tashuvchi olishda ishlatish mumkin, xususan suv isitish uskunalarida suv isitish va xonalardagi havoni isitishda ishlatiladi. Bunday quyosh kollektorlarining effektivligi ob-havo sharoitiga qattiq bog'liq bo'lib, issiqlik tashuvchining kollektordan chiqishdagi temperaturasi ko'tarilishi bilan pasayadi. Bunday kollektorlar yozgi mavsumda cho'milish basseynlari suvlarini isitishda muvaffaqiyatli ishlatilishi mumkin. Chunki yozgi mavsumda suvning haroratini atrof-muhit haroratidan bir oz ko'tarish talab etiladi xalos. Bunday qurilmalarda yassi quyosh kollektorlari 90% effektiv ishlashi mumkin. Yassi quyosh kollektorlari uncha ko'p bo'lmagan suvlarni yuqori xaroratgacha isitib, so'ngra sovuq suv bilan aralashtirib ishlatishga qaraganda, ko'p miqdordagi suvlarni pastroq haroratda isitish uchun ishlatilsa effektivroq ishlaydi.

Adabiyotlar

- [1]. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «2018-2022 yillarda issiqlik ta'minoti tizimini rivojlantirish dasturi to'g'risidagi»gi qaror Toshkent shahri, 2017 yil 20 aprel

УДК 1.(304.3)316.3

ИНСОН МУКАММАЛЛИГИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Шайдуллаев Н. Ш.

*Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(Қабул қилинди 15.12.2020 й.)*

This scientific paper focuses on the global challenges of the present day, namely human problems, and their health problems, including priority issues of food quality and safety - with its solutions and related to the reforms in Uzbekistan.

Keywords: natural environment, human essence, dialectical process, material basis of the universe, environmental problem, society, social environment, healthy environment, peace-stability, prosperous life.

В статье рассматривается глобальная проблема современности, связанная со здоровьем человека, в том числе актуальные вопросы качества и безопасности продуктов питания, а также уделено внимание проводимых реформ в Узбекистане, связанных с этой проблемой.

Ключевые слова: природная среда, сущность человека, диалектический процесс, материальная основа мироздания, экологическая проблема, общество, социальная среда, здоровая среда, мир-стабильность, благополучная жизнь.

Мақолада ҳозирги даврнинг глобал муаммоси, яъни инсон муаммоси, унинг саломатлиги билан боғлиқ муаммолар, жумладан, озиқ овқат сифати ва хавфсизлигининг долзарб масалалари ҳамда унинг ечимлари ва бу билан боғлиқ Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларга эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: табиий муҳит, инсоннинг моҳияти, диалектик жараён, оламнинг моддий асоси, экологик муаммо, жамият, ижтимоий муҳит, соғлом муҳит, тинчлик-барқарорлик, фаровон ҳаёт.

Табиий муҳит ва инсон ўртасидаги ўзаро муносабатларни таҳлил қилиш учун бу жараёнда аввало инсоннинг моҳияти ва ўрнини аниқлаб олиш даркор.

Инсон – ҳам онг, тафаккур (ақл), ҳам ишлаб чиқариш, ҳам жамият маҳсулидир. Одамзод ана шу уч омил таъсирида ижтимоийлашиб инсон даражасига чиқиб боради. Бу албатта диалектик жараён бўлиб одамзот пайдо бўлгандан, яъни бундан 50 млн йиллар аввал чамаси тарих майдонига келган аجدодларимиз “Homo Sapiens” – ақлли одамлар ҳаёт кечириши бошланган даврдан шаклланиб келмоқда.

Инсон мукаммалликка эришиш йўлидан борган. Инсон учун мукамалликнинг мезонлари соғлиқ-саломатлик, тинч-осойишта бўлиш ва фаровонликка эришишдир. Инсон ҳеч қачон бу мезонларга ўз кучи, билими ва ҳаракати билан эриша олмайди. Бунинг учун у бирламчи табиат билан зарурий алоқага киришади. Шу билан биргаликда жамият, ижтимоий муҳит, айниқса ундаги соғлом муҳит, тинчлик-барқарорлик, фаровон ҳаёт каби омиллар катта рол ўйнайди.

Ҳисоб китобларга кўра инсон саломатлиги қуйидаги уч омилга, яъни:

1. Инсонни ўраб турган атроф муҳитга 20-40 % гача
2. Ирсиятга 15-20 % гача
3. Ҳаёт турмуш тарзига 10 % гача бевосита боғлиқ эканлигини кўриш мумкин.

Фалсафий тафаккур ривожига катта ҳисса қўшган Марказий Осиёлик файласуфлар оламнинг моддий асоси тўғрисида фикр юритиб, 4 – унсур, яъни сув, ҳаво, тупроқ ва оловни субстанция ҳисоблаганлар. Шунинг учун ҳам шу 4 унсурни инсоният қадрлаб, эъзозлаб келган. Инсонда билим, тажриба шаклланиб борган сари унинг тафаккури, ақли такомиллашиб борган. Инсон эҳтиёжи шаклланиб бориши билан унинг табиатга муносабати қанчалик ўсиб бориши билан рационал муносабатдан иррационал муносабат кучайиб, табиат бойликларидан янада кўпроқ, меъёридан ортиқ олиш пайига тушди. Меҳнат курулларининг такомиллашиши, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг кенгайиб бориши натижасида табиат

билан инсон ўртасидаги муносабатларда барқарорлик ўрнини беқарорлик эгаллай бошлади. Эҳтиёждан ортиқча бойлик орттириш ҳирси табиатга бозор нуқтаи назаридан ёндашишдек салбий ҳаракатларни юзага келтиради. Секин асталик билан атроф муҳит софлигига путур ета бошлади. Натижада экологик муаммо, экологик хавф каби тушунчалар пайдо бўлди. Бу хавф бошланиши бирламчи кичик бу маконда (миллий), кейинчалик ҳудудий, ХХ асрга келиб глобал муаммога айланиб кетди. Одамзод ҳаётининг илк даврларида кадрли ҳисобланган сув, ҳаво, тупроқ, олов каби унсурларга сифат жиҳатидан путур етказилиб, инсон ҳаёти, саломатлиги учун хавфли унсурларга айланиб боришини кўриш мумкин. Натижада инсонни яшаши, ейиши, ичиши, нафас олиши учун бирламчи омилларга, яъни озиқ овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни табиий қондириш жараёнига путур етиши инсон мукаммаллигининг омили бўлган саломатлиги кескин хавф остида қолаётгани айти ҳақиқатдир.

Аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши масаласига икки томонлама эътибор қаратиш талаб этилади:

биринчидан: Аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши билан боғлиқ хавфсизлик;

иккинчидан: Аҳолини сифатли озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминланиши хавфсизлиги масаласи;

Мазкур илмий мақолада масаланинг иккинчи томонига асосий эътибор қаратилади.

Табиийликнинг бузилиши ўз ўзидан сунъийликка йўл очиб бермоқда. Иррационал фаолият кенгайиб, муаммолар янада кескинлашиб дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигига путур етказмоқда. Овқатланиш маданиятининг бузилиши, айниқса миллий таомларимиз ўрнини европача таомлар эгаллаб бораётганлиги, сунъий таомлар, яъни мева-сабзавот, гўшт, айниқса парранда гўштини етиштиришда “гормонал препаратлар” қўлланилиши, чанқоқбости ичимликлардаги сунъий ширинликлар ва ранг берувчи моддаларнинг ишлатилиши натижасида инсон саломатлиги глобал муаммога айланганлиги ва бу жараён ХХI асрга келиб янада кескинлашиб кетаётганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотларидаги сунъийликдан Европа халқлари воз кечаётган бир вақтда Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонга юқорида зикр этилган “гормонал препаратлар” асосида яратилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари тансиқ озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида кириб келаётгани айти ҳақиқат.

Бу жараён инсон саломатлигига боғлиқ бўлган ирсиятга салбий таъсир кўрсатиши ўз-ўзидан аён. Оилада туғилаётган зурриётлар турли касалликлар: камқонлик, витамин моддаларнинг етишмаслиги, юрак хасталиги, суяк касалликлари, йод миқдорининг етишмаслиги натижасида аҳоли ўртасида иммунитетнинг пастлиги ҳолатлари намоён бўлмоқда.

Республикамызда мустақиллик йилларида аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш малакаси муҳим аҳамият касб этган. Бозор иқтисодиётига ўтиш, хусусий мулкчиликка, тадбиркорликка кенг йўл очилиши натижасида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан шуғилланувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш давлат бошқаруви олдида турган бирламчи вазифа қилиб қўйилди. Мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уни реализация қилиш жараёнида монополияга йўл қўймаслик. Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш, озиқ-овқат маҳсулоти турлари бўйича ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштириш, четдан олиб келинаётган озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсиз эканлигини назорат қилиш каби масалалар бўйича давлат назорати катъий ўрнатилганлигини кўриш мумкин.

Аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ҳуқуқий асослари 1997 йил 30 августда қабул қилинган “Озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ва 18 моддадан иборат қонуни, ҳамда 16 январь 2018 йилда қабул қилинган № ПФ-5303 Ўзбекистон Республикаси

Президентининг фармони каби қонун ва қоида ости ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мақоладаги долзарб масала билан боғлиқ муаммолар ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан асослаб берилган. Айниқса, аҳолини тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан, жумладан, картошка, сабзавот, озиқ-овқат, мойли экинларини тайёрлаш, сақлаш, сотиш масалалари, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, бир сўз билан айтганда одамлар яшашининг экологик хавфсизлигини таъминлаш масалалари давлат сиёсати даражасигага кўтарилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи нафақат миллий, ҳудудий балки глобал масалалардан бири эканлиги ташкил қилинган ушбу халқаро анжуманда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Адабиётлар

- [1] “Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ахборотномаси”- 1997 йил, 9 сон
- [2] “Ўзбекистон Республикаси қоида ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил 22 январ, 3 сон
- [3] Назаров Қ., “Жаҳон халқлари фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар”, 2004 йил
- [4] Кузин В. И. “Озиқ овқат хавфсизлиги” назария ва амалиёт, “Жамият ва бошқарув” журнали, 2016 йил, 1 сон, 103-105 бетлар.

1. “Фарғона политехника институти Илмий – техника журнали” (“Научно – технический журнал ФерПИ”, “Scientific – Technical Journal FerPI”) саҳифаларида фундаментал ва техника фанлари соҳасида янги илмий натижаларга эга бўлган ва 50 % дан ортиқ қисми илгари эълон қилинмаган ўзбек, рус, инглиз тилларида тайёрланган мақола ва қисқа хабарлар қуйидаги бўлимлар бўйича чоп этилади: **физика-математика фанлари; механика; қурилиш; энергетика, электротехника, электрон қурилмалар ва ахборот технологиялари; кимёвий технология ва экология; ижтимоий-иқтисодий фанлар; қисқа хабарлар.**

2. Мақола стандарт A4 ўлчамдаги оқ қоғознинг бир томонида чапдан 30 мм, ўнгдан 15 мм, юқоридан ва пастдан 20 мм кенгликда жой қолдириб, **Times New Roman** шрифтида, **12 pt** ўлчамда, қаторлар ораси **бир оралик** билан ёзилади ва икки нусхада тақдим қилинади. Мақолалар ҳажми чизмаларсиз **саккиз саҳифадан**, қисқа хабарлар эса **уч саҳифадан** ошмаслиги ва иккинчи нусхасида барча муаллифлар фамилияси, исми ва шарифларини кўрсатиб имзо чекишлари лозим.

3. Мақолага қуйидагилар илова қилинади: иш бажарилган **ташкilot йўлланмаси**; ўзбекча, русча ва инглизча **аннотациялар** (бир хил мазмунда ва 5-6 қатордан ошмаслиги зарур), **таянч сўзлар, мақола номлари; эксперт хулосаси; муаллифлар тўғрисида маълумот** (иш жойи, лавозими, телефони, e-mail). Муаллифлар орасида фан доктори бўлмаган тақдирда, шу соҳа ихтисослиги бўйича **фан докторининг тавсияси** тақдим этилади.

4. Формулалар компьютерда Word формулалар муҳаррирининг Math Type версиясида ёзилади. Чизмалар ва диаграммалар стандарт қоидаларга риоя қилинган ҳолда 10×10 см дан катта бўлмаган ўлчамда тайёрланиши, ёзувлар имкони борида сонлар ёки ҳарфлар кўринишида берилиши ва улар мақола саҳифасида ёки чизмага иловада тушунтирилиши лозим. Мақолада чизмалар сони **4 тагача**, қисқа хабарларда эса **2 тагача** рухсат этилади.

5. Мурोजат қилинган адабиётлар рўйхати мақола охирида қуйидаги тартибда келтирилади: муаллифнинг фамилияси, исми, шарифи, китоб (журнал)нинг номи, нашриёт (китоблар учун) йили, журнал номери, саҳифа (журнал учун). Мақола саҳифаларида адабиётларга илова рақам билан тартибли равишда квадрат қавс ичида (масалан [7] кўринишида) берилади.

6. Мақолани тайёрлашга ўта синчковлик ва ўткир диққат билан ёндошиш тавсия этилади. У илмий ва грамматик жиҳатдан юқори даражада талабчанлик билан илмий мақола мақомида таҳрирланган бўлиши лозим: саёз мазмундаги, ғализ ва узундан-узоқ жумлаларни ишлатмаслик; мақоланинг илмий йўналишига, шу куннинг ечилмаган ва долзарб муаммоларига баҳо берилиши; ишнинг асосий мақсади, қўйиладиган масалалар ва уларни ечиш услублари, олинган янги илмий натижалар ва уларнинг таҳлили ҳамда аниқ хулосалар катъий кетма-кетликда равон тилда баён қилиниши лозим.

7. Таҳририят зарурат бўлганда тақдим этилган мақола ва қисқа хабарларни таҳрир қилиш ҳуқуқига эга. Улар сўзсиз таҳририят аъзоларига ёки бошқа тегишли мутахассисларга тақризга берилади.

8. Агар мақола муаллифга қайта ишлаш учун қайтарилса, мақоланинг охирги кўриниши олинган кундан бошлаб мақола таҳририятга тушган ҳисобланади. Журнални чоп этишда doc. MS Word 97 (2003) таҳририда ишловчи дастурлардан фойдаланилади.

Мақолаларини ўз вақтида чоп этилишини истаган муаллифлар таҳририятга ана шу дастурдан фойдаланган ҳолда компьютерда терилган электрон вариантини тақдим этишлари мақсадга мувофиқдир.

9. Журналнинг электрон вариантларини ФерПИ веб-сайти <http://www.ferpi.uz> (faoliyat→ilmiy faoliyat→ilmiy jurnal) дан топиш мумкин.

Кўрсатилган қоидалар асосида тайёрланмаган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди.

1. На страницах «Научно-технического журнала ФерПИ» публикуются статьи и краткие сообщения в области фундаментальных и технических наук, содержащие новые или более 50 % ранее не опубликованные научные результаты, на узбекском, русском или английском языках по следующим разделам: **фундаментальные науки; механика; строительство; энергетика, электротехника, электронные устройства и информационные технологии; химическая технология и экология; социально-экономические науки; краткие сообщения.**

2. Статья представляется в двух экземплярах на белой бумаге стандартного формата А4 с полями: слева 30 мм, сверху и снизу по 20 мм, справа 1,5 мм; шрифт Times New Roman 12 pt, междустрочное расстояние один интервал. Общий объем статьи не должен превышать восьми страниц, не считая рисунков, кратких сообщений же не более трёх страниц. Второй экземпляр статьи представляется с подписями всех авторов.

3. К статье прилагаются: **направление учреждения**, в котором выполнена работа; **экспертное заключение** (для авторов из Республики Узбекистан); на узбекском, русском и английском языках **аннотация** (из 5-6 строк одинакового содержания), **ключевые слова, название статьи; сведения об авторах** (место работы, должность, телефон, e-mail). В случае отсутствия среди авторов доктора наук представляется рекомендация доктора наук в области этой специальности.

4. Для написания формул в тексте необходимо пользоваться редактором Word Math Type. Формулы нумеруются в сквозном порядке. Для обозначения физических, математических и химических величин, включая индексы, применяются исключительно латинские и греческие буквы. Нельзя обозначать различные величины одной и той же буквой. Подготовленные рисунки и диаграммы должны соответствовать стандартным требованиям и не превышать размеры более чем 10x10 см, надписи, индексы или буквенные обозначения, желательно указать и пояснить на страницах статьи или в приложениях к рисункам.

5. Список литературы представляется в конце статьи в следующем порядке: Ф.И.О. авторов, название книги (журнала), год издания (для книг), номер журнала, страницы (для журналов). На страницах статьи ссылки на цитируемую литературу представляются в порядке упоминания арабской цифрой в квадратных скобках, например: [1].

6. Внимательно относитесь к стилю своей статьи, который должен отвечать требованиям высокой степени редактирования, как в отношении научности, так и грамматики. Избегайте длинных фраз поверхностного содержания. Для лучшего восприятия большой статьи читателями рекомендуется разбить текст на разделы: например, 1. Введение, 2. Методика эксперимента, 3. Экспериментальные результаты, 4. Заключение. Следует обязательно указать основную цель работы, постановку задач, актуальность и современность проблемы, методы и способы решения, полученные новые научные результаты и их анализ, а также конкретные выводы.

7. Представленные в редакцию статьи направляются для рецензирования членам редакции или другим соответствующим специалистам. Определяются, соответствует ли статья тематике журнала, есть ли в ней четко сформулированные новые научные результаты, достаточно ли надёжно обоснованы выводы, понятно ли изложен материал. При необходимости статья может быть отредактирована.

8. В случае возврата статьи авторам для доработки срок её поступления в редакцию, считается со дня поступления последнего её варианта.

При печати материалов журнала применяется текстовый редактор doc.MS Word 97 (2003). Для своевременного опубликования статьи, авторам необходимо представить электронный вариант статьи, набранный на компьютере с использованием указанной программы.

9. Электронные версии журнала доступны на веб-сайте ФерПИ <http://www.ferpi.uz> (faoliyat→ilmiy faoliyat→ilmiy jurnal).

Статьи, не оформленные согласно вышеуказанным правилам, редакцией не принимаются.

INFORMATION TO THE AUTHORS !

1. On pages “Scientific – Technical Journal Fer.PI” are published articles and short messages in the field of the fundamental and technical science, containing new or more than 50% earlier not published scientific results, in Uzbek, Russian or English languages according to the following sections: fundamental sciences; mechanics; construction; power, electrical equipment, electronic devices and information technologies; chemical technology and ecology; social and economic sciences; short messages.

2. Article is submitted in duplicate on white paper of the standard A4 format with fields: at the left 30 mm, above and below on 20 mm, on the right 1,5 mm; Times New Roman 12 pt font, interlinear distance one interval. The total amount of article shouldn't exceed eight pages, apart from drawings, the short messages, no more than three pages. The second copy of article is submitted with signatures of all authors.

3. To article are applied: the direction of establishment in which work is performed; the expert opinion (for authors from the Republic of Uzbekistan); in Uzbek, Russian and English languages the summary (from 5-6 lines of the identical contents), key words, article name; data on authors (work place, position, phone, e-mail). In case of absence among authors of the doctor of science the recommendation of the doctor of science in the field of this specialty is submitted.

4. For writing of formulas in the text the Word Math Type editors need to use. Formulas are numbered in a through order. For designation of physical, mathematical and chemical quantities, including indexes, exclusively Latin and Greek letters are applied. It is impossible to designate various sizes the same letter the Prepared drawings and charts have to conform to standard requirements and not exceed the sizes more than 10x10 cm, inscriptions, indexes or alphabetic references, it is desirable to specify and explain on pages of article or in annexes to drawings.

5. The list of references is submitted at the end of article in the following order: First name, middle initial, last name authors, the name of the book (journal), year of the edition (for books), the issue of the journal, pages (for Journal). On pages of article of the link to quoted literature are represented as a mention in the Arab figure in square brackets, for example: [1].

6. Consider to the style of the article attentively which has to meet the requirements of high extent of editing as concerning scientific character, and grammar. Avoid long phrases of the superficial contents. For the best perception of big article readers recommend to break the text into sections: for example, 1. Introduction, 2. Experiment technique, 3. Experimental results, 4. Conclusion. It is necessary to specify surely a main objective of work, statement of tasks, relevance and the present of a problem, methods and ways of the decision, the received new scientific results and their analysis, and also concrete conclusions.

7. Articles presented to edition go for reviewing to members of edition or other corresponding experts. Are defined, whether there corresponds article to journal subject, whether there are accurately formulated according to new scientific results in it, whether it is enough reliably valid conclusions, whether the material is clearly stated. If necessary article can be edited.

8. In case of article return to authors for completion, the term of its receipt in edition, is considered from the date of receipt of its last option.

At the press of materials of the journal the text editor of doc.MS Word 97 (2003) is applied. For timely publication of article, authors need to present the electronic version of article gathered on the computer with use of the specified program.

9. The electronic version of the journal is available on the FarPI website, <http://www.ferpi.uz> (faoliyat→ilmiy faoliyat→ilmiy jurnal).

The articles are not meeting the requirements will not be accepted by the editor.

ФарПИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ
ТАХРИРИЯТИ:

Масъул муҳаррир
Мусахҳиҳ
Мусахҳиҳ
Компьютерда саҳифаловчи

Н.Х. Юлдашев
А.Ш. Нигматуллина
Д.Н. Марайимова
С.Э. Йўлдашева

Таҳририят манзили:
150107. Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86 уй.
Телефон: 241-13-54.
Факс: 241-12-06.
Бизнинг сайт: <http://www.ferpi.uz>
E-mail: jurnalferpi@ferpi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
Оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиб,
2020 йил 6 августда № 1081 рақамли гувоҳнома олинди.

Босишга рухсат этилди: 29.12.2020 й.
Бичими: А4. Гарнитура Times New Roman.
Босма табағи: 15,25. Адади 100 нусха. Буюртма № 3.
Баҳоси шартнома асосида.
«Dadaxon Nur Print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Фарғона шаҳар Б. Марғилоний кўчаси 62-уй.
Лиц: №22-2891 21.11.2012 йил.